

Тоғай Мурод

**ОЙДИНДА ЮРГАН
ОДАМЛАР**

*Қиссалар
Ҳикоялар*

*Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1985*

Мурод, Тоғай.

Ойдинда юрган одамлар: Қиссалар. Ҳикоялар.—Т.
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.— 160 б.

Тоғай Мурод ўз қиссаларида Сурхон воҳасининг оккўнгил, танти ва мард чаваң-
дозлари ҳаётини,миришқор боғбонларию чевар пиллақорлари меҳнатини, уларнинг
муҳаббат деб аталмиш кўнгил кўшиқларини ўзига хос завқу шавқ, нафис бадий тилда
тараннум этади.

Мурад, Тағай. Люди в лунной ночи: Повести. Рассказы.

Ўз2

4702570200—12
М _____ 14—85
М352(04)—85

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.



Қиссалар

ОТ КИШНАГАН ОҚШОМ

Биродарлар, кўргилик, кўргилик!

Бир эрта уйғониб калламга қўл югуртирсам, сочларим орасида яра-чақалар уч берибди. Парвойим фалак юра бердим. Онамгаям айтмадим.

Чақалар кун сайин болалаб, каттарди. Кўтир бўлиб кичиди. Қишлоғимизнинг фельдшерига бордим. Фельдшер фу, дея афтини буриштириб, Юрчидаги калхонага олиб жўнади. Йўлда машинадан ташлаб қочдим. Ушлаб келиб, яна машинага босди.

Калхонада... Ух, айтгили йўқ. Дўхтир дегани бераҳм экан. Онамни кўрдим, биродарлар...

Бари калга қайтадан жингала соч битди. Менинг каллам ялтираб қолди. Биттаям соч битмади. Дўхтирлар ажабланиб, кам учрайдиган воқеа, деди. Хўрлигимдан йиғлаб-йиғлаб уйга келдим. Онамиз тап-тақир калламни кўриб, куйди.

Қатта телпак сотиб олиб, қишин-ёзин қулоқларимгача бостириб кийиб юрдим. Мактабдаям телпагимни олмадим. Математика муаллимимиз оёғини тираб талаб этди:

— Бошингдаги либосингни олмасанг дарс ўтмайман!

Олд каторда ўтирган синф оксоқолимиз муаллимга бир нима деди. Бироқ муаллим ўз сўзида турди:

— Ўқувчи дарсда ялангбош ўтириши лозим! Қонда шундай!

Телпагимни калламга босиб ушладим.

— Ўқувчи Курбонов, сенга айтяпман!

Миқ этмадим. Муаллимимиз телпагимни юлиб олиб, деразадан отиб юборди. Синфимиз болалар кулгисидан зириллаб кетди. Улар калламни офтобга менгзаб қий-қирди:

— Ура-а-а, кун чиқди!

Калламни қўлларим билан яшириб, хўнграб йиғладим. Сиёхдонни муаллимнинг юзига отдим. Тегмади. Мактабдан кочиб кетдим. Яна қайтиб оёғимни босмадим. Директор билан синф раҳбаримиз келиб тавалло қилди. Онамиз авради. Бари бир бормадим. Бешинчи синф каллам билан қолдим.

Одамлар мени кал дейдиган бўлди. Зиёдулла кал эмиш! Э тавба-е, э тавба-е! Аввал-аввал уятдан қулоқларим-гача ловиллаб ёндим. Кўнглим ўксиди. Кейин-кейин ботмайдиган бўлди. Кўнглимга сингди. Қулоқларим ўрганди. Энди Зиёдулла кал демайдиганлардан ўпкалардим. Айниқса, почтачидан. Қачон кўрса ўрток Қурбонов, дейди. Фашим келади. Мени майна қилаётгандай туюлади.

Бир сафар жеркиб ташладим:

— Нимага ўрток Қурбонов дейсиз? Мен бир амалдор-мидимки ё дипломим бормидики ўрток Қурбонов дейсиз? Бор-йўғи бешинчи синф каллам бўлса. Кўп майна қилманг, сочим бўлмасаям тарағим тиллодан.

— Бўлмаса нима дейин?

— Эл катори Зиёдулла кал дея беринг. Ўз отим ўзим билан.

Хайрият-е, энди почтачим кал дейдиган бўлди!

Диплом сўрамайдиган турли ишларда ишладим. Қоровул бўлдим, гўлаҳ бўлдим. Охири подачи бўлдим. Одамларнинг қўйини бокдим. Адирларда най чалдим. Нафасим етмай қолиб, эски бир дўмбира топдим. Дўмбирани сайратиб, бепоён адирларга, ёйилиб ўтлаётган қўйларга, чўккилар учида узмай чуғурлаётган қушларга, бўлак-бўлак оппоқ булутларга қараб дoston айтдим. Бу дostonларни тўйлар, олис ялдо кечалари боболаримиз бири қўйиб бири айтарди. Уларнинг кўплари раҳматлик бўлди. Раҳматликлардай дoston айтиб бўлмайди. Бизники баҳоли қудрат-да.

Биродарлар, сиз сўраманг, мен айтмайин... Оти Момосулув эмиш. Юзлари кулчадайми ё сулувми? Кўзлари қорами ё зиғирнинг гулидайми? Қошлари қуюқми? Қуюқ бўлса, қайрилмами? Кечасилигидан кўрмас эмишман, билмас эмишман.

Момосулувларнинг кўчасида телба бўлиб юрар эмишман. Кўр ойдин эмиш. Бир нима йўқотгандай тентирар эмишман. Йўл четидаги тошга чўнқайиб, кафтларимни нягимга тирабман. Ойга маҳлиё бўлиб термилибман. Ойнинг бети кир эмиш. Қола берса, ойга мендайин сонсиз ошиқлар маҳлиё термилган. Ой қайси ошиққа бир бўса берган? Ой қайси ошиққа вафо қилган? Ойга қўл

силтаб ўрнимдан турибман. Момосулувнинг деворидан ошибман. Ити йўқ эмиш. Дарахтлар паналаб ёруғ деразасига термилибман. Олмаларидан узиб ебман. Чироғи лип этиб ўчибди. Айвонига кирибман. Тимирскиланиб, тўшагини топибман. У уйғониб кетиб, чириллайман, кет, дебди. Мен ёлворибман. Қўлимни узатибман. У қўлимни рад этиб, ўзимга сурибди.

Мен унинг қўйнига кирибман! Биродарлар-ай, жамики олам бир тараф, қўйин деганлари бир тараф экан! Аҳай!

Борига шукур қилиб, тек ётсам бўлмасмиди? Қўйнига қаноат қилсам бўлмасмиди? Мен тинмас унинг кўнглига-ям кирибман! Ошиқона-ошиқона қадамлар босиб, кўнглини овлабман! Зим-зиё бир олам эмиш. Теварак ҳувиллаб ётармиш. Қимирлаган жон йўқ эмиш. Эркак зотининг ўзи тугул излариям йўқ эмиш. Теваракка аланглаб кулар эмишман: бу даргоҳга мендан ўзгалар келмабди! Кўнглимни зўр бир хушвақтлик қитиқлар эмиш: бу даргоҳга биринчи бўлиб мен кадам қўйибман! Аҳай!

Кўзимни очсам уй зимистон, болишни кучоклаб ётибман.

Уйкум қочди. Уни қувалаб, шифтга қараб ётдим. Чин, қишлоғимизда шундай киз бор. Отиям Момосулув.

Эрталаб таътил қилиб, белимга тушлик ўрадим. Заранг таёғимни судраб, подаётқоққа бордим. Тошга ёнбошладим.

Эл қўй-эчкиларини ҳайдаб кела берди. Ана, уям келди! Мен ўрнимдан туриб қарадим. Хаёлимда, юзларим ловиллаб кизиди. У қўлидаги хивични қўйларининг кетидан отиб юбориб, қайрилиб кетди. Менга қайрилиб қарамадиям. Ажабо, у кеча мени кўрдимикин? Уялганидан тез қайрилиб кетдимикин?

Биродарлар, шу киз кўз олдимдан кетмай қолди. Кечасиям, кундузиям! Унга совчи қўйдим. Тегмайман, калласи кал, дебди. Е пирим-е, ё пирим-е! Қал бўлса нима бўпти? Гап жундами? Жуннинг ақли борми, хоҳлаган ерига бита беради-да. Бировга қуюқ битади, бировга сийрак. Яна бировга биттаям битмайди. Жун экиш дехкончиликмидики, айб бўлса. Қалласига жун экмаган, эксаям суғориб, парваришламаган, оқибат, қуриб қолган, деса. Майли, унда мени камситсин. Зиёдулла калнинг эркаклик уқуви йўқ, муштдай калласига жун экиб ололмайди, десин. У яхши эр бўлмайди, десин.

Мен барибир шаштимдан қайтмадим. Совчини босиб қўя бердим. Айтинглар, мен ҳали от олиб кўпқари чопаман, дедим. Ноз қилиб-қилиб, охири кўнди.

Тўй-томоша бўлди. У мастона-мастона кадам қўйиб, чимилдиққа келин бўлиб кирди. Мен мардона-мардона

одим кўйиб, куёв бўлиб кирдим. Унга кўрган тушимни айтдим. Сен ҳам шундайин туш кўриб эдингми, дедим. Кўриб эдим, деди. Лекин таниёлмай қолдим, чироқ ўчиқ эди, деди. Ўша мен эдим, дедим кўкрагимга уриб. Сиз эканлигингизни билиб тегдим-да, деди. Аҳай!

Биродарлар, Момосулув тушимда Чўлпон эди, хушимда Ой эди, кўйнимда Офтоб бўлди!

* * *

Подани шеригимга қолдирдим. Бир тўда қўй сотиб, пулини белимга ўрадим. Намоз чавандозни олдимга солиб Обоклига жўнадим. Обокли дегани Окқапчиғайда. Окқапчиғай бошдан адоқ дашту биёбон. Биз бу ерга от қидириб келдик. От ўзга ёқлардаям бор. Лекин Обоклининг оти ўзгача.

Биродарлар, бизнинг Сурхонда манавиндай гап бор:

От олсанг Обоклидан ол,
Аёл олсанг Ирғалидан ол!

Бунинг мағзи шуки, от деганлари дев. Отга бепоеълик керак. От масофани билмайди, ҳудудни билмайди. От қаҳратон қишдаям даштларда чопиб ўсса диркиллаган от бўлади. Кўлтиқлари чўзилади. Кўкраклари энлик бўлади. Учқур келади.

Обокли ана шундай отбоп дашт!

Ирғали дегани Пулҳакимда — Бойсуннинг буёғида. Ирғалининг қизлари зуваласи пишиқ келади. Киймагани олтинчи калиш кияди! Барининг бели бақувват, бўлимли бўлади. Ирғалининг қизларини кучоқласангиз, кўйнингиз тўлади! Улардан туғилган фарзанд ҳам Алпомиш келбат бўлади. Бойси, Алпомиш айна шу Ирғалида ўтган!

Ана, билдингизми, элнинг гапи қаёққа боряпти?

Биз икки кун от сайладик. Обоклининг дашти тўла от! Гала-гала! Даштни чангитиб чопиб юрибди. Бир яшар қулунлар, уч яшар тойлар, тўрт яшар ғўнонлар, беш яшар дўнонлар! Сағрисига уй тикса бўладиган байталлар! Ҳайбатли айғирлар!

Бирини ушлаб, олд туёқларини жуфтладик. Туёқлари

орасидан мушт урдик. Муштимиз ўтмади. Борди-ю, ўтган-да яхши от бўларди. Қўйиб юбордик. Яна бировини кўрдик. Дурустгина-ю, факат қорни йўқ. Бўлсаям жуда тор. Буниям қўйиб юбордик. Бўлмайди!

Биродарлар,

От олсанг, ҳўкиз қориндан ол,
Ҳўкиз олсанг, от қориндан ол!

Орқа кезанаги боланинг билагидай бўлиб турадиган от яхши келади. Шундайини изладик. Йўлиқмадик. Сағрини энлик от ҳам яхши бўлади. Бундайигаям кўзимиз тушмади. Галани айланиб юриб, бир бўзга кўзимиз тушди. Шуни ушладик. Тишларини кўрдик. Еши еттида бўлсаям озиқли тиши чиқмабди. Аслида беш ёшида чиқади. Демак, энди чиқмайди. Озиқ тишсиз от хосиятли бўлади!

Биродарлар, шу бўзга дил кетди!

Уч мингни санаб бериб, миниб кела бердим. Омборхона олдидаги устахонага олиб бордим. Бўзга буров солдим. Ипга таёкча боғлаб, тумшуғидан ўрадим. Бураганда таёк тумшуғига ботиб, бўзни қимирлатмай қўйди. Оёқларига нағал қоқдирдим. Ҳовлимизнинг бир четида охур қилиб, бўзни боғладим. Онамиз норози бўлгандай бўлди. Отдан машина яхши эмасми, деди.

Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди. Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади. Бонси, отнинг жони бор, юраги бор!

Бўзни тарбия қилабердим. Ўзимга, кўпқариларга ўргатдим. Икковимиз тилни бир ерга қўйдик. Қандай тарбия этганимни, нималарга ўргатганимни айтмайман. Кўз тегади!

Биродарлар, ўзи бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади! Бордию аждодиди бўлса тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у бўз эмас, Тарлон от бўлади. Тарлон — отнинг сараси! Тўрик отнинг юздан бири яхши бўлади, Тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг Тарлон ол!

Бизнинг бўз тўққизга тўлганда бир қувончим ўн қувонч бўлди. Биродарлар, бўз отим Тарлон бўлди! Мен Тарлон отли бўлдим! Отнинг сараси менда, қулинг ўргилсини менда!

Тарлонни кора ишларга солмадим. Адирларда ўйноқ-латиб миниб, кўй бокдим.

Шундай кунларнинг бирида колхоз раисининг шофёри от чоптириб келди. Уни раис юборибди. Бориб Зиёдулла кални олиб кел, дебди. Радиода ишлайдиган асли шу қишлоқлик Рихсиев келибди. Энг яхши подачини айтинг, радиода чиқараман деса, раис мени айтибди. Аввал ишонқирамадим. Шофёрга синчиклаб қардим. Чин гапга ўхшади. Қўйларни шу яқиндаги Асад чўпонга тайинлаб, шофёрга эргашдим. Ўзимда йўқ хушвақт бўлдим. Э яшанг-е, раис ака-е, дедим ичимда. Бизга ўхшаган калларнинг ялтироқ бошигаям офтоб чиқсин дебсиз-да, дедим ўзимга-ўзим. Э шоп мўйловингиздан-е, дедим яна.

Йўлда уйга тушиб, ҳали тугилмаган беқасам чопонимни кийиб чиқдим.

Тарлонни идора олдига боғладим. Дўмбира, тушлик солинган хуржунни елкамга ташлаб, ичкариладим.

— Ассалому алайкум, мухбир ака!

— Аҳа, келинг, ука, келинг.

Гидамдан авайлабгина юриб, тўрдаги нимкатда ялпайиб ўтирган Рихсиев билан кўшқўллаб кўришдим. Қаерга ўтиришимни билмадим. Рихсиев жой кўрсатди. Хуржунни деразага қўйиб, ўтирдим. Сўрашайин деб Рихсиевга қардим.

— Аҳа, фамилиянгиз нима эди, ука?

— Зиёдулла кал.

— Аҳа, ха-ха-ха! Йўқ, фамилиянгиз? Қурбонов? Аҳа, яхши, яхши! Аҳа, соғлиқ калай, ўртоқ Қурбонов? Отдай бўлиб юрибсизми?

— Шукур, мухбир ака, шукур. Отдай бўлмасак ҳам ишқилиб, юрибмиз. Бир нави. Ўзингиз қандай, бардамгинамисиз? Болалар чопкиллаб юрибдими? Қачон бўлса сизни мактайман, денг. Мана, биздан ҳам ёзадиганлар чиқди, дейман.

— Раҳма-а-ат, раҳма-а-ат. Гап бундай, ўртоқ Қурбонов, мен сиз ҳақингизда радиочерк ёзаман.

— Эб-эй, у нима деганингиз, мухбир ака?

— А? Ха-ха-ха! Ҳе ўртоқ Қурбонов, ўртоқ Қурбонов. Шунақа жанр бор! Аҳа, публицистик жанр! Бунда қаҳрамонлар мадҳ этилади, аҳа.

— Ҳа-а, хайрият-е. Мен ёмон гапмикан дебман. Энди, мен сизга айтсам, биз унга арзимаймиз-да, мухбир ака.

— Аҳа, йўлини қилиб арзиттираммиз-да, ўртоқ Қурбо-

нов. Ўзимизнинг кўлимизда-ю. Мана қоғоз, ёзинг. Ручка йўқ? Э, чатоқ-ку, аҳа.

— Бизда таёқдан бошқа нимаям бор, мухбир ака.

— Хўп, мана, ручкаям бердим. Қани, бўлинг. Унгача репортёрни тайёрлаб тураман, аҳа.

— Шу, мухбир ака, хатимиз бундайроқ. Бешинчи синф калламизга яраша. Сиз сўранг, мен айтайин.

— Аҳа, йўқ, ёзинг. Оғзингизга келганини пала-партиш гапирасиз, уни бориб монтаж қилишни айтсангиз-чи. Ёзинг. «Куёш заррин кокилларини ёйиб, уфқдан бош кўтарди...» Йўқ, ўчиринг. Бадий қисмини ўзим ёзаман. Сизга оғирлик қилади. Аҳа, бошладик: «Болалигимдан чўпон бўлиш орзум бор эди. Шу орзу мени чўпонликка чорлади. Мактабни битириб, калб амри билан колхозда қолдим. Мана, ҳозир жавлон уриб меҳнат қилмоқдаман...» Аҳа, энди план, мажбуриятларни, ким билан мусобақа ўйнагансиз, шуларни ёзинг. Кейин, ҳар бир соғлиқдан кўшимча қанчадан кўзи олмоқчисиз, буни ёзинг, аҳа.

— Мухбир ака, мен одамларнинг кўйини боқаман-ку!

— Аҳа, шундайми? Оббо-о, раис ҳам дўппи олиб кел деса бошни олиб келадиганлардан экан-да. Аҳа, ёзавринг-чи. Меҳнатларингиз тақдирланганми?

— Эса-чи, мухбир ака, раисимиз ҳар кўрганда тўхтаб, кўришади. Раҳмат, ука, раҳмат, элнинг хизматини қиялсан деб, елкамга қоқади.

— Аҳа, бори шуми? Ҳе, ўртоқ Қурбонов, ўртоқ Қурбонов-е! Булар абстракт гаплар. Радиоочеркка конкрет фактлар керак, аҳа! Орден-медаллар, ёрликлар. Ҳмм, бўпти, ўртоқ Қурбонов, сизга рухсат.

Ручкани Рихсиевга узатиб, қулоғимнинг кетини кашидим. Магнитофонга қарадим.

— Мухбир ака, хабарингиз борми-йўқми, унча-мунча дoston айтиб тураман.

— Аҳа, шундайми?

— Ота-бовамизнинг ҳунарини ерда қолдирмайин дейман-да. Ана, дўмбирам ҳам бор.

— Аҳа, ҳунарни асрабон нетгумдур охир, олиб тупроқкаму кетгумдур охир! Алишер Навоий!

— Ўлманг!

Жўшиб кетдим. Дўмбирамни олиб дostonимни бошладим. Дostonимда ҳовлига келин келди. Ўтлар ёқилди, чанқовузлар чалинди. Келин чимилдиқда тўйловчиларга таъзим қилди...

— Аҳа, маладес, ўртоқ Қурбонов, маладес. Аҳа, энди, чанқовуз, чимилдиқлар эски гаплар, ўртоқ Қурбонов

Замонавийлик йўқ. Кўриб турибсиз, ҳозир атом асри. Мана, космонавтлар яна ойга учди, аҳа. Хўп бўлмаса, ўртоқ Қурбонов.

Сўнгги умидда энг яхши дostonимни бошладим. Дostonимда мансабдор ота ўз фарзандини жазолади. Адолатни айтгани учун бир бегонани сийлади. Ҳаёт барчага баробардир, деди...

— Аҳа, буям яхши-ю... А-а-а-ауф! Чёрт, уйку босяпти. Аҳа, нима десак экан, майда гаплар-да, ўртоқ Қурбонов. Ақтуал проблемалар кўтарилмаган. Замон, давр нафаси йўқ. Аҳа, ижодингизга муваффақият, ўртоқ Қурбонов. Изланинг! Кўпроқ классикларни ўқинг. Айтайлик, Бетховен, Чайковский, Ашрафий, аҳа.

— Ўлманг!

Рихсиев кўзғолди. Ичимдан зил кетдим. У энди кетади, деб ўйладим. Шунда, уларнинг кўйи эсимга келди. Балки кўйларининг юз-хотирини қилар? Шу умидда кўйлардан гап очдим:

— Мухбир ака, кўйларингиз яхши! Диркиллаб-диркиллаб ўйнаб юрибди.

Рихсиевнинг юзлари ёришди.

— Аҳа, айтгандай, бизнинг кўйлар яхши юрибдими, ўртоқ Қурбонов?

Кўнглимда умид учкун берди. Қўлимни кўксимга кўйиб бош ирғадим:

— Шукур, мухбир ака, шукур. Яхши юрибди. Ўзлариям кўймисан кўй-да!

— Аҳа, кўй яхши нарса!

— Ўлманг! Айниқса сизнинг кўйларингиз! Минг қилсаям, хи-хи-хи, минг қилсаям мухбирнинг кўйлари-да.

— Аҳа, раҳма-а-ат, раҳма-а-ат.

— Анави тўнғич акангизнинг кўйлари бўлмайди! Бари ўзидай калтафаҳм. Сизнинг кўйларингиз шундай доно, шундай доно... Ҳай-ҳай, садағаси кетсанг, мухбирнинг кўйларининг.

— Аҳа, раҳма-а-ат, раҳма-а-ат.

— Бир куни денг, ҳайт... деб кўйларни сойга ҳайдасам, улар кирга ўрлади. Фақат сизнинг кўйларингиз сойга қараб юрди. Мен, ҳа, омон бўлгурлар-е, минг қилсаям мухбирнинг кўйларисан-да, дедим ичимда.

— Аҳа, раҳма-а-ат, раҳма-а-ат. Уларни тарбияланг, ўртоқ Қурбонов.

— Бай-бай-бай, кўйларингиз мухбирнинг кўйлари экани шундайгина билиниб туради-я. Мол эгасига ўхшайди, дегани шу-да...

— Аха, раҳ-ма-а-ат, раҳма-а-ат.
Рихсиев ташқари чикди. Хуржунни елкалаб, изидан
юрдим. Тарлонни миниб, адирга йўл олдим.
Биродарлар, кўнглим оғрияпти...

* * *

«Оқ олтин»имиз бир миллион тонна бўлганда Тарлонни бойловга ташладим. Отхонадаги баланд охурга боғладим. Гўнг чиқариладиган тешикни кечалари жанда билан ёпиб, кундузлари очиб қўйдим. Тарлонга азонда беш кило, тушда беш кило, окшомда ҳам шунча арпа ем бердим. Кафтимда оқ канд, туз тутдим. Тарлон қандни лаблари билан олди. Тузни капалаб еди. Қўйнинг куйруғиниям тузлаб едирдим.

Роса қирк кечаю қирк кундуз деганда Тарлонни отхонадан етаклаб чиқдим. Уни совита бошладим. Ховли ўртасидаги қозикқа арқонини узун ташлаб кантардим. Тарлон бўйнини кобрамисол гажак қилиб, қозикни айланиб чопди. Олд оёқларини кўтариб кишнади. Арқонини селкиллаб, дирк-дирк ўйнади. Тарлон маст!

Арқон етадиган ерларга оз-оздан хашак ёйдим. Тарлон қозикни айланиб, гоҳ у, гоҳ бу уюмдан хашак еди. Кунига биттадан хом тарвуз бердим. Тарвузни карсиллатиб-карсиллатиб еди.

Файзи сахар вақтлари енгил жабдуклаб миндим. Катта кўчада оҳиста-оҳиста қадамлатиб юрдим. Тонглар оқариб, хўрозлар қичқириб, итлар хурди. Кўча юзидаги радиокарнай нағма чалди. Ариқда жилдираб сувлар оқди. Сахар еллари хур-хур эсиб, бизни силаб-сийпади. Тарлоннинг туёқ товушлари бир мақомда тикиллади: тик-тик-тик... Олдимиздан ариқ келди. Оёқ илдик. Тарлонни ариқдан сапчитмадим. Сапчитсам, ичидаги мойи узилиб тушади. Кейин бир йилча кўпкарида чополмайди.

Тарлонни сувладим. Изимизга қайтдик. Яна вазмин-вазмин қадамлар: тик-тик-тик...

Тарлонни қирк кун совитдим. У бир ерда туролмай қолди. Туёқлари ерга тегар-тегмай юрди. Уйноқлаб-уйноқлаб самога сапчиди. Қуюндайин учгиси келди.

Пахта планлари бажарилиб, тўйлар бошланди. Биродарлар, от билмаган нима йўқ. От қор, ёмғир, довулни олдиндан билади. Айниқса тўйни! Бонси, тўйда кўпкари бўлади-да!

Бизнинг Тарлон кечаси кўп пишқирди. Алағда бўлдим. Чопонимни елкамга ташлаб, ташқариладим. Ой ёруғ, ос-

мон очик. Тарлон қозикни тинмай айланиб чопяпти. Ушлаб, ёлларини силадим. Бир ерда тўй бор-ов, дедим ўзимга. Қайтиб кириб ётдим.

Айтганим келди. Эртасига шундайгина ёнимиздаги Обшир кишлоғидан тўйхат келди.

Тарлонни қашиладим. Омборхонадан от абзалларини — терлик, беллик, чирги, боз, жаҳанник, жул, пуштон, қуюшқон, юган, кўпчик, узангили эгарни кўлтиқлаб келдим. Тарлонни эгарладим. Оғзига сувликни солиб юганладим. Пешонасига дўлана шохидан бўлган кўзтумор илдим. Қаппайган хуржунни эгарга ташладим. Узангига оёқ солиб, эгар қошидан олдим.

Обширга йигирма отлик бўлиб бордик. Сурнай навоси чиқаётган, самога қуюқ тутун ўрлаётган тўйхона остонасида оёқ илдик. Бизга Турди подачиникидан жой тегди. Телпагининг қулоқларини тушириб олган бир одам бизни тор кўчалардан эргаштириб, подачиникига олиб борди. Подачининг дарвозаси хийла паст экан. Оти мўминларимиз остонадан эгарга энкайиб ўтдик. Оти бекиликларимиз ерга тушиб етакладик.

Отимизни ёппасига яланғочладик. Эгар-абзалларни дарахт шохлари айрисига, супаларга, деворларга қўйдик. Отларни шамоллатдик.

Тарлонни ерга ағнатдим. У гоҳ ўнг, гоҳ чап ёғига ағнади. Баданининг кичивини қондирди. Ўзини ўзи қашиди. Яна оёққа турди. Оёқларини кериб, силкинди. Бада ни, ёлларига илашган хас, чангларни қокди. Устига гилам ташлаб, пуштонини салки тортдим. Қозикни тепиб қокдим.

Сафар чавандоз қора тўригининг қозигини Тарлоннинг ёнидан қокди. Ғашим келиб, айтдим:

— Сафар ака, тўригингизни холисрокка боғланг, барака топинг.

— Ҳеч нима қилмайди, ер кенг.

— Ерни қизғанмаяпман. Тўригингизда одамгарчилик йўқ, шуни ўйлапман.

Тўриқ бизнинг Тарлонга ёмон-ёмон қараб қўйди. Мен, ана, кўряпсизми, демокчи бўлдим. Сафар чавандоз мехмонхонага жўнади. Изидан қўл силтаб, мен ҳам бордим. Турди подачининг ўзи йўқ экан. Аёли кўрпача тўшаб берди. Давра бўлиб ўтирдик. Тўйхонадан улуш — турли ноз-неъматли дастурхон, иккита шиша олиб келдик. Уларни уй бекасига бердик. Бека қозон осиб, паловга уринди. Биз сабзи тўғраб бердик.

Шу вақт отлар аччиқ-аччиқ кишнади. Тарлоннинг овозини дарров таниб, чопиб чиқдим. Сафар чавандоз-

нинг тўриғи олд оёқларини кўтариб пишқириб, Тарлонга ёпишяпти. Олисдан кўл силтаб Тарлонга дўк урдим:

— Бўлди, бас!

Тарлон ўзини кейинга олиб, олд туёқлари билан ер тирнади. Тишларини иржайтириб кишнаб, тўрикни огоҳ қилди. Яқинлашма, деди ўзича.

Тарлоннинг нўхтасидан ушлаб, тинчлантирдим:

— Бўлди! Так-так-так! Так дейман! Сафар ака, айтмадимми, тўриғингиз одам эмас деб! Мана, Тарлоннинг кўнглини оғритди! Олинг энди!

Отларимиз тинчиди. Палов еб, кечаси олишни томоша этдик.

Эрталаб таътилланиб, отландик. Лалми даштга йўл олдик. Дашт бир-бирига улашиб кетган адирлар оралиғида. Кунботарда кўнғир тусли қирлар. Дашт четларида йўғон-йўғон тутлар. Кўпқари томошага келганлар тут шохларида, деворларда чумчукдайин тизилиб ўтирибди. Теваракдаги адирларда тўда-тўда бўлиб ёнбошлаб ётибди. Чавандозлар отларини яланғочлаб, кўпқарига шайлаяпти.

Биз ҳам адирнинг бир четини олдик. Мен Тарлонни яланғочлаб, юмалатдим. Эгар босдим. Оёғимга пайтава ўраб, хуржундаги кўпқари этигимни кийдим. Этигим баланд пошнали, у таканинг терисидан. Терининг тескарисси ичига қаратиб тикилган. Тескарисси ялтироқ, сирпанчик бўлади. Юзаси терининг ўнг тарафидир. Уни мол чарвисси билан мойлаб тураман. Шунда сув, қор, совуқ ўтмайди. Йиртилмайди.

Бутларининг икки ёғням бир қаричча йиртиқ чолвэримни кийдим. Уни атайин йиртганман. Боиси, кўпқарида бутимга бирон нима илашиб, чолворимни овигача айириб юборади.

Телпагимнинг қулоғини туширдим. Узангига оёқ илиб, эгар қошидан олдим. Даштга эндим. Чавандозлар теваракни айланиб чошиб, отларини пишитди.

Шу вақт чавандозлар кишлоққа қараб гапирди:

— Улоқ келяпти!

Қишлоқдан икки отлиқ чиқиб келди. Бировининг олдида қора улоқ. Шу улоқни олдимизга олиб келиб ташлади. Чавандозлар отларига улоқни искатди. Теварагини айлантдириб кўрсатди. Отлар тўда бўлди.

Юзлари тандирдан энди узилган нондайн кип-қизил, мўйловли бир одам улоқ бошига келди. У баковул бўлди. Қамчи сопини боши узра кўтариб, жарангдор овозда айтди:

— Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам эшитиб ол! Чилвир солма — бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма — икки! Қамчи солма — уч! Йиқилган чавандознинг устига от солма — тўрт! От қочганда ушлашга ёрдам бер — беш! Ол ҳа, ол!

Баковул шундай деб, тўдадан четга чопиб чикди. Тўдани айланиб чопиб жар солди:

— Биринчи зотига бир рўмол, ўн сўм пули бор! Эшитмадим деманглар!

Чавандозлар отларини тўдага солди. Отларини қимтиб, тиззалари билан ниқтаб, қамчилаб, улоққа ҳайдади. Улоқ сонсиз от туёқлари орасида қолди. Қўллар улоққа чўзилди. Ололмади.

— Ҳа-ҳа-ҳа!

— Чу-чу-чу!

— Бос-бос-бос!

Уринишлар самара бермади. Улоқ ердан кўзғолмади. Ўзини улоққа ураётганларнинг ўзиям, отлариям хиёл ўтмай фарқ терга ботди. Демак, отлар, чавандозлар дастлабки шаштидан қайтди. Айримлари тўда четига чиқиб пешоналарини артиб, томошагўй бўлди. Энди тўда теварагида юрганлар ўзини улоққа урди. Мен ҳам қамчини Тарлоннинг боши узра ҳаволатиб, ичкариладим. Отлар сиқувида туртиниб-суртиниб улоққа етиб келдим. Тарлон улоқни бир айланиб тўхтади. Қамчини сопидан тишлаб, улоққа узалдим. Энди кўтарганимда бир от туёғи босиб, кўлимдан тушиб кетди. Тарлонни отлар тўдаси суриб юборди. Тарлон бир қалқиб, улоқнинг нарёғига гандирак-лаб ўтди. Четга чиқиб қолдик. Тарлоннинг шашти қайтмасин, руҳи тушмасин дея бир чақиримча ерга чопиб бориб келдим. Гўё улоқни олиб чикдик!

Улоқ ердан кимирламаётганини кўрган баковул зотни оширди:

— Чавандозлар-ой, эшитмадим деманглар, устига яна бир гўсам серка қўйилди!

Отлар пишқирди, кишнади. Сағринларига қамчилар тарсиллаб тушди. Чавандозлар ҳайқириб, отларини улоққа чорлади. Ниҳоят улоқ ердан кўтарилди. Тўдада жонланиш бўлди. Отларнинг қулоғи лик-лик этди. Тўда пастга силжиди.

Баковул жар солди:

— Улоқ кўтарилди, улоқ кўтарилди!

Тўда аста-аста жонланиб, ёппасига чопди. Дупур-дупур-дупур... Бари улоқ теварагида чопиб боряпти. Бор эътиборлари улоқда.

— Улоқ кетди! Улоқ Бурноч билан Саманда боряпти!
Нимага Бурноч от деймиз? Боиси, Бурноч отнинг пешонасида кашкаси, бурнининг учида оласи бор. Бутлариям ола. Бурноч отнинг хили кўп. Кўк Бурноч, қора Бурноч, тўриқ Бурноч, жийрон Бурноч! Саман от бўлса сарик, ёллари, думи қора. Ел-куйруғи оқлариям бор.

Бурноч билан Саман кулоқларини куён кулоқлари мисол чимириб, зинкийиб чопиб боряпти. Ораларида улоқ шалвираб кетяпти. Улоқнинг бир бути Бурночда, бири Саманда. Чавандозлари ўз тарафларига чалқайиб, тортишиб боряпти. Теварагида ўнлаб кўллар улоққа чўзилади. Етолмайди. Етганлари юлиб ололмайди. Жами отлар уларни ўраб чопяпти: дупур-дупур-дупур...

— Улоқ Бурноч билан Саманда боряпти! Қўйма!
Улоқ Саманга ўтди, улоқ Саманда! Бос!

Дупур-дупур-дупур... Дарҳақиқат, Саманнинг чавандози эпчиллик билан улоқдан оёғини ошириб, тақимига босди. Унг ёғига қийшайиб, жиловни ўнгроққа бурди. Саман йўлини ўнгдан солди. Кўп чавандозлар талашиш фойдасизлигини билиб, бирин-кетин орқада қолди.

— Ҳало-о-ол! Саманники ҳалол! Ташла, Саман, ташла! Э баракалла-е! Саман, кел, ҳақингни ол!

Саман улоқни ерга ташлади. Баковулга қараб юрди. Биз ерга тушган улоққа қараб юрдик. Яна ёпирилдик. Улоқ бу гал майдагина бир тўриқда кетди.

Тўриқ от малла бўлади. Бўйни худди кобра илонмисол гажак-гажак!

Янагиси менга насиб этди. Мен улоқдан умид қилмай тўда четида туриб эдим. Бир қизилкўк улоқни ерда судраб чиқди. Бизнинг Тарлон бошини қизилкўк ёнига бурди. Қизилкўк шундайгина ёнимизга келганида чавандози улоқни от тиззаси бўйи кўтарди. Мен энкайиб, улоқни ушладим. Қаддимни кўтараётиб, Тарлоннинг биқинига тиззамни нуқиб ҳайқирдим:

— Ҳа-а!

Тарлон бир юлкиниб, тўдадан узиб чиқди. Кетимдан чавандозлар от солди. Кўплари етиб олиб улоққа узалди. Тарлонга қамчи босдим. У жадаллаш ўрнига тобора секинлади. Ҳайрон бўлдим. Олдинга қараб, нима гаплигини билдим. Олдинда бир одам бўйи сой бор экан. Нима қилишимни билмай қолдим. Жиловни бургунимча сой лабига келдик. Изимиздан ўзгалар ҳам қолишмади. Тарлон сой ёқалаб чопди. Улоқ сой тарафда бўлди. Шу сабаблиям унга биров келолмади. Бироқ, кўли узун чавандозлар Тарлоннинг сағрини, бўйни оша улоққа узал-

ди. Мен улоқни бергим келмади. Айниқса, Тарлон! Сой ёқалаб бора бердик. Баковулнинг овозидан дарак бўлмади. Мен жиловни қўйиб юбориб, тақимимиздаги улоқни қўшқўллаб ушладим. Тарлон ўз билганича чопди. Соининг бўлса адоғи йўқ. Чавандозлар кетимиздан қолмай таъқиб этиб келяпти. Шунда, Тарлон сойга қараб зинкийди. Олд оёқларини кўтариб, сойга ташлади. Эгларим жимирлаб, кўзларим отилиб-кетаётгандай бўлди. Жиловга узалдим. Қўлим етмади. Оёғимиз ердан узилганини туйдим. Ўзимни муаллақ сездим. Кўнглимдан, ўлган шундай ўлар экан-да, деган гап ўтди. Кўзларимни чирт юмиб, улоқни қўйиб юбордим. Зўр бир зарбдан қалқиб кетдим. Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Хушим бошимдан учди. Жонҳолатда Тарлоннинг бўйнига ёпишдим.

Кўзларимни очсам, сойда чопиб боряпмиз.

Тарлон оҳисталади. Бир-бир босиб, тўхтади. Бошини эгиб, пишиллаб нафас олди. Мен қаддимни ростлаб, яна кўзимни юмдим.

Юқоридан баковул овоз берди:

— Зот жойида! Зот жойида қолди!

Юқорига ўғирилдим. Қатор отлиқлар сой лабида тирилиб қараяпти. Узалиб, жиловни олдим. Юқорига чиқадиган йўл қидириб сой ёқаладим. Юқоридан биров салмоқлаб гапирди:

— Одамнинг боши айланиб кетади-я. Шу Тарлоннинг юраги иккита! Бордию битта бўлса, ўзининг калласидай!

Баковул тайинлади:

— Тарлон-ов, улоқниям олиб чиқ!

Мен ўзимни эшитмасликка олдим. Улоққа қайтиб боргим келмади. Бир нишаброқ ердан юқориладим. Эгарабзаллар олдига бориб Тарлонни яланғочладим. Тарлоннинг бор вужудини қараб кўрдим. Оёқларини силадим. Лат емабди. Ерга юмалатиб совитдим. Бош-адоқ қашиладим. Нўхталаб, қозигини қокдим. Бўлди, Тарлонни бугунги тўдага солмайман. У голиб бўлди. Қолаберса ўзимнинг ҳам араз феълим тутди.

Биродарлар, сизга бир нима айтайинми? Мен араз уришни яхши кўраман! Ўлайин агар-а! Ой туғиб, ўттизида тўлгунча бирон нимадан аразламасам, шу ойда кун кўрмагандай бўламан. Кўнглим ғаш бўлиб юради. Бир нима йўқотгандай теваракка аланглаб қоламан. Бирон баҳона излайман. Қилдан қийиқ чиқараман. Игнадай нимани тоғдай қилиб кўнглимга оламан. Тумшук қилиб юраман. Ўзимни хўрланган деб биламан. Кўнглим чўқиб, отам бечорани ўйлайман. Одамлар мени сағирлигимни

билиб хўрляпти, дейман ўзимга ўзим. Сағир бўпмиз айбдор бўпмизми, дейман ичимда. Ундан кейин, калламдан ўпкалайман! Хўрланишимнинг боисини калламдан кўраман. Қаллам кал-да, бўлмаса мени шунчалик хўрлармиди, дея ўксинаман.

Шунда, узанги йўлдошларим орага тушади. От жилловини ушлаб тавалло қилади. Бир марта шайтонга ҳай беринг, Зиёдулла чавандоз, дейди. Аразлашимнинг ана шу ерлари кўнглимга ёғдай ёқади! Қобоғимни уюб, олисларга қарайман. Миқ этмайман! Узанги йўлдошларим янада ғайрат қилади. Зиёдулла чавандоз, сиз кўп улуг чавандозсиз, шу сафар бизни ўйланг, дейди. Аҳай! Жоннинг ҳузур-я! Мен мойиллик берган бўлиб, ўйчан бош иргайман. Ўзимча, майли, юзларингиздан ўтолмадим, деган бўламан. Вужудим ҳузурланиб, от жилловини бураман.

Кўпдан буён араз уриш хумор қилиб юриб эди. Кулай вақт келди. Баҳонаям бинойидайгина: от инсонни деб жонини аямади. Баковул бўлса отнинг фидойилигини тақдирламади!

Мен аразлаб ўтира бердим. Бир жийрон от селдананг отиб, баковулнинг олдига келди.

Жийрон — малла от. Оёғи олапайча. Айримларининг кашқасиям бўлади. Бунисида йўқ экан.

Жийроннинг соқолдор чавандозини танимадим. Чавандознинг овози аччиқ ҳам раҳмли бўлди:

— Ай баковул, мўйловинг бўлган билан инсофинг йўқ экан! Қара, Тарлон ўзини қаердан ташлади. От селдан, биздан кўрққанидан эмас, одамзотга фидойилигидан шундай қилди. Бундайин ботир отнинг бошидан зар сочсанг ҳам ҳақинг кетмайди. Бер ҳақини!

— Улоқ кўлидан тушиб кетди!

— Берсанг бердинг, бермасанг шу Тарлонга уйимдан бир кўй олиб келиб бераман! Бўларини айт!

Баковул бизга бир серка билан йигирма беш сўм пул берди.

Кўпкарини охиригача ёнбошлаб ётиб қарадим. Узанги йўлдошларим бир мартаям улоқ ололмади.

Жўна-жўна бўлдик. Узанги йўлдошларим кўпкариндан кўлини бурнига тикиб қайтди. Мен уларга юз солдим:

— Энди қайси юз билан элга рўпару бўламиз? Йигирмадай чавандоз-а! Олганимиз бор-йўғи битта серка. Шуниям тилаб олдик.

Бошлари эгик чавандозлар билмасак дея елка қисди.
— Яхшиси бундай қилсак. Йўлда оёқ илсак. Қишлоққа қоронғилатиб кириб борсак.

Қишлоққа бир адир қолганида баримиз отдан тушдик. Енбошлаб ётдик. Қоронғи чўкиб, отландик. Биров дуч келади деган ҳадикда мен олдинда юрдим. Олдимда серка бор-да. Эл кўзи...

Айтганим бўлди. Тошлоқдан ўтиб, бир қорага йўлиқдик. Йўлни буриб солдик. Қора овоз берди:

— Ҳай, ўша ёқда бир ола мол кўрмадиларингизми?

— Кўрмадик.

— Зиёдулла чавандоз? Сенмисан? Кўпкаридан қайтидиларингми?

— Шундай.

— Қалай, қуруқ қайтмадиларингми ишқилиб?

— Эса-чи!

— Билинмаяпти-ку.

Мен олдимдаги серканинг жунини оғритиб-оғритиб тортдим. Серка узиб-узиб маъради.

— Эшитяпсизми овозини?

— Ҳа, яхши, яхши. Ишқилиб, бўш келманглар. Сизлар элнинг эътибори.

— Мана шундай овозли жонликдан баримизда бор. Хуржундаги қат-қат тўнларни айтмасак ҳам бўлади!

* * *

Синога тўйга жўнадик. Ер билч-билч лойлигидан отларнинг думини тугиб кўйдик.

Биродарлар, синоликлар китмир эл! Бировга бир нима қиймайди. Ўзлари бўлолмайди, бўлганни кўролмайди. Бизнинг омадимизни камситади, ерга уради. Парокандалигимизни кўриб, яйраб кулади. Вой бечора-е, дейди. Начора, сут билан кирган жон билан чиқади!

Бугунги кўпкаридаям айтганимиздай бўлди. Бойсундан Файзи чавандоз келди. Во уккағар, ана чавандоз! Беш кетдим! Остидаги оти қизбел! Сувилондай чопади! Улоқни кетма-кет икки бор айирди!

Учинчиси менда кетди.

Улоқ гоҳ бойсунликларда, гоҳ бизда, гоҳ вахшиворликларда юрди. Синоликларга тегмади.

Файзи чавандоз улоқни учинчи бор узиб бораётганда синоликлар куйиб кетди! Бирови Файзининг отининг жиловидан тортиб қолди. Яна бирови улоқни юлқиб тортиб, Файзининг қўлидан тушириб юборди.

Файзи улоқни яна олиб жўнади. Қизбели тозидай чопди! Синоликлар қолиб кетди. Фақат улкан бир айғир кетидан қолмай етиб борди. Айғирнинг чавандози улоққа узалмади. Айғир Файзининг қизбелини кўкраги билан уриб ўтиб кетди. Қасддан қилди!

Файзи чавандознинг қизбели умбалок ошиб йиқилди. Файзи қизбелининг бошидан ерга айланиб тушди. Қизбел туриб, беш-олти одим қўйди. Чавандозига қаради. Файзи йиқилиш зарбидан сапчиб туриб, қизбелига қараб чопди.

Э тавба-е! Чавандоз девордан ағнаса бир ери лат ейди. Майдагина эшакдан йиқилса хиёл вақт қимирламай ётади. Ўқдай бораётган отдан учиб кетсаям ҳеч нима кўрмагандай сапчиб туради!

Биродарлар, эшак йиқитса туёғини тўшайди, от — ёлини!

Файзи чавандоз қизбелининг олдига юборди. Қизбелининг баданига ёпишган лойларни артди. Қорнига сидирилиб тушган эгарни ечиб, қайтадан эгарлади. Ўзининг уст-бошини қокди. Тўдага от кўйиб келиб, улоққа қахрланиб ёпишди. Синоликларнинг бирови бу сафар улоқни отига бостириб қолди. Файзи улоқни туёқлар остидан тортиб ололмади. Тўдадан энтикиб чикди:

— ...Сизга от мин-да, баччағар! Ўл-е, шу кунингга-е! Бойсунга кўпқарига борганингни кўрайин! Тфу!

Файзи чавандознинг тупиги улкан айғир сағринига сачради.

Файзи чавандоз араз урди. Изидан узанги йўлдошлари жўнади.

Синолик чавандозлар улоқ ололмаслигини билиб қинғирлик йўлига ўтди. Улоққа чилвир солди! Чилвир ярим кулочча ип. Йўғонлиги бошмалдоқдай. Учлари билак, эгар қоши сиғадиган қилиб тугилган. Чавандоз чилвирни улоқнинг кезанагидан ўтказиб, билагига ўраса, ундан улоқни тортиб олиб бўлмайди.

Улоққа чилвир солишнинг яна бир зўр хили бор. Синоликлар айни шу зўрини қўллади. Бирови бир амаллаб улоқни ердан узди. Чилвирни кезанақдан ўтказиб, учларини эгар қошига илди. Улоқни тақимига босиб чопди. Бундай улоқни чавандозни эгар-абзали билан ағдариб ё отини йиқитиб олмаса, олиб бўлмайди!

- Чилвир! Чилвир солди!
- Ай баковул, тўриқ чилвир солди!
- Ҳаром, тўриқнинг улоғи ҳаром!

Баковул барини кўрди, эшитди. Бари бир, ҳалол, деди. Чавандозлар норози бўлди. Баковул елкасини қисиб талмовсиради:

— Чилвир? Қандай чилвир? Оқун, меҳмони азизсиз, бўҳтон қилманг. Тўриқ, кел, ҳақингни ол!

Гапларимиз бесамар бўлди. Кўплар кўпқаридан кўлини ювиб кўлтиққа уриб кетди.

Баковул гапидан қайтмади:

— Оқун, чилвир солмагани ҳақиқат!

— Э тупурдим шу ҳақиқатингга!

Ҳамдам чавандоз этагини қоқиб кетди.

Улар нимага этагини қоқиб кетяпти? Адолатга! Нимага тупуриб кетяпти? Адолатга! Кимдан аразлаб кетяпти? Адолатдан! Бир тўда номард, имонсизга аччиқ қилиб адолатни ўтга ташлаб кетяпти! Биродарлар, биз ҳамиша адолат, адолат деймиз. Тилдан кўймаймиз. Адолатсизликни кўриб хунибийрон бўламиз. Ҳаётдан, такдирдан нолиймиз. Адолат йўқ, адолат осмонда, деймиз. Биродарлар, адолат ерда! Оёқларимиз остида! У тупроққа қоришиб ётибди. Уни ким бундайин хор қиляпти? Биз — ўзимиз! Мен, сиз, Файзи чавандоз, Ҳамдам чавандоз! Ана, улар қочиб кетди! Шу-да, адолат жафо чекаётганда қочамиз. Ундан юз ўгирамиз. Кўриб кўрмасликка оламиз. Бир имонсиз адолатни бўғаётганда йўлимизни чап соламиз. Ёмондан қоч-да қутул, ё, тон-да қутул, деймиз ўзимизга. Ёмон билан тенг бўлмайин, деймиз. Уйга келиб, фалончини ноҳакдан айблади, ўзи ҳақиқат йўқ экан, деймиз. Шуни ўртага чиқиб, ёмонларнинг юзига айтиб солмаймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтира берамиз. Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб қолишидан ё амалимиздан айрилиб қолишимиздан кўрқамиз. Ё ўзимизга ғаним орттиргимиз келмайди. Бетгачопарлик, тўғри гап туққанингга ёқмайди, керак эмас, дея кўл силтаймиз.

Ана, бари қочиб кетяпти. Қочиш бизнинг узанги йўлдошларга юқди. Юринг кетдик, дедилар. Мен жеркиб гапирдим:

— Ҳеч қаёққа кетмайман! Кўпқари охиригача чопаман!

Узанги йўлдошларим кўнглимга қаради. Бир синолик чавандоз ёнидагига шивирлади:

— Яхши бўлди, бари кетяпти. Энди ўзимизга қолади.

Қаҳрим баттар кўзиди. Тарлонни Самад чавандозга бердим. Ўзим унинг чеккагир кўк саманини миндим. Тўданинг гирдини пойладим. Бир синолик улоққа яна чилвир солди. Лип этиб ёнидан бордим. Улоқни бир бутидан ушладим. Улоқдан кўлимни олмадим. Охири синоликнинг оти ҳориди. Ўзиям ҳафсаласи пир бўлиб улоқни қўйиб юборди. Улоқ ерга тушди. Мен уни илиб қололмадим. Кўк саманни олисдан қайириб келдим. Пешонамни енгим билан артдим. Ёқамни кўтариб-кўтариб кўкрагимни шамоллатдим. Бир роҳатландим, бир роҳатландим-е! Таним яйради! Савоб иш қилгандай бўлдим!

Яна тўда четига бориб турдим. Кўк саман вазини орқа оёғига ташлади. Энди бир жийрон отли синолик улоқни олиб чиқди. Кўк саманни ёнидан кўшдим. Бунгаям бермадим. Буниси кўп чап бериб чопди. Қўйиб юбор, ҳақнинг ярмини бераман, дея шивирлади. Ўзимни эшитмаганга олиб, улоқни ушлаб чопа бердим. У алаmidан сўкинди. Охири улоқни ташлаб қутулди. Ишқилиб, улоқни бермадим!

Эндиги улоқни вахшиворлик Йулдош чавандоз олди. Чилвирсиз, ҳалол айирди. Унга зиён бермадим!

Баковул ўзларининг чавандозларига яна улоқ тегмаётганини кўриб, китмирнинг бориб турган китмири қиладиган ишни қилди. Бутлари шалвираб қолибди, дея улоқни четга олиб чиқди. Хиёл ўтиб, яна тўдага олиб келиб ташлади. Улоқни кўриб, ёқамизни ушладик. Баковул улоқнинг бутларини, бўйинини тагидан қирқиб ташлабди. Бундай улоқни ердан кўтариб бўлмайди. Боиси, ушлайдиган ери йўқ. Жунидан ушлаб кўтарса, юлиниб кетади.

Шундай бўлсаям, чавандозлар ноумид шайтон дея улоққа талпинди. Бироқ ердан узиб ололмади. Баковул бўлса шуни кутяпти. У кўпкарининг охирини айтди:

— Эшитмадим деманглар, олган-олгани! Олган-олганига шу улоқнинг ўзи, бир кило ёғ, бир кило гурунч, сабзиси бор! Ол!

Бундай улоқни ердан олишнинг бир йўли бор. Лекин жуда қийин...

Бахташ таваккал! Ўзимнинг Тарлонимни миндим. Узанги йўлдошларимга тайинлаб улоққа юрдим. Узалдим.

Жунини эти билан кўшиб ғижимлаб ушладим. Бор кучим билан силтаб кўтариб, эгарнинг қошига ўнгардим. Кўкрагим остига олиб, билақларим билан босдим. Қолгани Тарлоннинг иши бўлди! Тарлон тулкидай чопди.

Кўпкарининг охири менда кетди. Мен зафар қозондим!

* * *

Рихсиев қишлоққа кўчиб келди. Уни биров урилиб келди, деди, биров шаҳардан безор бўлиб келди, деди. Урилиб келдими, сурилиб келдими ишқилиб, келди. Мактабда муаллим бўлди. Уйимизнинг адоғидаги тоғасининг кўҳна ховлисида яшади. Қиш бўлсаям ҳашар қилиб ховлини созлади. Ҳашарга меням айтди. Айтган ердан қолиб бўлмайди. Буёғи ҳамсоячилик. Қош бор, қобок бор. Бордим. Рихсиевнинг ўзи ишламади. Лойхона олдидеги супага кўрпача ташлаб, ёнбошлади.

Биродарлар, Рихсиев қулоқ-мияни қоқиб қўлимга берди! Бидир-бидир, узмайди! Оламда гап қолмади! Қаерда уруш бўляпти, қаерда сургун, қайси мамлакатнинг подшоси қаерга борди, нимага борди, нима деди, поездда бордими, самолётдами, мезбонлар билан кучоқлашиб кўришдими ё қўл учидами — ҳеч нима қолмади. Бошим ғувиллаб кетди.

Рихсиев эртасигаям ҳашарга айтди. Келмайман, эртага кўпқари бор, дедим.

Шу вақт уйдан одам келди. Паловга қарамай, ҳадаҳалаб бордим. Уйимизда чақалоқ инга-ингалади.

Биродарлар, мен ота бўлдим, ота! Ўғил! Хумор холамиз ўғлимизга момочи бўлди. Тонгни кўз юммай окладим!

Эрталаб Тарлонни сувлатмадим. Емни камроқ бердим. Қишлоқ машириғидаги чимзорга бордим. Отлар сийрак. Бари ўзимизнинг отлар. Меҳмонлар камчил.

Тарлонни шайлаб, тўдага солдим. Жоңивор қани улоққа юрса! Кейинига тисарилди. Сувлиғини чайнаб, бошини сарак-сарак этди. Тиззам билан биқинига ниқтаб, сағринига қамчиладим. Сесканиб, жойида ер депсинди. Кўз кўрқитарга боши узра қамчи ҳавола этдим. Урсанг ур, дегандайин қулоқларини чимириб тура берди. Билдимки, Тарлоннинг кайфияти йўқ.

Шундай! Биродарлар, ҳар отнинг ўз феъли атвори,

кайфияти бор. От кайфияти йўқ кунлари инсонга бўйин эгмайди. Кўп ғашига тега берсак елкамиздан ғарчиллатиб тишлаб олишдан ҳам, ковуғимизга тарсиллатиб тепишдан ҳам қайтмайди. Бундай вақтларда айрим чавандозлар қамчи дастаси билан отнинг бошига уради. Шунда от жон аччиғида чавандозини йикитиб қочади. От инсондан беади, қайтади! Ўзининг девлар аждодига тортади! Аждодларини кўмсаб адирларга қочади. Галага бориб кўшилади. Айғир, биялари билан кўришиб, суйкашади. Аждодларининг ҳавосини олади! Искашиб, инсондан нолийди. Дев бошим билан инсонга бош эгдим, таъзим қилдим, кул бўлдим, лекин эл бўлмадим, дейди!

Йўқ! Кайфияти йўқ кунни отга индамаслик, кўнглига қараш лозим. Шу боисдан ҳам Тарлонни ошиқча зарбаламадим. Тўда теварагида айланиб, томошагўй бўлдим.

Чимзорда ерни ёриб чиққан чўқир тошлар кўплигидан чавандозлар кўзига қараб чопди. Отларини қоқилишдан авайлади. Оқтуёқ отлар бир четда биздайн томошагўй бўлди. Боиси, оқтуёқ отлар тошли ерда чополмайди. Тошлар туёғини уриб ташлайди.

Кўпкари охирида баковул жар солди:

— Чавандозлар дейман-ов, бугун от кам келди! Узоқ-яқиндагилар тўйнинг икки кунидаям кўпкари бўлишини билмаган-да! Шу боисдан Қобил полвон эртага катта кўпкари беради! Армонда қолма!

Уйда Тарлонни илиқ сувда ювдим. Қашиладим. Хуфтон вақти тўйхона теварагини айлантириб, карнай-сурнайлар овозини эшиттирдим. Тўйнинг ҳавосини олдирдим. Ҳовли ўртасидаги қозикқа боғладим. Ярим кечада Тарлон кишнади. Ташқарилаб қарадим. Тарлон олд оёқлари билан ер тирнади. Қозикни айланиб чопди. Демак, Тарлон тушкун кайфиятдан фориг бўлди. Тарлонни тўй ҳавоси кўзғади. Кўпкарига чорлади!

Эртасига отлар сероб бўлди. Отнинг кўплигидан бинойидай отлар тўдага тумшуғини тиколмади. Бир ош пишириш вақт ўтдиям, улоқ ердан қимирламади. Қимирласаям беш-ўн одим судралиб бориб қола берди. Охири бир чўбир энлик кўкраги билан тўдани ёриб улоқни олиб чикди. Тўда четида пойлаётган бир чеккагир чағир чўбирнинг ёнидан келиб, улоқни юлиб кетди. Катта кўпкариларда улоқ тўдадан сағал чиқса ҳалол бўлади. Шу сабаблиям чағир йигирма-ўттиз қадам қўйганда баковул камчисини боши узра кўтарди:

— Ҳало-о-ол! Ташла, чағир, ташла!

Ҳай чеккагирлар-е! Улар тўда чеккасида гир бўлиб

пойлаб юради. Шу сабабляям уларни чеккагир дейдилар. Ўзлариям, отлариям чеккага ўрганган. Улар тўдадан улоқ ололмайдди. Чеккада юриб, тайёр ошни пойлайди. Тўдадан чиққан улоқни тулкидай илиб кетади. Тўдадан олиб чиққан чавандоз меҳнатига куйиб қолади.

Мен улоқни минг азобда олиб чиқдим. Бунияам шу чағир чеккагир юлиб кетди. Сонимга уриб қола бердим. Чағир чеккагир бошга битган бало бўлди. Шунда мен бир усталикни кўлладим. Улоқни олиб, кун тарафга от солдим. Кунга юзма-юз чопдим. Енимда келаётган чағир қолиб кетди. Боиси, чағир отнинг кўзи кўк бўлади. Кунга караб чополмайди! Кўзлари шафакланади!

— Тарлонники ҳало-о-ол! Ма, ҳақинг! Чавандозлар, энди қоралик кўяман! Мана!

Баковул шундай дея бир йиртим қизил матони кўз-кўз этди. Уни ярим қулочча чўп учига илдириб байроқча қилди. Байроқчани чимзор четидаги каттароқ ўчоқдай чуқур лабига қадади.

— Мана шу чуқур қоралик! Қимки улоқни шу чуқурчага олиб келиб ташласа иккита кўй, эллик сўм пул, бир тўн олади-и-и! Қулоғи оғирлар бўлса яна қайтариб айтаман...

Қоралик — кўпқарининг энг мушқули, қийини. Шу сабабляям кўпқарининг ғурури, юзи! Қораликни ҳалоллаш чавандозгаям, отгаям фахр! Улоқни қораликка бир олиб бориб ташлаш тўдадан уч марта улоқ айиришдан зиёд!

Кўпқари қизигандан-қизиди. Шу вақт Жўра бобо от йўрттириб олдимга келди.

— Зиёдулла чавандоз, бизнинг тўрикнияам бир кўринг, укам.

У шундай дея отдан тушиб, жиловни менга узатди. Тарлоннинг жиловини унга бердим. Бобонинг қора тўригини миндим. На илож, Жўра бобонинг гапини ерда қолдириб бўлмайди. У олтмишдан ошган чол. Бефарзанд. Икки бор уйланди. Икковидаям фарзанд бўлмади. Учинчисига уйланди. Бундан ҳам бўлмади. Қўйиб юборган аёллари бошқаларга тегиб, болалик бўлди. Шунда, Жўра бобонинг боши кўкрагига эгилиб қолди. Давраларда дастурхондан кўз олмади. Кўчаларда этиги учига караб юрди. Овозини кўйиб гапиролмади.

Жўра бобо бир нимага эътибор этди. Жўра бобо оти элдан қолди. Эл ўзини ё уйини кўрганда уни эслади. Кўришганда бардаммисиз, Жўра бобо, деди. Бу уй Жўра бобоники, деди. Бошқаларнинг оти бўлса ҳамиша эл оғзида. Айтайлик, ҳамсоясининг ўғли мактабга боради. Муаллим йўқлама қилади. Муродов, дейди. Ҳамсояси-

нинг ўгли сапчиб туриб мен, дейди. Синфга бир кунда олти муаллим киради. Демак, ҳамсоёси Муроднинг оти олти бор жаранглайди. Ҳамсоёсининг жами саккиз боласи бор. Бари мактабга боради. Ҳар бирови отасининг отини кунига олти марта жаранглатади. Демак, ҳамсоёси бир кунда қирқ саккиз бор эл оғзига тушади. Яна кўчаларда неча марталаб оти айтилади. Бу кимнинг ўгли? Муроднинг! Бу кимнинг қизи? Муроднинг!

Жўра бобо жонидан тўйди. Бир тушда қорадори еди. Устидан совуқ сув ичиб, ёрилиб ўлмоқчи бўлди. Бир чинни коса сувни лабига тегизиб, бирдан айниди. Мардона, аччиқма-аччиқ иш қилиш феъли тутди. Сувни зардали отиб юборди. Коса чил-чил бўлди.

Моллари, қўйларининг кўпини сотди. «Жигули» олди. Рулни ҳамсоёсининг тўнғичига берди. Мен айтган ерга миндириб бориб келсанг бўлди, деди. Мақсади — машинаси кўчани чангитиб юрсин, одамлар бу Жўра бобонинг машинаси, десин. Жўра бобонинг машинаси осмонранг, десин. Йўлда ГАИлар ушлаб ҳужжат кўрсин, унинг номи ни ўқисин...

Жўра бобонинг кўнгли тўлмади. Машинасини сотди. Пулига манави тўриқни олди. Фарзандлар насибасиниям шу тўриққа едирди. Уни кўпқариларга боқди. Ўзи улоқ чопмайди. Қариди, шундай бўлса-да, қирчанги чавандоздай тўриқни кўпқарига шайлади. Чавандозларга эргашиб, олислардаги кўпқариларга борди. Бировнинг оти толса ё ярамаса, шу чавандозга тўриғини берди. Жўра бобонинг қайғуси ягона бўлди: тўриғи улоқни айирса. Баковул улоқни Жўра бобонинг оти айирди, дея жар солса. Жўра бобонинг оти, кел, ҳақингни ол, деса. Номини тумонат одам эшитса. Қулоғи оғирлар ким айирди, дея сўраганда қабатидаги, Жўра бобонинг оти, деса.

Баковуллар, чавандозлар Жўра бобонинг дилидагини илғаб олди. Кўпқариларда унинг кўнглига қаради. Тўриғини атайин сўраб олиб чопди. Жўра бобо тўриғини марҳамат этса, чавандозлар йўқ демади...

Жўра бобонинг тўриғига қоралиқни кўрсатиб, искатиб келдим. Хиёл ўтиб тўда гувиллаб кўзғолди. Улоқни бир чил от олиб чикди.

Чил отнинг бир ери кўк, бир ери оқ, яна бир ери қора. Шу боисдан ҳам чил-да!

Чил йўлини чап солиб, узиб кетди. Чағир чеккагирлар чилга йўламади.

Баковул қамчисини боши узра силкиб, деди:

— Бекор, чилники бекор! Қоралиққа тушмади!

Чин, улок чукур лабида илашиб қолди. Ичига тушсагина ҳалол бўлади.

Баковул улокни қоралиқдан олисга олиб бориб ташлади.

— Чавандозлар, қўйилган зотлар жойида қолди! Ол!

Боянаги чил улокни тагин олиб чиқаман деяпти. Бир ҳавасим келди, бир ҳайратим. Нимага фақат шу чил оляпти? Ҳатто чеккагирларниям доғда қолдирыпти? Фаросат билан қарадим. Бир талай узанги йўлдошлари чилнинг теварагини ўради. Чил улокни хотиржам олди. Тўдадан суғурила бошлади. Узанги йўлдошлари ўзга отларни чилга йўлатмади. Йўл бермади. Гўё улок талашаётган бўлиб, чилни ўраб чопди. Сағринига қамчилаб, мадад берди:

— Дарбанд, ҳайда, Дарбанд! Ғайрат қил, Дарбанд!

— Бос, бўш келма, Дарбанд!

Демак, булар дарбандлик чавандозлар. Чилнинг чавандози улокни тақимига босиб, айкириб боряпти.

— Охо-ҳай! Охо-ҳай, охо-ҳай! Ҳай отам, ҳай отагинам-е, ҳайда-е!

Биродарлар, дарбандлик чавандоз отни отам деяптими? Аҳай!

Чил бу сафар улокни дангал ташлади.

— Ҳало-о-ол! Чил, чил дейман-ов, улокни олган еринга олиб бориб ташла! Чавандозлар, эндиги зотга катта бир ҳўкиз қўйилди. Сўйсанг бир тўйни тўйдиради! Ол, армонда қолма!

Тўда яна қораликка қараб от қўйди. Улок бу гал «8-Март» колхозидан келган бир саманда кетди.

— Қўйма, «8-Март», қўйма!

— «8-Март», эҳтиёт бўл, кетингдан Чағир боряпти!

— Бос-а, жонинг борми!

— «8-Март», отни камчила!

Ҳўкиз «8-Март»ликларда кетди!

Эндиги улокни мен олиб чиқдим. Отлар олдимни олди. Йўлимни, ёнларимни ёпиб чопди. Отлар мени қораликка йўлатмади.

Биродарлар, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқсаям донғи чиқмас!

Аламиндан хуноб бўлиб, ўзимизнинг чавандозларга бақирдим:

— Жоңларинг борми?! Келинглар-да энди!

Шундагина бизнинг чавандозлар ўзига келди. Гапни бир ерга кўйдик. Мен улоқка кирдим. Узалиб, улоқни ердан уздим. Жўра бобонинг оти юрди. Баковул жар солди:

— Улоқни Жўра бобонинг оти кўтаряпти, Жўра бобонинг!

«8-Март»лик саман билан тортишиб тўдадан чиқдик.

— Улоқ Жўра бобонинг отида! Эшитмадим деманглар, Жўра бобонинг отида!

Узанги йўлдошларим теварагимни олиб чопди. Ўзга отларга йўл бермади. Жўра бобонинг тўригини қамчилаб, хайбаракалла этди:

— Ҳа-ҳа-ҳа, бос, Жўра бобонинг оти!

— Ҳа, селкиллаган ёлингдан айланай, ҳайда-я, Жўра бобонинг оти!

— Ий-ий-ий-ий!

Дупур-дупур-дупур... Отлар пишқирди, отлар кишнади. Сувлиқларини шиқирлатиб чайнади. Ёллари селкиллади. Думлари товус патимисол ёйилди. Туёқлар остидан самога чанг ўрлади. Дупур-дупур-дупур...

Жўра бобонинг оти қораликка забтли келди. Чуқурдан сапчиётганда улоқни кўйиб юбордим.

— Ҳал-о-ол! Жўра бобонинг тўригиники ҳалол! Жўра бобонинг тўриғи, кел, ҳақингни ол!

Ҳақни олиб, Жўра бобонинг олдига бордим. У жилмайди. Кўрдиларингми, бизнинг отимиз айирди, деган бўлиб, теваракка голибона ҳам хушвақт қаради.

* * *

Киш охирлаб, тўйлар соб бўлди. Ҳавода кўклам анқиб қолди. Бойчечаклар кетидан қорақошлар очилди. Кўкламни тўйиб-тўйиб искадик. Бағримизга босдик.

Бир гап эшитиб, кўклам кайфиятимиз киш бўлди. Кўклам рангимиз синди.

Улар уйма-уй юриб от олди. Эл от бермайин деса, катталар! Ёқалашайин деса... Эл ноилж қолиб, остонагача отларига эргшиб борди. Элнинг дарди ичида бўлди.

Кечаси чалқанча ётиб ўйладим. Азонда Тарлонни жабдуқладим. Обширга от солдим: Қуюндайин учиб келдим: Обшир қишлоғининг кунботарида оқ тупрокли адирлар, тепалар кўп. Шу тепалар нишабида камарлар бор. Тарлонни шу қоронғи камарларнинг бирига боғладим. Кун ёйилиб, олам мунаввар бўлганда уйга келдим. Таътил-ланиб, подаётотқа бордим.

Оқшом вақти ўн кило арпани бир қоп сомонга аралаштирдим. Қош қорайганда қопни орқалаб жўнадим. Йўлда терлаб, дам олиб бордим. Қопни камарга суядим. Кафтимида гугурт чақдим. Тарлон кўрсин дея оловни юзимга олиб келдим. У эмсираб, илтижоли пишқирди. Етақлаб, шу яқиндаги ариқдан сувлаб келдим. Тўрвасида ем осдим. Баданини қашидим. Тамадди қилиб, чўзилдим. Кўзим кетди.

Бир маҳал аёлимиз туртди. Туринг, биров чақиряпти, деди. Уйқусираб кўзғолдим. Чиксам, Олапар бировни дарвозадан ичкари кўймаяпти. Олапарга олисан дўқлаб бордим. Олапар думини ликиллашиб ўзини четга олди. Қарасам, кўчада раис, юқоридан келган одамлар турибди. Кўришиб, сўрашдим. Раисимиз дўппили одамни кўрсатди.

— Бу киши район вакили. Район қишлоқ хўжалик бошқармасидан.

— Бинойи, бинойи. Қани, келингизлар.

Дўппили одам ичкарилади. Бошқалари изидан юрди. Чироқ ёруғига келганда уларнинг юзини айнан кўрдим. Дўппили одам ранги зарчанинг рангидай синик, мендайн бир кал экан. Ўзимиздан экан, дедим ичимда.

Кал катта теваракка аланглади.

— От қани?

— Қандай от?

— От қандай бўлади? Тўрт оёкли, икки қулокли.

— Менда ундай от йўқ.

— Топ, топ, каллани гаранг қилма. Ади-бади айтишиб ўтиришга вақт йўқ. Сенга ўхшаганларнинг сони мингта.

— Менда от нима қилади, катта. Ана, қарангизлар. Бўлса олиб кета берингизлар.

Кал катта бармоқларини ўйнатиб, ёнидагиларга имо килди.

— Тинтинглар.

Улар билакдай хитойи фонарларини ёқиб, молхона, отхоналарни тинтиб қолди.

— Ўзи йўқ, тезаги бор экан.

Кал катта менга юзланди.

— Ана, тезаги бор деяпти-ю?

— Мен сизга айтсам, катта, эшикли ўй, меҳмонларнинг оти тезак ташлагандир-да. Ташлама деб бўлмайди, меҳмон от.

— Фамилиянг нима? Хў-ўш, Қурбонов, та-а-ак, Қурбонов Зиёдулла. Мана, рўйхатда турибсан, отинг бор. Гап шу, эртага яна келамиз. Отни топсанг топдинг, топмасанг ўз ўпканг ўзинг билан бўлсин!

Кал катта ёнидагилар билан шахдам одимлар отиб кетди. Раисимиз пилдираб гоҳ ёнида, гоҳ кетида юрди.

Шунда, ичкаридан онамиз чикди.

— Айт, улгу бериб кетсин.

Уларга дарвоза остонасида етиб олдим.

— Катта, уйда чакалоғимиз бор, отини Иброҳимбой дейдилар.

— Нима қилайин шунга?

— Чакалоқли уйга бемахалда келиб бўлмайди. Мабо-до биров билмасдан келиб қолса ундан улгу олиб қолиш лозим.

— Қаердан оласан?

— Бизга барибир. Ўнгиригизнинг учидан майдагина ип бўлсаям майли. Аёллар чакалоқли уйда ипни исирик-қа кўшиб тутатади.

— Энди, шунгаям этагимни йиртайми?

— Йўқ, йиртиш даркор эмас, катта. Кийимингизга илашган биронта қил бўлсаям бўлади.

Кал катта менга қўл силтаб, йўлига бурилди. Мен қайтиб келиб, бермади, дедим. Онамиз қарғаб-қарғаб ичкарилади. Тайпоқ тобоқда исирик тутатиб, чакалоқли уйни уч айлантриб, зиён-заҳматларни кувди.

Мен катталар хўжакўрсинга лаълими дўқ уриб кетди, дея ўйладим. Бироқ, улар эртасига яна келди. Отхона-ни қаради. Искalaniб, чакалоқли уйни кўрди. Уларнинг қилиғи ҳамиятимга тегди. Тишимни тишимга зўрға бос-дим.

— Хўш, қани?

— Нима қани?

— От!

— Катта, сиз менга қайси бозордан от олиб бериб эдингиз? Деновнинг бозориданми ё Шўрчиниқиданми?

— Тишингни кўп ғижирлатма, биз сендан кўркмай-миз. Яхшилиқча отни чиқар. Қўша-қўша мол, кўй, товук. от... бунча ҳайвонни нима қиласан? Ана, магазинда

хамма нарса мухайё. Гўшт дейсанми, суг, кефир дейсанми.

— Катта...

— Нима ё капиталист бўлмоқчимисан? Кечириб кўясан! Биз социалистик жамиятда яшайпмиз. Тўғрими, ўртоқ раис?

— Тўғри, тўғри!

— Е от миниб босмачи бўлмоқчимисан? Кечириб кўясан! Ўзи, аждодингда босмачи ўтмаганми? Бир текшириб кўриш керак...

— Катта, ундай деманг. Менинг отам бечора совет тузумини деб қурбон бўлган. Отга келсак, от йигитнинг йўлдоши, катта. Қолаберса кўпкари чопамиз.

— Ия, сен ўзи қайси жамиятда яшайпсан, мия? Шу пайтгача эшакнинг кулоғига танбур чертяпманми? Кўпкаринг эскилик сарқити! Еввойиларнинг ўйини!

— Катта, ўзи кал калла, калла эмас экан-да. Бир менинг каллам шундаймикин десам, сизникиям меникидан қолишмайди.

— Учир-е...

— Катта, энамни сўкманг. У бечора ичкарида неварасига қараб ўтирибди. Сизга бундайин бепошна гаплар эп бўлмайди.

— Учир дейман-е...

— Эса, мен ҳам...

Гапим охирига етмай қолди. Қал катта кулочкашлаб жағимга урди. Қўли аёлнинг кўлидай экан — оғримади. Гапимни охирига етказдим. Қал катта ичимга тепмоқчи бўлди. Ўзимни четга олдим. У ўз шаштида супадан учиб кетди. Енидагилар чошиб келиб, уни чуқурдан чиқариб олди. Қийимлари лой бўлди. Ҳансираб, мени кўрсатди.

— Ушланглар уни! Бандитни ушланглар!

Улар ёнимдан келиб, қўлларимни кетимга қайирди. Қал каттанинг изидан етаклаб, колхоз идорасига олиб борди. Майда машинага босди. Йўлда қусдим.

Биродарлар, мен бензиннинг исини ёмон кўраман. Бошимни айлантриб, кўнглимни айнитади. Осмондан тушгандай бўлиб қоламан.

Районга келиб, орган олдида тушдик. Қал каттага эргашиб чап тарафдаги ойнабанд хонага кирдик. Телефон олдида ўтирган милиционерлар ўрнидан турди. Қал катта кийимларини кўрсатиб дардини айтди:

— Қоллегаларинг билан гўшт топширгани бордик. Мана бу типга отни бер десам бермади. Мени тутиб сўқди. Онам ҳам қолмади, хотиним ҳам. Кейин бир уриб

чукурга ағанатиб юдорди. Мана факт — лой! Коллегаларинг жонли гувоҳ. Ана, раис ҳам бор. Тўғрими, раис?

— Тўғри, тўғри! Чукурга юмалатиб юборди!

Улар кал каттанинг олдига қоғоз кўйди.

— Мана, рапорт ёзиб беринг.

Улар кал катта тўлғазган қоғозни олиб кетди. Хиёл ўтиб яна қайтиб келди.

Кал катта раҳмат айтиб кетди. Милиционер мени олдига солди. Қоронғи, бадбўй ҳидли хонага қамаб кўйди. Кундузлари ховли, кўчаларни супурдим. Хожатхоналарни тозаладим. Кечалари ухламай, Тарлонни ўйлаб ётдим. Онамиз билан аёлимиз овқат олиб келиб, йиғлаб-йиғлаб кетди. Уларга Тарлонни айтмадим. Аёл зотининг оғзи бўш, айтиб кўяди. Қолаберса Тарлонни фақат ўзимга ўргатганман. Ўзимдан ўзгани яқинигаям йўлатмайди, қўлидан ем емайди.

Роса ўн кун деганда озод бўлиб кишлокқа кайтдим. Уйга бормай тўғри Тарлоннинг олдига чопдим. Тепага ўрладим. Тарлон кишнамади. Кўнглимга баттар ҳадик тушди. Тарлондан умидимни уздим. Камар олдига серрайб қолдим. Кетимга бир чалқайдим. Кўкрагим остида бир нима кўпириб келди.

Камарда тўрт таёқ устида бир нима турибди. Жони борми, йўкми, билинмайди. Иккита нима йилтирайди. Кўзларимикин?

Ичкари юрдим. Тарлоннинг бўйнига осилиб тўйиб-тўйиб йиғладим. Уни камардан етаклаб чикдим. Тарлон пастга энаётганда олд оёқлари букилиб, йиқилиб кетайин деди.

Ариқдан сағал сувладим. Ариқ ёқалаб етаклаб, оёқларини ёздим. Қашилаб ювдим. Яна сувладим. Етаклаб камарга олиб келдим. Тўрвасида ем осдим. Қош қорайгунча камар оғзида ўтирдим. Тарлонга жон кирди.

Биродарлар, неча-неча қорабайирлар, бурночлар кетига қараб-қараб, кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча жийронлар, саманлар гўшт бўлди.

Кишлоқда отлар кишнамай кўйди. Саҳарлари кўчада от туёқлари тикилламай қолди. Оқшомлари отлар тарсиллатиб ер тепинмай кўйди. Адирларда отлар айғирга эргашиб дупур-дупур чопмай қолди.

Чавандозлар эмчакдоши урушдан қайтмаган бўзболадай мунғайиб қолди. Келинлар отдаямас, машинада келадиган бўлди. Оламни машина товуши бузди: дут-дут-дут...

* * *

Ора совиди. Қишлоқ тинчиди. Тарлонни уйга олиб келдим.

Қишлоқда кўпкарининг оти ўчди. Кўп чавандозлар белига пул тугиб Обоклига жўнади. От миниб қайтиб, ажаб гапларни топиб келди. От олиш кўпга келган тўй эмас экан, Обокли тарафларда отларга кўл урмабди.

Бу гап қишлоқдаги беш-олти аризабознинг қулоғига етди. Аризабозларнинг қулоғи динг бўлди. Улар кечалари уйма-уй юриб ариза тўплади. Бир кеча бизникига келди. Аризабозларнинг султони бўлмиш Ботир мироб сирли овозда тайинлади:

— Дарвоза ичкаридан тамбалансин. Ховли чироғи ўчирилсин. Бола-чақа бу уйга якин йўлатилмасин. Ичкари эшик зичлаб ёпилсин. Дераза пардалари туширилсин. Сўнг, қаршимизга келиб ўтирилсин.

Ботир миробнинг айтганларини бажариб, даврага ўтирдим. Улар бошимдан кечган савдони гапириб беришимни сўради. Сир бермай, талмовсирадим. Боиси, ўшанда ўн кун ётганим элга дoston бўлди. Эл орасида юрувсиз бўлдим. Мана, дostonим деярли унут бўлди. Кўнгилисиз дostonимни яна кўзгагим келмади.

— Ботир ака, бўлган иш бўлди, бўёғи синди. Қўйинг шу аризабозликни.

— Ия, хей, оғизга қараб гапирилсин! Ким аризабоз?

— Тавба қилдим, ака.

— Шундай бўлсин. Энди гапирилсин. Бошидан бошлансин.

— Шу, бир кечаси мендан бешбаттар ийиғи чиққан бир кал келди. Енида...

— Менга қаралсин, нима, дунёнинг иши сенга кўпкарими? Қал дейилмасин! Ўртоқ Фалончиев деб айтилсин.

— Хўп. Ой ҳамсоямиз Қулмат полвоннинг тераклари учига келиб қолганда...

— Уф-ф, мабодо шоир-поир эмасмисан? Бўлмаса нега

ойдан, юлдуздан гапирасан? Пастга тушилсин. Ердан гапирилсин. Лирика сувга бориб айтилсин. Бизники конкрет, жиддий, халқ аҳамиятига молик иш. Судларда қатнашилганми? Унда, қолхоз ҳисобот мажлисида каминанинг нутқ сўзлагани кўрилганми? Худди мендай бўлиб гапирилсин!

Ботир миробнинг қолхоз умумий мажлисида гапиришини ёдладим. Худди миробдай қўлларимни қорнимга қовуштирдим. Бошимни тик тутдим. Киприк қокмай, барини айтиб бердим. Буниси қониқарли бўлди. Мироб олдимга қоғоз билан ручка қўйди.

— Энди қандай айтилган бўлса шундай ёзилсин. Нимага? Бешинчи синф? Маълумотинг мендан бир синф юқори бўлатуриб ёзолмайсанми? Ха, майли. Ҳуртоқ Ҳамидов, сиз ёзинг, бу киши қўл қўйиб беради.

Аризабозлардан Денов қолмади, Термиз қолмади, Тошкент қолмади. Идорама-идора чопди. Аризабоз дегани ажабтовур эл экан. Бўлмаса уларнинг отини олмаган. Уларга биров югур, ел, деб бир чақа бермаган. Ҳазларининг ёнидан чопгани чопган.

Бир сафаргисидани мениям эргаштириб жўнади. Бошингдан ўтган савдони ўз тилинг билан айтиб берасан, деди. Қаерга боряпмиз, десам айтмади. Ботир мироб кўрсаткич бармоғини лабига босиб, тш-ш, деди.

Отарни шеригимга қолдириб, уларга эргашдим. Автобусда Душанбага бордик. Йўлда автобус деразасидан икки марта қўсдим. Душанбадан Москвага учдик. Умримда биринчи марта самолётда учдим. Самолёт бирдан пастлади. Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Деразасидан қараб ҳайрон бўлдим. Шундай остимизда пахта уюлиб ётибди. Самолёт тегай деяпти. Қабатимдаги Ҳамидов муаллимга эҳе, пахтани қаранг, дедим. У қараб, кулиб юборди. Телпагимни олиб тақир қалламга шапатилади. Қалламни елкаларим орасига олдим. У телпагимни тап эткизиб бошимга кийгизди. Билсам, булар пахтаямас, оппоқ булутлар экан.

Москвага тушиб, аризабозларнинг кетидан эргашдим. Эҳе, машина кўп! Биттаям от йўқ!

Аризабозлар қатта бир идорага кириб кетди. Мен остонадаги қоровул олдида ўтирдим. Аризабозлар ўргатган гапларни ичимда бот-бот қайтардим. Ниҳоят, аризабозлар чиқди. Катталар мени йўқламабди. Уларнинг гапига ишонибди. Яхши бўлибди. Катталарнинг салобати босиб, дудуқланиб қоламанми дея қўрқиб эдим.

Эртасига Душанбага учдик. Бу сафар дадилроқ бўл-

дим. Ўтирганлар кўрсаткич бармоғини ликиллашиб, ўртада туяқушдай лўкиллаб юрган кизни имлади. Қиз уларга майда идишда сув олиб келди.

Менинг бошқалардан қаерим кам? Қаллам телпакнинг остида — кўринмайди. Ўзимни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Кўрсаткич бармоғимни ликиллашиб, аёлни имладим. Сув, дея оғзимни кўрсатдим. Қиз бош ирғаб, сув олиб келди. Сувни бир ютишда йўқотдим. Бошқалардай бош ирғаб, ўлманг, дедим. Кўкрагимни кериб, ўтирдим. Ойнадан пастга қарадим. Паст ўзимизнинг Вахшиворсойга ўхшаб кўринди. Бировларнинг уйиниям кўргандай бўлдим. Майда-майда қоралар юрибди. Ҳамидов муаллимга, шу бизнинг кўйлармикин, дегим келди. Қалламга шапатилашидан кўркиб, индамадим.

Душанбага гурс этиб тушдик. Такси олиб, кишлокқа келдик. Қаерга борганимни айтиб, мақтангим келди. Кўчада вазмин-вазмин қадамлар босиб юрдим. Одамларга куюк-куюк саломлар бердим. Кўчанинг бошидан қайтдим. Дуч келганлар билан қалин-қалин сўрашдим. Қозон-тобоғгача қолмади. Ақалли бировгинаси, кўринмай кетдингиз, Зиёдулла чавандоз, дея сўрамади-я!

Одамлардан хафа бўлиб, уйга келдим. Чой ичиб, ён-бошладим. Ўнгимга ағдарилдим — бўлмади, чапимга ағдарилдим — яна бўлмади! Тарс ёрилиб кетгудай бўлдим! Москвадан олиб келган қанддан кўйнимга бир сиқим солдим. Тарлонни миниб, Мамат ошнаминикига бордим. Девордан бўйладим.

— Мамат! Мамат уйдаими, келин? Уйғот, гап бор!

Ичкаридан уйқули кўзларини укалаб Мамат чикди. Теваракдагилар эшитсин дея овозимни кўйиб гапирдим:

— Яхшимисан, димоғинг чоғми? Ма, манави қандни невараларимга бўлиб бер, есин. Мозор босиб келган. табаррук.

— Қаерлардан сўраймиз?

— Москва!

— «Москва» колхозими?

— Колхоз? Қандай колхоз? Сен ўзи мени ким деб ўйлаяпсан? Мен унча-мунча жойларга бормайман. Борсам, фақат Москва шаҳри азимларга бораман, ҳа! Фақат Москва! Жуда паст кетсам, Душанбаларга шунчаики, йўл-йўлакай оёқ илиб ўтаман. Менга қара, кун қиём вақти — қиём вақти уйингнинг устидан бир самолёт учиб ўтдими? Қанотларида паррагим бор?

Мамат сергак тортди. Осмонга бир караб олди.

— Учиб ўтгандай бўлди, нима эди?

— Улма! Мен сенга бир нарса айтайми? Шу самолётнинг ичида мен бор эдим!

— Ха, кўчингдан!

— Унг ёғида ўтириб учдим! Парракнинг шундай ёнида, ха!

— Во уккағар, Гагарин бўл-е!

— Ким? Эб-эй, Гагариннинг ким бўпти! Осмонга лип этиб учган-у, қайтиб тушган. Мен тўрт ош пиширимдан ҳам кўп учдим!

— Эҳ-е-е, ёрил-е, баччағар!

— Кўриб турибсан, чакана одам эмасман. Энди мен билан ўйлаб гапириш!

— Бўлди, бўлди, тараф йўқ.

— Яна бир гап. Самолёт осмонда варракка ўхшаган билан майда эмас экан. Ичи Обширнинг камаридай келади.

— Қир уйга, чой ичамиз.

— Йўқ, ишим зарил. Шундай ўтаётиб бир ахволлашиб кетайин дедим.

Жиловни кўйиб юбордим. Биродарлар, кўнглимни бўшатиб олдим.

* * *

Биродарлар, Москвадан одам келибди. Шляпаси бор эмиш!

У, район катталарини йиғиб, кал каттани ўртага олибди. Жория бўлишича, ҳукумат, ҳар ким ўз имкониятига яраша гўшт топширсин, дебди. Буйруқ районга келибди. Район катталари кал каттани бизга вакил этиб юборибди. Кал катта бир зина юқорига ўсмоқчи экан. У гўшт топширишни муддатидан олдин ошириб бажариб, катталарга яхши кўриниш, елкасига қоқтириш, шу йўл билан кўзлаган амалига минмоқчи экан. У ўз ниятига авом элни зўрлаб, кўрқитиб етмоқчи бўлибди.

Катталар кал каттани уришиб-уришиб амалидан олибди. Партиядан ўчирмоқчи бўлибди. Шунда, кал катта йиғлаб қўя берибди. Кейин катталар эркак одамнинг йиғлагани ўлгани дейишиб, шафқат қилибди.

Биродарлар,

Ҳақ сақласа бало йўқ,
Ҳақ қарғаса даво йўқ!

Айни кунлари кал катта чойхонада ёнбошлаб, ҳақиқат йўқ, дермиш. Чойнагидаги чойи оқ эмиш. Ўзи қуйиб, ўзи ичармиш. Элга эрмак, халққа шалоқ эмиш.

* * *

Қишлоқ яна отларга тўлди.
Чавандозлар отини бойловга ташлади. Тарлонниям бойлаб боқдим.

* * *

Қорликда тўй бошланди. Шу тўйга йўл олдик. Тарлон йўлда тезак ташлаб-ташлаб борди. Ҳайрон бўлдим. Бундай қилиғи йўқ эди.

Бир муаллимниқига тушдик. Қозикни молхона ёнига қокдим. Тарлоннинг кулоқлари тушди. Бошини эгиб, девор қавагига мунис термилди. Ем емади. Иримига лабиниям тегизмади. Қўнглим ҳадиксиради. Томоғимдан туз ўтмади. Деворда чўнқайиб ўтириб, Тарлондан кўз узмадим.

Узанги йўлдошларим ҳам оромини йўқотди. Қорликда отни зўр биладиган синчи чол бор экан. Шунини айтиб келдилар.

Чол Тарлонни айланиб кўрди. Энкайиб, кўзларига қаради. Ўзича бош ирғади. Тирсагимдан ушлаб; меҳмонхонага эргаштириб борди. Елкамга қўлини қўйди.

— Менга қара, эл чавандози, шу отни менга сотмайсанми? Йигирма қўй бераман. Гапнинг эркагини айт. Зардам қайнади. Мен нима ғамда-ю, чол нима ғамда.

— Бова, ўзи нима гап, аввал айтинг?

— Сен бўларини айт, эл чавандози. Кейин мен айтаман.

— Йўқ! Қиёматдаям сотмайман! Бўлдими?

— Ха, майли. Унда эшит, эл чавандози. Отинг зўр от. Кўргандан беш кетдим. Адашмасам, яқинда бир оғир дардни бошидан кечирган дейман-ов?

Обширнинг камарида ўн кун оч ётгани хаёлимдан ўтди. Чолга сир бермадим.

— Ха, бир дардга чалинган. Кейин фориг бўлган.

— Бали, эл чавандози. От ҳозир шуни эслаб, эртага бўладиган кўпкарини ўйлаяпти. Дарддан аввалгидай чополаманми, йўкми деган ғам отни ўйга солган. Мен буни кўзидан билдим. Мана меням айтди дерсан, эл чавандози.

Чол кетди. Бемаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Тарлоннинг қайғуси кўнглимдан кўтарилмади. Қайғу юзимгаям урди шекилли, уй хўжаси, кўп қайғурманг, чол синчи, билади, деди. Кейин чолнинг кимлигини айтиб берди.

Эмишки, отлар бир йилда бир марта кавш қайтаради. От кавш қайтарганда ёнади! Баданлари товланиб, кўзни камаштиради. Айниқса, кўзлари порлаб ёнади. От — девда! Отнинг кавш қайтариши фавқулодда вақтда кечади. Кўз очиб юмгунча бўлади. Отнинг кавш қайтарганини кўрган одам телбанамо ё шўрпешона бўлади. Бахтиёр ё доно, нуктадон бўлади. Айтишларича, чол отнинг кавш қайтарганини кўрган эмиш..

Кўпқари экинсиз қолган қисирпояда бўлди. Қисирпояни айланиб чопиб, Тарлонни қизитдим. Тарлон бирдан ўзгарди. Бошини тик тутиб, дирк-дирк ўйнади. Сувликни шиқирлатиб чайнаб, тўдага талпинди. Мени улоққа чорлади.

Айни қишнинг илк кўпқариси бўлганидан от кўп йиғилди. Демак кўпқари яхши бўлади. Боиси, оз отли кўпқарида улоқни ердан олиш мушкул. Сабаби, бари от ўзини зўр санаб, улоққа ёппасига ёпишади. Бир-бировига халақит бериб талашади. От кўп бўлса, зўрларнинг зўри, отларнинг оти улоққа талпинади. Бундайроқ отлар тўда четида томошагўй бўлади. Бордию улоққа интилса, тўдадаги зўр отлар йўл бермай, уларни кетига суриб юборади. Шу сабабляям кўп отли кўпқарида улоқни тўдадан олиб чиқиш осон бўлади.

Улоқ келди. Тарлонни гижинглатиб бориб улоқни искатдим. Бутидан кўтариб-кўтариб кўрдим. Улоқ бир тана экан. Эллик-олтмиш килолар келади. Жикка ҳўл. Боиси, кечаси сувга солиб қўйилган. Бунинг нафи — улоқ зилдай оғир бўлади. Тортқилаганда териси айрилмайди, бўлак-бўлак бўлиб кетмайди. Бўлмаса торта-тортда улоқ бутун қоладими!

Баковул зотларни айтди:

— Бир жуфт калиш, ўн сўм пули бор! Ол!

Тўда улоққа талпинди. Бир жийрон улоқни олиб чиқиб, ўзиб кетди. Кейинги зот кўйилди:

— Бунисида бир кўй, бир тўн, йигирма беш сўм пули бор! Зот каттарди, армонда қолма!

Тарлонни улоққа солдим. У пишқириб-пишқириб қимтқинди. Улоққа мен ўйлаган, хоҳлагандан ҳам вақтлироқ, осонроқ борди. Одатича, улоқни бир айланиб тўхтади. Бировнинг гаши келиб, Тарлоннинг сағринига қамчи урди. Тарлон бир сесканди. Лекин жойидан қимирламади. Икки кўзи улоқда бўлди. Мен улоққа тескари ёкдаги товонимни узангидан олмай, эгарнинг карсонига илдирдим. Улоқ тараф узангидаги оёғимни букдим. Тиззамни Тарлоннинг биқинига босдим. Тарлон менга кифт берди! Энкайиб, улоқни бир кўллаб ушладим. Қоматимни кўтараётиб, букилган оёғимни узангига тик тирадим. Бор қийинчилик шу оёғимга тушди. Бусиз улоқни кўтариб бўлмайди. Бироқ бир муғамбир от улоқни босиб қолди. Улоқнинг бутидан яна ушлаб, от тиззаси баравар кўтардим. Тарлон улоққа қараб-қараб олдинга юрди. Улоқни атайин ерда судраб бордим. Бирдан кўтарсам, пойлаб турганлар ёпишади.

— Улоқ кўтариляпти, улоқ кўтариляпти!

Сағал очикқа келдик. Улоқни кўтаришга шайландим.

— Улоқ Тарлонда кетяпти, Тарлонда!

Улоқни зарб билан кўтардим. Кўтараётганимда Тарлон бир силқинди. Олға чопдик. Кўп отлар қолиб кетди. Лекин бир тўриқ биздан қолмади. Чавандози улоқнинг бир бутидан ушлаб, баравар чопди.

— Йўқ, тўриқ ҳам кўшилди! Улоқ Тарлон билан тўриқда кетяпти!

Улоқни тақимимга босдим. Енимга чалқайдим. Жилвони кўйиб юбордим. Улоқни кўшқўллаб ушладим. Баравар чопдик.

Кўп отлар аввал аста-аста чопиб, сўнг тезлайди. Бизнинг Тарлон турган жойидан кескин, бирдан отилиб чопади. Ўзга отлар бундай кескинликка ҳозирланмаган бўлади. Оқибат, улар ўзларини ўнглаб олгунларича, Тарлон ўзиб кетади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Тарлоннинг яна бир фазилати — бирор от етиб олса, шу от билан баравар чопади. Ўзиб кетмайди. Гўё охири ҳоли шудек бир меъёрда чопади. Қабатидаги от шу меъёрга кўникади. Баравар бораётганидан қаноатланади. Шунда, Тар-

лон бирдан забт олиб, ўзиб кетади. Бунн ўйламаган ёнидаги от қолиб кетади.

Айни шу вазиятда чопяпмиз! Мендан Тарлонга бир сўз кифоя:

— Ҳа!

Тарлон тарлонлигини килди. Фавқулодда юлкиниб, шиддатини бирдан оширди. Ёнида хотиржам келаётган тўриқ чавандозининг кўли улоқдан узилди. Тўриқ қолиб кетди. Тарлон шиддатини пасайтирмади. Мен жўшиб кетдим:

— Ху-у-уй, ху-у-уй, ху-у-уй!

— Ҳало-о-ол, Тарлонники ҳалол! Ташла, Тарлон, ташла!

Эллик-олтмиш килолик улоқни ердан қандай қилиб кўтариб олдим? Бир кулоч деворда миниб, ердаги шунча вазини кўтариб ололмайман. Олтмиш кило вазини кўш-кўллаб кўтариб, эшакка кучана-кучана ортаман. Кўп-карида бўлса, отда энкайиб, олтмиш кило улоқни бир кўллаб кўтариб оламан! Бунинг сирини нимада?

Биродарлар, отнинг шамоли бор! Улоқни шу шамол олиб кетади. Эътибор этган бўлсангиз, от улоқдан кўз узмади, менга кифт берди! Яъни, қулайлик яратди. Улоқни кўтараётганимда эса юкни елкасига яхшироқ олаётган одамдайин бир силкинди. Бу вақтда мен улоқни ушлаб, кўмак бериб юборсам бўлди.

Биляпсиз, кўпкарининг саксон-тўксон фоизи отнинг бўйнида. Шу боисдан ҳам кўпкарида чавандознинг эмас, отнинг номи айтилади. Кўпкарининг бошдан-адоғигача отнинг номи шарафли жаранглайди!

Тарлон эллик-олтмиш килолик улоқ, яна тагин мен билан қандай чопди? Айтайлик, олтмиш кило буғдойни отга ортиб минсам, шундай шиддат билан чопадими? Чополмайди! Улоққа қолганда қуюндай учади.

Биродарлар, улоқнинг ҳавоси бор! Отга ана шу ҳаво қувват беради, қанот беради!

Тарлон ғайрат кўрсатди. Улоқни яна икки бор айирдим.

Ғуж одамлар орасида биров, Тарлон, бу ёққа бир қаранг, деди. Борсам, кечаги чол девор миниб ўтирибди. Чол кафтини пешонасига соябон қилиб, илжайди.

— Энди қандайсиз, эл чавандози?

— Қуллук, қуллук.

— Энди менга қаранг, эл чавандози, отга дам беринг, ха. Бўлмаса кўзиқтириб кўясиз.

Тарлон ҳалоллаган тўн, пулларни чолга бердим.

Чол, олмайман, деди. Олдига ташлаб, жабдуклар тарафга юрдим.

* * *

Биродарлар, ҳамсоямиз Кулмат полвон бозорлаб келди. Девордан бўйлаб, нарх-навони сўрадим. Денов бозорида майиз ўн сўм бўпти. Регарда янаям қиммат эмиш. Майизингиз бўлса армонда қолманг, деди. Майиз бизда бор-да! Олти унхалта! Саратондай сариқ майиз! Кўчқордай-кўчқордай ўғилларим бор! Катта бўлса отнинг Тарлонини минаман деяпти! Майизни шуларнинг тўйига босиб ётибман. Бу киш кучим етмади, янаги қишда катта тўй бераман. Насиб бўлса!

Шанба оқшоми омбордан майизнинг бир халтасини судраб чиқдим. Супадаги гиламга ёйдим. Ғалвирда элаб, чангдан покиза этдим.

Субҳи содикда Тарлон икковимиз бозор жўнадик. Қизилсувга дохил бўлдик. Дарёдан кечиб ўтиб, юқориладик. Мол бозори олдида тевараги сим билан ўралган ер бор. Бозорлаб келганлар от, эшакларини шу ерга боғлайди. Тарлонни шу ерга боғладим. Майизни орқалаб, бозорладим. Ярим букилиб, пўшт, пўшт, деб бордим. Димоғимга манти ҳиди келди. Бозорчилар қаторида халтани очиб, майизимни мактаб-мактаб ўтирдим. Ўн сўмдан пастга тушмадим.

Қарасам, савдонинг маъкули йўқ. Бор-е, етти сўмдан, деб юбордим. Бир майизжаллоб диконглаб келиб, кўтарасавдо қилди.

Халтани тиззамга уриб қокдим. Буклаб-буклаб қўлтигимга қисдим. Бозор оралаб бозорлик қилдим. Нознеъматлар олдим. Жийдага бошқоронғи аёлимизга Хоразм жийдаси, ўғилларимизга хўрозқанд, қоғозида кучуги бор қанд, тешиқкулча олдим. Барини халтага солиб орқаладим. Чойхонага бордим. Остонадан ичкари мўралаб нафасим қайтиб кетди. Ичи лик тўла одам. Ҳавоси дим. Ташқаридаги сўрилардаям одам кўп. Бировлаб санаса юзлар бор.

Халтани сўри устунига суядим. Бўш жой изладим. Биров кетди. Халтани шу бўшаган ерга судраб бордим. Кетган одам бўшатган чойнакни олдим. Енимдаги одамга, сўраганларга бу жой эгалик денг, дедим. Чой, кулча

олиб келдим. Кўчанинг нариги юзидаги балиқхонага ўтдим. Бир сермўйлов одам катта қозонда балиқ коворяпти. Навбатга туриб, бир кило балиқ олиб келдим. Чордона қуриб, балиқни туширдим. Қилтиғи кўп экан, хуноб бўлдим. Кетимга қарасам иккита дружиначи чой ичиб ўтирибди. Ҳалиги дружиначилар эмасмикин деган ҳадикда синчиклаб қарадим. Йўқ, бошқа экан. Шунда, ушла ўғрини, ушла, деган овоз келди. Бозор дарвозаси олдидаги ғуж-ғуж оломон орасидан бир бола чопиб чиқди. Кетидан бир беқасам чопонлик одам қувиб келди. Бола кўчани кесиб чопди. Юқоридан шиддатли келаётган қизил машинага дуч келди. Машина шигиллаб тойиб тўхтади. Бола ўзини йўлнинг бу бетига отди. Қоп-қора сув оқаётган ариққа шалолаб тушди. Лой бўлмаган ери қолмади. Қувиб келаётган одам машина кетидан ўтди. Боланинг лой ёқасини жуфтлаб ушлади. Бола типирчилаб, беқасам чопонликнинг чангалидан чиқолмади. Чопонлик, боланинг оёқларига қўшиб қоқиб, ерга юмалатди.

— Пулни чиқар! Қани пул?!

— Мен эмас.

— Сен! Қўлингни киссамда ушладим-ку! Яхшиликча чиқар, бўлмаса энангни Учқўрғондан кўрсатаман!

— Мен эмас деяпман-ку!

— Унда ўзим топаман. Торт қўлингни! Манави киссангни кўрсат!

Чойхонадагиларнинг кўплари бориб қаради. Ўткинчилар оёқ илди. Одам тумонат бўлди. Мен сўрида тик туриб қарадим. Беқасам чопонлик боланинг киссасини қовлади. Қўлтиғига қўлини тикиб, бир даста пул олди. Боланинг тумшугига тикди.

— Бу нима, энангнинг қалиними?

Бола бошини елкалари ичига олди. Юзини лой қафтлари билан пана қилди. Беқасам чопонлик боланинг чаккасига қулочкашлаб солди. Бола балчиқ сувга шалоп этиб тушди. Беқасам чопонлик боланинг ёқасини жуфтлаб ушлаб, сувнинг оқишига қараб етаклади:

— Сенга киссаурлик қилишни кўрсатиб қўяман! Юр мелисага!

Бола оёғини тираб, гавдасини орқага ташлади.

Шу вақт оломон орасидан иккита новча йигит суғурилиб келди. Икковиниям сочлари елкасига тушади. Устбоши баданига чиппа ёпишган. Ботинкаларининг товони отнинг туёғидай қалин-қалин.

Улар беқасам чопонлик одам олдига келди. Бирови унинг тирсагидан ушлади. Беқасам чопонлик болани кў-

йиб юбориб, ўгирилди. Келганларнинг бирови унинг тумшуғига сошлаб солди. Беқасам чопонликнинг зуваласи пишик экан. Гандираклар, йиқилмади. Энди униса солди.

Оломон ҳайбаракаллачи бўлди:

— Ур, сол тумшуғига!

— Ур, мушт турганда муомала нима керак!

Беқасам чопонлик бировини кўшқўллаб бир урди. Йигит чалпак бўлиб йиқилди. Бирови беқасам чопонликнинг кетидан келиб биқинига тепди. У биқинини ушлаб энкайди.

Оломон ҳайбаракаллачи бўлди:

— Ур, калла қил, калла!

Шу вақт майдагина бир қора кучук вангиллаб келиб, ураётган йигитнинг бутига ёпишди. Йигит оёғини сермади. Кучукнинг изидан ҳалиги балиқпаз келди. Кучугини уришиб-уришиб ҳайдаб кетди.

Чалпак бўлиб йиқилгани сапчиб турди. Беқасам чопонликнинг ичига тепди. Лойга беланганиям тепди. Беқасам чопонлик юзлари буришиб бир ичини, бир биқинини, ушлаб, чўк тушди.

Мен хуноб бўлиб, кетимдаги дружиначиларга айтдим:

— Борсаларинг-чи ахир, ўлдириб қўяди!

Бирови хотиржам қўл силтади:

— Бизга алоқаси йўқ. Бу ер бошқа бировнинг участкаси. Менинг участкам винзавад тараф.

Оломон яқун ясади:

— Тамом, нокдаун!

Йўқ, тамом бўлмади. Беқасам чопонлик чўккалаб ўтириб-ўтириб, бирдан сапчиб турди. Биқинига тепганнинг юзига калла қилди. Йигит юзини кафтлари билан ёпиб, энкайди. Бармоқлари орасидан қон сизиб чиқди. Шунда, яна бирови кафтига бир қора нимани қўйиб, чопонликнинг пешонасига урди. Чопонлик воҳ ўлдим-е, деди. Пешонасидан қон окди. Кўзлари юмилиб, кетига гандираклади. Ана йиқиламан, мана йиқиламан деётганда яна бирови худди тўп тепаётгандайин сапчиб кўрагига тепди. Беқасам чопонлик учиб кетди. Қўлларини ёзиб, кимирламай қолди. Иккови ётган чопонликни тепа бошлади. Қалла еганиям келди. Учови чопонликни ўртага олиб, кўзига қарамай тепди.

Кетимга қарасам, дружиначилар йўқ. Теваракка алангладим. Икковиям чойхона ёнидан писиб кетяпти.

Мен ич-ичимдан эзилиб кетдим. Супадан таппа ташладим. Оломонни қулочларим билан ёриб, ўртага кирдим.

Бировини елкасидан ғижимлаб ушлаб силтаб юбордим. Бировини сочидан ғижимлаб четга тортдим.

— Имонинг куйгурлар, бир бандаи мўминни ўлдира-санми!

Сочини ғижимлаб турганим чотимга тепди. Эсанкираб қолдим. Қўлимнинг кети билан юзига сёлдим.

Машина сигнал берди. Сув оқаётган тарафдагилар четланиб, йўлни очди. Беморхона машинаси кўринди. Ичидаги оқ кийимли одам кўзойнаги устидан конга беланиб ётган чопонликка қаради.

— Нима бўлди бунга?

Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

— Кўрмайсизми бечорани! Улар учов, бу бечора ёлғиз бўлса!

— Тушунарли. Дам олиш куни деб ўзидан кетиб қолмай камроқ ичсин!

— Буни олиб кетинг, ўлиб қолади, биродар.

— Биз визовга кетяпмиз, заказ бор. Бошқа скорий помошь чақиринглар. Кетдик, ҳайданг!

Ўпкам тўлиб, энгларимга йиғладим, чопонининг ёқаларига йиғладим, ўнгирларимга йиғладим.

Оломонга алангладим.

— Ай биродарлар, бечора инсон шундай ўлиб кетаверса яхшими? Уйида бола-бақраси бордир!

Биров овоз берди:

— Танишингиз экан, тезроқ олиб кетинг.

Кўча юзидаги майда машина эгасига ялиндим. Кўнди.

Беқасам чопонликни судраб машинага солдим. Ўзим олди-га ўтирдим. Бир йигит машинага шошиб келди. Шу одамнинг ўғлимикин, деган хаёлда деразадан юзимни чиқардим. Йигит шу ердагилардан сўради:

— Нима бўлди-а?

— Зўр томоша бўлди! Унчаласи биттасини шунақанги солди. Пак-пак! Нокдаун!

Беқасам чопонликни мелисахонага олиб бордик. Улар менинг кимлигимни, қаерданлигимни сўраб, ёзиб олди. Бўлган воқеани сўради. Оқизмай-томизмай айтиб бердим. Мелисалар мендан бир қоғозга кўл кўйдириб олди. Биргалашиб эксперт деганига олиб бордик. Улар кўп текширди. Суратга олди. Беморхонага олиб бордик. Машина эгасига уч сўм бердим. У олмади. Мен унга куллуқ, дедим. Мелисалар зарур бўлиб қолсангиз участкавойингиз орқали топамиз, деди. Баримиз ўз йўлимизга кетдик.

Чойхонага борсам, халтам жойида йўқ. Чойхоначи-

дан сўрадим. Билмайман, деди. У, бекасам чопонликнинг холини сўради. Олиб бориб жойлаштирдик, дедим.

Бозор оралаб, қайтадан бозорлик қилдим. Барини белбоғимга тугиб, Тарлоннинг олдига бордим.

Дунёни энди кўргандай, осмондан тушгандай бўлиб қолдим.

* * *

Во дариғо, шундай кунлар ҳам бўлар экан!

Босган қадамимиз кетимизга кетади. Жамики ишларимиз чаппасига юради. Одам деганлари саломиниям бермайди. Оғзимиздаги ошимизниям олдириб қўямиз.

Биродарлар,

Насиб этса келар шому ирокдин,

Насиб этмаса кетар кошу кобоқдин!

Хуррам солиқчининг кўпкарисида шундай бўлди. Тўдага киролмадим, кирсам улоқни ололмадим. Олсам биров юлиб кетди ё ерга тушиб кетди. Тақимимдаги улоқларниям олдириб қўйдим.

Биродарлар, давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз!

Тарлон менга ҳайрон, мен Тарлонга ҳайрон. Ундай қилдим бўлмади, бундай қилдим бўлмади. Пуф сассик дея кетиб қолмоқциям бўлдим. Шайтонга ҳай бердим. Тарлонни қамчилаб тўдага солдим. Отлар ғиж-ғиж. Осмондан телпак ташласа ерга тушмайди. Тўдани ёриб, улоққа келдим. Улоққа ҳар алвонда узалдим. Қўлим етмади. Янаям узалгани отлар қўймади. Қуюқ чангда аранг кўрдим, бир қўл улоқни ушлади. Тарлон улоқни ўнг туёғи билан таппа босиб қолди. Тарлон буни илкисдан қилмади. Билиб, кўриб қилди. Улоқни бергиси келмади. Билдимки, улоққа ҳавоёи ёпиша бериш Тарлоннинг жонига тегди. Тарлон улоққа ташна!

Мен камчини сопидан тишладим. Тарлоннинг сағри-нига шапатиладим. Тарлон бошини сарак-сарак этиб, те-варагидаги отлар бошини ўзидан холислатди. Ўзига эркинлик яратди. Сўнг олд тиззаларини букди. Улоқ олдида чўккалади. Чангда кўзларимни аранг очиб, Тарлоннинг кўкраги олдидаги улоқни қўшқўллаб олдим. Улоқни олганимни кўриб, Тарлон силкиниб турди. Сонсиз отлар пойлаётган олдигаямас, кетига тисарилди. Кетига тис бўлиб-тис бўлиб, тўдадан суғурилди. Очикликка чиққанимизда

ўзини ўнглаб, олдига бурилди. Елдай учди. Кўрган кўриб колди, кўрмаган армонда!

Тарлон қоралик чуқурчани ёнлаб келди. Улоқни тақимимдан қўйиб юбордим. Бироқ баковулнинг овозидан дарак бўлмади. Ажабландим. Қайтиб келиб, тиззамга урдим. Улоқ чуқурнинг ичигаямас, лабига тушибди!

Алаимдан аразлагим келди. Барчага, инчунун, баковулга эшиттириб айтдим:

— Биз кетдик! Бизга қачон ҳақ бериб эдиларингиз-да энди берасизлар!

Тарлонга тарсиллатиб қамчи уриб жўнадим. Кетдик, Тарлон, одамлар биз сағирларга қайишмайди! Кетдик, Тарлон, кетдик, бизнинг калламиз кал! Биз калларга ҳақ йўк!

Кетимга қарадим. Узанги йўлдошларим йўлдан қайрар дея умидландим. Тарлонни имиллатдим. Яна ўгирилиб қарадим. Изимдан биров ҳам келмаяпти. Деворда тизилиб ўтирган одамларни ёнлаб юрдим. Бирови йўлдан қайрар дея ўйладим. Шунча одамнинг олдидан ўтдим, қани бировгинаси миқ этса! Ақалли йўл бўлсин, демади! Шулар ҳам одам бўлди-ю!

Энди томошагўйлардан ҳам аразладим. Кўр бўлиб ўтира беринглар, мен уйда маза қилиб ётаман, дедим ичимда.

Қишлоққа борадиган кўчадан юрдим. Кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида оёқ илдим. Тарлон сувга талпинди. Сув ичирмадим. Шокиркулнинг томидан чиқиб турган дастак учига боғладим. Уст-бошимни қокдим. Юзларимни ювдим. Қўшховучлаб сув ичдим. Энтикиб, сувга термилдим.

Ариқ бўйида сувга кулча ботириб еб ўтирган болага кўзим тушди. Яхшилаб қарасам, иштони ҳўл.

— Қимнинг ули бўласан?

— Отамнинг.

— Отанг ким?

— Шокиркул.

— Ҳа-а, отинг нима? Қарим? Ўлма! Бу, иштон ҳўл-ку, алмаштирмайсанми?

— Энам тўйда.

— Ҳа-а, ўзим киёлмайман де. Биздан сўрасанг, биз кўпкаридан қайтдик. Кўпкарида адолат қолмади, неварам. Бари ошна-оғайнигарчилик бўлиб кетди.

— Кўпкари тамом бўлдими?

— Йўк, ҳали бўляпти.

— Унда, боринг-да.

Мен сергак бўлдим. Болага эйтибор бериб қарадим.

— Бир нима дегандай бўлдингизми, Қаримбой?

— Сув ичиб бўлдингиз-ку.

— Ҳа, сув ичиб бўлдим, неварам. Энди нима қил дейсиз, Қаримбой?

— Кўпқарига боринг.

— Борсам деган эдим, Қаримбой. Бизга ҳақ йўқ.

— Бормасангиз адо бўлади.

— Кўп қўймадингиз-қўймадингиз-да, Қаримбой. Борсам борай, садқаи суханингиз.

Тарлонни ечиб, миндим.

— Қаримбой, сизнинг сўзингиздан ўтолмай қайтпман. Бўлмаса қайтмасдим.

Қайтишимда томошагўйларни қоралаб юрдим. Уларга хўмрайиб қараб, сенлар ҳам одам бўлдинг-у, ана, ҳақиқий одам Қаримбой экан, дедим ичимда.

Тўда четида турдим. Баковул менга ажабланиб қаради. Билдим, баковул ичида, итга ўхшаб ўзинг кетиб, ўзинг келдинг, деяпти. Биладан, бошқалар ҳам ичида шундай дейди. Мен нима десам экан? Қаримбой қайтарди десам, қайси Қаримбой десалар-чи? Шокиркулнинг иштони хўл ўгли дейманми? Йўғ-е! Суриштириб боряптиларми. Борди-ю суриштирсалар Қарим муаллим, дейман.

Барчага эшиттириб, Самад чавандоз узанги йўлдошимга айтдим:

— Йўлда Қаримбой жиловни ушлади. Қайтинг-чи қайтинг, дея қўймади. Одамнинг юзи иссиқ экан, юзидан ўтолмадим.

Отар адирда ёйилиб ўтлади. Тўдалагунимча кеч бўлди. Уйга қош қорайганда келдим. Учаскавойимиз бир парча қоғоз бериб кетибди. Эртага соат ўнда органда бўлсин, дебди. Шеригимнинг уйга бориб узримни айтдим. Эртага қўйни сен бок, зарил ишим чиқиб қолди, бирор кун қайтараман, дедим.

Сахармардонда Тарлон икковимиз шаҳарга жўнадик. Тарлонни боғлаб, бордим. Эшик олдида ўтирган мелисага қўйнимдаги қоғозни олиб кўрсатдим. У мени эшиги ғилофли хонага эргаштириб борди. Тўрда ўтирган йигит ўридан туриб, келинг, келинг, деди. Мен билан кўришиб, ўзини капитан Рўзиев, деди. Мени эргаштириб келган

мелиса кетди. Капитан катта ручкаси учи билан менга жой кўрсатди. Мен ўтирдим. Капитан катта қоғоз титкилади.

— Хўш-хўш, фамилиянгиз Қурбонов-а? Нега кечикиб юрибсиз, ака? Соат ўн икки бўлди-ю?

— Мен сизга айтсам, капитан катта, Тарлоннинг оёғига қарадим.

— Хўш-хўш, Тарлонингиз ким?

— Бизнинг отимиз-да, капитан катта.

— Хўш-хўш, ҳали отда келдингизми? Шунча техника туриб-а!

— Эса-чи. Техника бизга бўлмайдди, капитан катта. Бензиннинг исини хуш кўрмайман.

— Хўш-хўш, бандитларни излаяпмиз, ака. Шубҳали типларни жабрланувчига юзма-юз қилдик. Булар эмас деди. Сиз эса келмадингиз, энди бошқа кун чакираимиз.

Тарлон билан кишлоққа қайтдик. Кечкурун телевизорга қараб ўтириб эдим, Рихсиев келди. Болишни буклаб ёнбошлаб, дамини узун олди.

— Аҳа, радиоузел орқали ўқиган докладимни эшитдингизми, ўртоқ Қурбонов?

— Йўқ, қачон ўқидингиз?

— Аҳа, ана холос, ҳозиргина ўқидим-ку. Йигирма минут, қирк секунд!

— Мен телевизорга қараб қолибман. Нима хусусда ўқидингиз?

— Халқаро аҳвол темасида.

— Ҳа-а, оламда нима гап экан?

— Аҳа, халқаро аҳвол чаток, ўртоқ Қурбонов, жуда чаток. Вазият тобора кескинлашиб боряпти. НАТО мамлакатлари Европада қанотли ракета жойлаштиряпти. Сальвадорда қонли жанг бўляпти, Никарагуада вазият тобора мураккаблашяпти, Фаластин халқининг аҳволи аянчли. Аҳа, ҳаммасига АҚШ империалистлари айбдор, ўртоқ Қурбонов. Империализм провакация билан шуғулланяпти. Аҳа, масалан, АҚШ империалистлари Польша давлатида диверсия-провакация ташкил қилди. Халқни мафкуравий заҳарлади, аҳа. Польшада социалистик жамиятни кўпориб ташламоқчи бўлди. Лекин империалистларнинг ёвуз планлари фош бўлди. Польша Бирлашган Ишчи партияси социализмни ҳимоя қилди...

Гапининг бировигаям тушунмадим. Телевизорга қараб, ҳа, ҳа, дея ўтирдим.

Икки кун деганда участкавойимиз қоғоз олиб келди.

Тарлон икковимиз азонда йўл олдик. Бу сафар қичаб ҳайдаб, вақтида келдик. Капитан катта тўртта ўспиринни беморхонага олиб бориб, беқасам чопонликка юзлантириб келди. Кейин менга рўпарў қилди. Булар эмас, дедим бошимни чайқаб. Уларнинг сочи узун-узун эди, дедим. Капитан катта кулди.

— Хўш-хўш, эслай олмайсизми, ака, уларнинг юзида бирон жароҳат изи йўқмиди?

— Эса-чи. Изиям гапми, яранинг ўзи бор эди, капитан катта.

— Хўш-хўш, қанақа жароҳат?

— Икковининг юзидан қон окди. Беқасам чопонлик калла қилиб эди-да.

— Хўш-хўш, шунинг эртароқ айтмайсизми, ака. Ана бу бошқа гап.

— Кейин, бир майдароғининг уст-боши лой бўлди, капитан катта.

Капитан катта ёза-ёза бош чайқаб кулди. Нимага кулди — фаросатим етмади.

— Хўш-хўш, айтинг-чи, ака, воқеани кўрган одамларнинг ақалли биронтасини танийсизми?

— Мен сизга айтсам, капитан катта, лоф бўлсаюм юздан ошиқ одам бор эди. Қайси бирини танийман. Ҳатто иккита дружинаям бор эди.

— Ким, ким? Дружиначи?

— Эса-чи, капитан катта. Улар шундай кетимда ўтириб чой ичди.

— Хўш-хўш, улар ҳам воқеани кўрдими?

— Эса-чи. Барини кўриб турди, капитан катта.

— Хўш-хўш!

Капитан катта темир сандиғидан бир катта қоғоз олиб ёйди. Ичи тўла гиж-гиж сурат экан.

— Қаранг-чи, ака, шунинг ичида сиз кўрганлар борми?

Суратларга бармоғимни югуртириб қарадим. Охири, кўрганларимдан бировини танидим. Пешонасига бармоғимни нуқидим.

— Хайла, анави!

Капитан катта энкайиб қараб, бош ирғади. Суратларни тахлаб, сандиғига солди. Ташқарилаб, қайтди.

— Хўш-хўш, сиз ака, мана бу хонага кириб туринг. Ўзим чақираман.

Ён хонага кириб ўтирдим. Хона эшиксиз экан. Капитан катта бахмал пардани туширди. Биров мумкинми, деди. Капитан катта сўради.

— Хўш-хўш, сиз йигирма тўртинчи январь якшанба кунини соат ўн иккиларда қаерда эдингиз?

— Қайси январь, бу йилги январми? Участкада эдим.

— Хўш-хўш, аниқроқ айтинг.

— Винзавод атрофини назорат қилиб юрган эдим.

— Хўш-хўш, демак заводда?

— Ҳа, заводда.

— Хўш-хўш, шу кунини чойхона олдида бўлган воқеадан хабарингиз бўлмадимми?

— Қанақа воқеа?

— Ўша ерда тўполон бўлган.

— Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ.

— Хўш-хўш, бу ёққа бир қаранг, ака.

Уларнинг олдида чиқдим. Келган йигит худди ўша кетимдан чой ичган дружинанинг бирови экан. У мени кўрдию ранги оқариб кетди. Капитан катта мени унга кўрсатди.

— Хўш-хўш, шу одамни бирон марта кўрганмисиз?

У менга тикилиб туриб-туриб, елкасини қисди.

— Эслаёлмаяпман.

Кулгим келди. Балки танир дея чойхонани эслатдим. У шифтга қараб ўйлаб-ўйлаб, кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиди.

— Э, ҳа, бўлди, бўлди! Энди эсладим. Ўша ердан участкамга ўтиб кетаётган эдим. Кўчада одамлар тўпланиб турган экан. Бирон нима сотаётган бўлса керак, деб ўйладим.

— Эб-эй, эб-эй, икковимиз гапиришдик-ку, ука. Мен сизга...

— Мен билан-а? Бекорни айтибсиз! Тухмат! Соқолингиз бор, оғзингизга қараб гапиринг. Сиз мени бошқа одамга адаштиряпсиз.

Капитан катта менга қаради.

— Ана, бўлмаганман деяпти-ку?

Мен ёқамни ушладим.

— Е тавба, ё тавба!

— Хўш-хўш, сизга рухсат, Қодиров. Яна бирон кишини эслай олмайсизми, ака?

— Эса-чи, шу гапларни чойхоначиам кўрди.

— Чойхоначи? Яна?

— Кейин, балиқпаз ҳам билади.

— Хўш-хўш, балиқпаз. Бугунча бўлди, ака, колганини бошқа кун гаплашамиз.

Янаги қоғоз келишида бормадим. Боиси, Доно момо бандалик қилди. Момони ўраб-чирмаб, йиғлаб-йиғлаб кўйиб келдик.

Уйда азали кайфиятда ёнбошлаб ётиб эдим, осмондан тушгандай Рихсиев пайдо бўлди. Аёлимизга, чой кўйинглар, дедим.

— Аҳа, нега кайфиятингиз йўқ, ўртоқ Қурбонов?

— Доно момони кўйиб келдик.

— Каёққа кўйиб келдингиз?

Шунда, унинг азага бормаганини билдим.

— Доно момо оламдан ўтди, шуни айтяпман.

— Аҳа, дафн қилдик денг. Кўйиб келдик деганингизга бирор предметни кўйиб келибдими дебман.

Ўзимни ўгириб, кўзларимни юмдим. Ўзимни босолмадим. Яна ўгирилдим. Биринчи марта Рихсиевга оқсоқолчилик қилишга журъат этдим:

— Рихсиев ака, сиз ўқиган одамсиз, оламдаги бор гапни биласиз. Сизга ўргатиб бўлмайди. Ҳеч қачон элдан қолманг, ака. Хусусан икки вақт элнинг ёнида бўлинг. Бири — тўйида. Элнинг тўйини белингизни беш жойидан бойлаб хизмат қилиб, ўйнаб-кулиб, хуш-хушвақт ўтказиб беринг. Тўй кўпники, ҳа. Яна бири азасида. Йиғлаб-сиқтаб элнинг қайғусига ҳамдард бўлинг. Улим қайғусини бир одам кўтаролмайди. Оғирлик қилади. Шунда сиз ёнида бўлиб, қайғусига шерик бўлинг. Одам шу икки вақтда одамлигини билдиради.

— Аҳа, мен ундай момони танимайман, ким ўзи у? Қандай лавозимларда ишлаган?

— Ўзимиздай одам. Фақир бир момо. Умри колхозда ишлаб ўтди. Қариган чоғида магазинда қоровул бўлди. На қизи бор, на ули, бечораҳол момо эди. Йиғлайдиганлариям бўлмади. Ўзимиз момомлаб, холамлаб йиғлаб, жўнатдик. Эл кўмди.

— Аҳа, қулоғимга бир чалингандай бўлди. Мен мактабга дарсга кетаётган эдим, кимдир, биров ўлибди, деди. Эътибор бермадим.

— Ана шу-да. Шу сабабляям азада одам камчил бўлди. Кўнглим ярим бўлиб қайтдим. Одамзотнинг қадри энди шу бўлди, дедим ўзимга ўзим. Рихсиев ака, бир кун келиб биз ҳам кетамиз. Улим баримизнинг бошимизда бор савдо. Шундай кунда бир-бировимизнинг кунимизга ярамасак, одам бўлиб нима қилиб юрибмиз.

— Ҳамманинг бориши шартми, ўртоқ Қурбонов. Қариндош-уруғидан тўрт киши борса бўлди-да. Тобутнинг тўрт ёғочидан ушлаб кўтариб боради. Тўрт кишидан ортиғи ортиқлик қилади. Аҳа, хўп, олти киши ҳам бўлсин. Иккитаси гўр қазиб туради.

— Рихсиев ака, одам ит эмас, оёғидан судраб бориб, чукурга ташлаб кела бергани. Одам ўз номи ўзи билан одам. Одамдан улуғ жонзот борми.

— Ҳа, энди, бир кампир экан-да. Бор-йўғи қоровул! Халқаро аҳамиятга, ақалли маҳаллий аҳамиятга молик шахс бўлса экан, билагимизга қора лента тақиб фахрий қоровулликда турсак, мотам тутсак, нутқ сўзласак, аҳа.

— Рихсиев ака, одамнинг катта-кичиги бўлмайди. Бариям одам. Бир одам яхшими-ёмонми бир умр яшади. Қўлидан келганча тирикчилик қилиб, ўзини одам санаб юрди. Биз билан бетма-бет бўлди, елкама-елка бўлди, даврма-давр бўлди. Энди қайтмас бўлиб кетяпти. Одам қайтмас бўлиб кетаётганда бормаган одам одамми.

— Кампирларнинг ўлими маҳаллий гап, ўртоқ Қурбонов. Эътиборга молик эмас. Ана, халқаро аренада қанча трагедиялар содир бўлмоқда. Аҳа, Эрон шоҳи Пахлавий яширин буйруқ бериб, бир кинотеатрни ёқиб юборибди. Ичида беш юз инсон бор экан. Аҳа, трагедия деб буни айтади. Даҳшат! Мен Эрон халқига чукур таъзия билдираман. Мен халқаро аҳволдан ташвишдаман, ўртоқ Қурбонов. Қаттиқ ташвишдаман! Халқаро вазият кун сайин кескинлашиб боряпти...

Эртасига эрталаб участкавиймиз келди. Салом йўқ, гап йўқ остонада қўли орқасида сиёсат қилди:

— Совет органи сизга ўйинчоқми?

— Биз нима қилдик?

— Нега чақирган вақтда бормайсиз?

Зардам қайнаб кетди:

— Боргим келмади! Аёлимиз билан кинога бордик! Бўлдими?

— Машинага чиқинг!!

Хайрон бўлдим. Девордан бўйласам, дарвозамиз олдида мелисанинг машинаси турибди. Этим увишиб кетди.

— Участкавой биродар, бу ишинг бўлмайди, машинагни эшикдан тез ол!

— Нима, елкангизда кўтариб турибсизми?

— Биродар, ҳеч банданинг эшигига дўхтирнинг машинаси билан мелисанинг машинасини келгулик қилмасин! Тез кет, биров кўрмасин!

— Бўлинг, бўлинг, фалсафа сотманг.

— Мана, отиб ташла, чикмайман! Жуда зарил бўлса автобусда бораман.

— Унда, тез изимиздан етинг.

Улар кетди. Мелисанинг машинасини биров кўрмади-
микин деган ҳадикда девордан кўчага қарадим. Бовужуд,
кўчада одам йўқ.

Шахарга автобусда бордим. Йўлда деразадан қусдим.
Органга бориб, ғилофли эшикни очдим. Капитан каттага
Доно момони айтдим. У бош ирғаб, ҳамдардлик билдирди.

Хонага бир мелиса кирди. Капитан каттанинг олдига
борди.

— Айримлар «Коммунизм» кўчасида турадиган Мў-
миндан кўряпти, ўртоқ капитан.

— Хўш-хўш, қаерда экан шу бола?

— Кўринмаяпти. Билдирмай, ҳамсоёларидан суриш-
тирдим. Уйда юзларига дори суртиб ётган эмиш.

— Хўш-хўш, ҳозирча кўз-қулоқ бўлиб туринг, ҳидлан-
масин. Мен айтганда олиб келасиз. Ҳозир бориб бозорнинг
оғзидаги чойхоначи билан баликпазни олиб келинг.

Хиёл ўтиб, кетган мелиса келди.

— Олиб келдим, ўртоқ капитан, кирсинми?

— Олиб кириг.

Остонада чойхоначи билан баликпаз кўринди. Чойхо-
начи эгилиб салом берди. Капитан катта қалами учини
чойхоначига ниш қилди.

— Аввал сиз кириг. Сиз эса коридорда ўтириб туриг.

Чойхоначи капитан катта билан кўришмоқчи бўлди.
Қўллари кўксига гиламдан юрди. Капитан катта бошини
кўтармай, қалами учига чойхоначига жой кўрсатди.
Чойхоначи довдираб, қаламни кўшқўллаб ушлашига бир
бахя қолди. Қўлларини тез тортиб олиб, қалам учи та-
рафга ўтирди. Менга рўпарў бўлди. Мен билан бош ирғаб
сўрашди. Капитан катта бир даста қоғознинг у ёғига қара-
ди, бу ёғига қаради. Чойхоначига юзланди. Унинг кимли-
гини ёзиб олди.

— Хўш-хўш, энди бизга чойхонангизда бўлган уришни
гапириб беринг, Сатторов ака.

— Қанақа уриш?

— Йигирма тўртинчи январь, якшанба куни бўлган
уришни.

— Қанақа уриш? Туш махали? Э, ҳа-а, бўлди, бўлди!
Бу воқеа бизнинг чойхонадаямас, кўчада бўлган, капитан ука.

— Ишқилиб, чойхонангиз олдида бўлган.

— Энди, капитан ука, бозор куни одам кўп бўлади.
Қўлим кўлимга тегмайди. Ҳатто қулоғим эшитмайди.

— Хўш-хўш, оддий чойхона шовқини билан ур-тўпо-
лон шовқинининг фарқига борарсиз?

— Бормайман, капитан ука, бормайман. Гап шунда.

Мана шу кулокларим ости ғувв-ғувв этади. Ким гапир-япти, нимани гапиряпти, фарқиға бормайман. Сизга ёлғон, менга чин. Манави бармоқларим билан санаб айтаман: овозларнинг ичида чолникиям бор — бир! Ешникиям бор — икки! Момоникиям бор — уч! Қизникиям бор — тўрт! Чакалоккиям бор — беш! Хў-ўш, бешта бўлдимиз? Энди бошқалариниям санаймиз. Булардан бошқа кўчадан ўтаётган «Жигули»никиям бор — бир! Бозордан кайтган сигирникиям бор — икки...

— Бўлди, бўлди. Сиз менга кўрган воқеангизни гапириб беринг.

— Ия, эшитмагандан кейин қандай қилиб кўраман, капитан ука?

— Кўзингиз бор-ку, ана.

— Тўғри, кўзим бор. Лекин биласизми, капитан ука, чойхонамизнинг бир пиёла чойи насиб этганда кўзингиз тушгандир, самовар чойхонанинг ичида, ҳа! Ларёк-никидайин майдагина туйнуги бор. Мана шунча! Шу туйнукдан чой бераман. Туйнук кўкрагим барабар келади. Мана бундай энкайиб қарамасам, ташқарини кўрмайман. Эгила бериб-эгила бериб белларим оғриб кетди, капитан ука.

— Хўш-хўш, шу воқеадан сал бўлсаям хабарингиз бордир?

— Бор, капитан ука. Бир эгилиб қараб, кўча юзида одамларнинг тўдалашиб турганини кўрдим. Бошқа ҳеч нимани кўрмадим.

— Хўш-хўш, бўпти, боринг. Зарил бўлса яна чакирамиз. Ҳамроҳингизга айтинг, кирсин.

Чойхоначи қўллари кўксига капитан каттага бош ирғади. Гўё биров қувиб келаётгандай пилдираб эшикка юрди.

Балиқпаз кирди. Капитан катта унинг ҳам кимлигини ёзиб олди. У ёйилиб ўтириши, эшитамиз дегандай капитан каттага қошларини чимириб қарашидан димоғдор, кўпни кўрган одам. Мен шу одамдан умид қилдим.

— Хўш-хўш, энди сиздан эшитамиз, Шукуров ака?

Балиқпаз пинагини бузмади. Мижжасиниям қоқмади.

— Нимани эшитасиз?

— Хўш-хўш...

— Эшитдим, участкавой айтди. Мен ҳеч нимани кўрганим йўқ. Шу! Ёзиб беришим ҳам мумкин. Шу! Кетсам майлими? У ёғда иш қолиб кетяпти. Шу!

— Гап энди бошланди, шошилманг. Ўрнингизга одам кўйиб келгандирсиз.

— Ўғлим қолган. У ҳали ёш, хўрандаларни ранжитиб кўйиши мумкин. Шу!

— Хўш-хўш, кўп шушуламанг! Гапга жавоб беринг! Бир инсон тақдири ҳал бўляпти! Тушундингизми?

— Сиз ҳам мансаб стoлингиздан фойдаланиб халққа бақирманг. Шу!

— Хўш-хўш, мен халққа эмас, сизга гапиряпман.

— Халқ бир кишидан бошланади. Шу! Мен халқнинг биттасиман, бақирманг. Шу!

— Бақираётганим йўқ, гапиряпман.

— Бақиряпсиз. Шу!

— Хўш-хўш, ана, бақирмадик. Ўзи бугун чап ёгингиз билан турганга ўхшайсиз, Шукуров ака. Боринг, сизга рухсат, яна чақирамиз.

— Ихтиёрингиз. Барибир шу гапим гап. Шу!

Балиқпаз гўдайиб чиқиб кетди. Капитан катта менгаям жавоб берди. Яна келасиз, деди.

— Капитан катта, уйда ишларим тўлиб ётибди. Буёғи кўпқарилардан қолиб кетяпман. Бошимни қашигани фурсатим йўқ...

— Хўш-хўш, мен нима қилай, ака? Бу ишга ўзи гувоҳнинг кераги йўқ, ана, медицина экспертизаси бор. Сизлар фақат жиноятчиларни аниқлашга ёрдам берсаларингиз бўлди. Ҳалиги иккови шаҳарлик. Балиқпаз билан чойхоначи жиноятчиларни танийди. Уларнинг гапини эса эшитдингиз...

Йўлнинг четидан юрдим. Ўша гап бўлган ердан ўтдим. Оқ халат кийган одам йўлимни кесиб тўхтади. Қарасам, балиқпаз. У тирсагимдан ушлаб, балиқхонасига етаклади. Қозондан холисрокдаги узун ўтирғичга чўкдик. Балиқпаз тиззамга кафтини кўйиб сўради:

— Мени сиз чақдингизми, ака?

— Чаққаним йўқ.

— Чақибсиз-да. Шу! Чақиш бундан зиёд бўладими.

— Мен кўрганимни айтдим, биродар.

— Ака, чақиш аёлнинг иши. Шу! Сиз бинойидай эркаксиз-ку. Кўрганимни айтдим дейсиз. Нимани кўрдингиз? Хўш, қани?

— Энди, биродар, мен сизга айтсам, ўзингиздан ҳам ўтди-да. Кўриб туриб бормадингиз-а. Ит боши билан кучугингиз чолиб келди-я.

— Энди у ит! Шу! Ўз оти ўзи билан ит. Бўлган-бўлмаганга аралашиб, ҳуриб ётади. Бўлмаса биров билан нима иши бор? Ўзини билиб ётмайдими. Итлигига боради-да.

Ахир, сиз билан биз одаммиз-ку. Итга тенг бўлмаслигимиз керак. Шу! Ўзи, қариндошингиз ажаб одам экан. Болалар уриб йикитади, яна туради, яна йикитади, яна гандирак-лаб туради.

— Нима қилсин бўлмаса?

— Ета берсин. Шу! Уч йигитга ёлғиз ўзи бас келар-миди. Мен бўлганимда биринчи мушт келиб тушдим — ўзимни ерга таппа ташлардим. Қайтиб жойимдан турмасдим. Шу! Турсам, барибир яна уради-да. Улар кетгунча ўзимни беҳушликка олиб ётардим. Қарабсизки, бир мушт билан қутулиб қолардим. Бирон ерим ҳам шикаст емасди. Шу! Ана, оқибат, қариндошингиз чалажон бўлиб касалхонага кетди. Шу! Ҳолидан хабар олиб турибсизми? Қалай энди?

— Борганим йўқ.

— Ия, нега?

— Мен уни танимасам, билмасам.

— Ия, ҳали танимайсизми?

— Эса-да.

Балиқпаз юзимга энкайиб қаради.

Гапим жиддийлигини билиб, тиззасига уриб кулди.

— Э ака-е, э ака-е! Афанди экансиз-ку!

Балиқпаз ёғоч панжара олдида ётган кучугига қаради.

Бошини чайқаб, яна кулди.

— Э ака-е! Қариндошингиз бўлмаса, ақалли танишингиз бўлмаса сизга нима? Қип-қизил Афанди экансиз! Шу! Ё ундан бирон нима ундирдингизми?

— Нима ундирардим, биродар.

Балиқпаз бармоқларини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

— Пулми? Ундай деманг, биродар, ундай деманг.

— Бўлмаса нимага бунча куйиб-пишасиз? Э ака-е! Афанди! Шу! Ҳали яна борасизми? Унда, бундай, ака, сиз мени кўрганингиз йўқ, мен сизни. Агар яна чақсангиз, каттиқ хафалашамиз. Шу!

Автобусга ўтирдим. Кўзим илиниб-илиниб кетди. Биродарлар, бошим оғрияпти.

* * *

Назир жувозкаш кўпқарига байтал миниб келди. Ўзиям байталмисан байтал. Сағринлари энлик, бил-киллайди.

Тарлоннинг кўзи байталга тушиб, бир бошқа бўлиб қолди. Улоққа солдим — байтал тарафга юрди. Жиловни тортдим — байталга қараб талпинди. Улоқли от кетидан

кўйдим — байтал тарафдан чопди. Нима қилишимни билмадим. Назир жувозкашга айтгичимни айтдим:

— Ай биродар, шу байталингизни кўздан пана қилинг, жон ака!

Чавандозлар кулиб, менга шўхчан гаплар отди. Назир жувозкаш кўпкаридан кетди. Шукр қилиб, Тарлонни улоқка солдим. Тарлон яна тайсаллади. Бўлмаса, кайфияти яхши. Тоқатим ток бўлди. Зардам қайнади. Қамчи дастаси билан Тарлоннинг бошига солдим.

— Падарингга лаънат, мана сенга, мана!

Тарлон олд оёқларини кўтариб фалакка сапчиди. Бўғилиб кишнади. Олисларни айланиб чопди. Фарк терга ботди. Пещонасидан оқаётган терлар балик оғзидай очилиб ёпилаётган бурнига сизди. Тўда олдига келди. Чоти аралаш камчи солиб, улоқка кўйдим. Яна ўзини кейинга олди. Қамчи дастаси билан қулоқлари орасига, юзларига урдим.

— Хали камми? Мана бўлмаса, мана! Еганинг бурнингдан чикқур!

Биродарлар, жаҳл келганда ақл кетади! Тарлоннинг эгар-абзалини, юганини шилиб олдим. Бошига бир урдим.

— Кет; хайвон, кет! Қазисан картасан, ахир аслингга тортасан! Тортдинг аслингга!

Тарлон ёллари селкиллаб қочди. Чавандозлар ушлаб бергани хезланди. Қўл силтаб, кўйинглар, дедим.

Кўпкарининг охирини карамадим. Эгар-абзалларни кўлтиклаб уйга келдим. Аёлимиз алағда бўлиб, Тарлонни сўради.

— Сўрама, аёл, сўрама. Термизнинг артистлари келиб, клубда театр кўйгани эсингдами? Шу театрда Алишер Навоий нима деб эди? Хайвонни қанча тарбия қилма, ит бўлади, эшак бўлади, асло одам бўлмайди, деб эди. Навоий ҳақ экан, аёл! Кўкайим куриб от бокдим. Ўзим емадим, ичмадим, Тарлонга бердим. Болаларнинг ризқидан ҳам уриб едирдим. Тарлон барибир одам бўлмади. Уриб-уриб хайдаб юбордим. Баҳридан ўтдим. Тарлон насл-насаблариникига кетди. Тарлон кўр бўлади, аёл, тузим кўр қилади, мана кўрасан.

— Бекор қилибсиз-да, кўп пуллик мол эди.

Кўнглимда нимадир майда-майда ушоқ бўлиб кетди. Ичимда Тарлонга раҳмим келди.

Кечаси бемаҳалда катта дарвоза дўкиллади. Ким бўлди экан, дея елкамга чопон ташлаб чикдим. Ким у, дедим. Овоз бермади. Дарвозанинг занжири шилдиради. Бориб очдим. Е пирим-е остонада Тарлон турибди. Бир ўзи!

У менга тумшуғини чўзиб, илтижоли пишқирди. Тарлонга гап кўшмадим, юзига қарамадим. Ичимда, сен ҳам одам бўлдинг-у, дедим-да юзимни тесқари бурдим. На илож, эшикдан келган одамни кет, деб бўлмайди. Миқ этмай отхонага юрдим. Тарлон эргашиб келди. Уни отхонага солиб, устидан занжирладим.

Эртасига эшитсам, Тарлон ўша кетишида Назир жувозкашникига борибди. Жувозкаш байталини яланғочлаётган экан. Тарлонни кўриб хайрон бўлибди. Тарлон дарвозадан кишнаб кирибди. Жувозкаш индамабди. Нимаям дейди? Эшикдан эгилиб келган куёвга бир нима деб бўладими! Куёвни... сийлаган!

Бизнинг Тарлон байтал билан тумшуғини тегизиб искашибди. Ўзларича нималардир дейишибди. Кўнгил бериб, кўнгил олишибди...

Жувозкаш бир маҳал уйғониб қараса, куёв йўқ эмиш.

* * *

Самад чавандоз кўпкарининг олган-олганини — охирини олди. Қайтишимизда баримизни уйига айтди. Уйининг олдига келганимизда ўйланиб қолдим. Мендан бўлак чавандозларнинг уйи яқин. Улар отларини боғлайдию келади. Бизники хийла олисда. Тарлонни уйга боғлаб келгунча қозон икки қайнайди. Булар менинг йўлимга қараб ўтирмайди. Гўштни еб қўяди. Эриниб, келолмаслигим ҳам бор.

Ўйлаб-ўйлаб, қоладиган бўлдим. Нафс қурғур ёмон-да.

Тарлонни дарвоза устунига боғладим. Кўпқаридан олган гилам, тўнларни эгардан олаётсам, кўчада кенжа қайнимиз Қоракул келяпти. Йўл бўлсин, дедим қайнимизга. Сизникига, деди у. Ма, Тарлонниям олиб кет, дедим. Оёғидан олиб, отга миндирдим.

Самад чавандозникида ёнбошлаб, тана илик сўрдик. Ўтган кўпкарининг гурунғини қилдик. Чавандозлар, отларга таъриф бердик. Ўзимиздан ўтган хатоликларни бетимизга айтдик. Яхшиликларимизни ёдлаб, елкаларимизга қокдик. Эй яша-е, дея тиззаларимизга урдик. Бир-бировимизга ақл бўлдик.

Самад чавандоз миҳда оснғлик дўмбирасини олди. Тинғиллатиб, созлади. Чертиб бошлади. Хаёлларга фарқ бўлдик. Гал менга келди. Мен чордона қуриб ўтириб, билагимни турдим. Дўмбирани созимга солдим. Ҳаққалабосим нағмалардан чалиб, чавандозларнинг кўнглини қитикладим. Самад чавандоз ўтирган ерида елкаларини

қоқиб ўйнаб қўя берди. Ҳа, гардкам, деди ўзича. Мен, сўзни сўзга чўқиштириб, гапни гапга уриштириб, нағмаларга отни солдим. Отлар ашула бўлди! Аҳай!

Бул сағринга қарайман
Куёвли қиз ётгудай,
Бурнингдан чикқан дамингга
Қаррак босса ёнгудай,
Кулоқларинг орасидан
Қўштегирмон сув ўтгудай.

Биродарлар, ашуланинг ичидаги от бор-ку, ўша ўзимизнинг Тарлон, ҳа. Ана, Тарлон дирк-дирк ўйнади. Бепоён Вахшивор адирларига қараб кишнади. Залворли адирлардан акс-садо келди. Ё, сизнинг отингиз ҳам бизнинг Тарлондайми? Унда, сизнинг отингиз ҳам ашула бўлибди-да? Аҳай!

Ҳадеб отни ашула қила бериш бўлмас. Энди чавандозларгаям ўтайин. Кимни ашулага солсам экан? Шу бурчакда ўй суриб ўтирган Одина чавандозни ашулага солсаммикин? Ўттизни уриб қўйди, ҳалиям уйланмайди. Бир қитиғига тегайин, зора йигитлик ғурури ваража килса! Аҳай-аҳай!

Қидириб чопсанг бирор кун
Кенг кўнгиротнинг тўйини
Олиб ётсанг, жўражон
Қора уйнинг тўрини
Олиб қучсанг найлайин
Бурни кулган парини
Шу чиқарар куйган юрак черини!

— Ҳа, дў-ў-ўст!

— Қўйма, Зиёдулла чавандоз!

Чавандозлар гап қаёққа бораётганини билди. Гап эгасиям ўзини таниди! Дастурхонга қараб, бош ирғаб кулди. Мен эндиги гапимни нағмаларсиз айтдим:

— Одина чавандоз, дейман-ов, йигитнинг боши икков бўлмагунча моли иккита бўлмайди. Уйлан-да, энди, биродар. Оғзингга талқон солгандай миқ этмай юрасан, айт-да, ўзи нима гап? Биз сенга узанги йўлдош. Яхши кунинггаям, ёмон кунинггаям яраймиз.

Чавандозлар гапимни қувватлади.

Охири Одина чавандоздан садо чикди. Одинаси курғур бизнинг қайсинглимизни кўз остига босиб юрибди экан. Ана гап! Бир сафар совчи қўйса қайнонамиз йўқ дебди.

Мен, бизнинг қайсинглимиздан ўзгаси бўлмайдим,

дедим. Йўқ, деди Одина. Одина чавандоз оламда бизнинг қайнсинглимиздан ўзгасини тан олмас эмиш. Қайнсинглимиз оламда яккаю ягона эмиш. Йўғ-е, дедим. Ҳа, деди Одина. Чинингни айт, дедим. Чиним, деди Одина. Биродарлар, дил кетган эмиш! Аҳай!

Ай, Одина чавандоз, унда қўлни бер, ўзим совчи бўламан, дедим. Қайнсинглимни сенга олиб бериб божа бўлмасам, Зиёдулла чавандоз отимни бошқа қўяман, дедим. Шу кундан эътиборан икковимиз божа, дедим. Ай, нарирок ўтир, божа божани кўрса... дедим!

Биродарлар, ёш болага иш буюр-у, изидан ўзинг югур, дегани ҳақроост чин экан. Қайнимиз нима қилибди денг? У уйимиз олдидан оқадиган ариққа келиб, Тарлонни сувга қўйибди. Ғарқ терга ботган Тарлон тўйиб сув ичибди. Кейин қайнимиз уни отхонага олиб кириб боғлабди.

Эрталаб Тарлонни отхонадан етаклаб чиқсам, корин этлари дир-дир, пир-пир учади! Биродарлар, отга сув тушса шундай бўлади! Тарлонга сув тушибди! Ай, қайним-е, ай, калла-е! Энди сенга нима дейин! От ғарқ терга ботганда сув ичириб отхонага боғлаб бўлмайди, дейинми? Мабодо ичиргандаям хийла йўл юриш лозим бўлади, бўлмас отга сув тушади, дейинми? Кейин, от кўпқарига ярамай қолади, дейинми! Мактабда комсомол комитетининг секретари бўласан-у, шуниям билмайсанми, дейинми? Биттаям тўрти йўқ аълочи Қодиров Қорақул бўлатуриб шунгаям фаросатинг етмадими, дейинми? Омон сурнайчининг қизи билан партанинг остидан хат олишиб туришга етган ақлинг шунга етмай қолдими, дейинми? Мендаийн бир кал бўлсанг экан, ақли сочи билан қўшилиб тўкилиб кетган десам, калланг тўла жун бўлса, дейинми? Демайин, демайин! Қайнига илкис гапириб бўлмайди. Опаси бизда!

* * *

Тарлонни миниб, сувини тушириш билан машғул бўлдим. Кўп кўпқариларга миниб бормадим. Борсам ҳам чопмадим. Бировларнинг отида чопдим.

Вахшивордаги бир кўпқаридаям шундай бўлди.

Мағрибдаги анави оқ тоғнинг оти Керагатоғ. У Ҳисор тоғларининг давоми. Уни харитада Бойсунтоғ дейилган. Қайним айтди.

Керагатоғни яқин деб бўлмайди. Улканлигидан бир кадам бўлиб кўриняпти. Ундаги майда-майда олачипорлар арча. Аслида арчалар майдаямас, олисдан шундай

кўринади. Улар улкан-улкан, бўйи кайрағочдай. Бели одамнинг белидай.

Қирлар, адирлар қор. Адирлар ўнгиридаги Қорбосди даштиям қор. Этик юзини кўмади. Қорда жониворларнинг излари. Излар теварагида товук патлари сочилиб ётибди. Булар тулкининг иши. Беш панжали излар бўриники.

— Осмоннинг юзи покиза. Бошимизда кун ёняпти, Куннинг бетига қараб бўлмайди. Балиқ тангасидай қор учқунлари йилтираб, кўздан ёш оқизади. Теварак моякдайн равон, оқ. Қаер чуқур, қаер ўр — билиб бўлмайди.

Кўнглимга ҳадик тушди. Улоққа оёғим тортмади. Келишга — келдим, чопайин, дедим ўзимча.

Жўра бобонинг отида чопишни азм этдим. Кўзингга қараб чоп, деди Жўра бобо. Кўнглимга янада ҳадик тушди. Телпагимни қошимгача бостириб, кўзимни кундан пана этдим. Сурпдай оқ даштда уймалашаётган қоп-қора тўдага юрдим.

Чавандозлар, отларнинг нафаси буғланиб-буғланиб ёйиляпти.

Улоқ икки бор кўтарилди. Отларнинг чопишини кўриб, уларга ҳам раҳмим келди, ҳам кулгим. Отлар оёғини қордан зўрға олади. Тор одим отади. Тўхтайтиди, яна чопади. Гўё йўрғалаб бораётгандай. Отлар қорда забтли чополмайди. Оёғи қорга ботади, қор кўзини шафақлатади.

Улоққа кўнглим чопмай, четроқда томошагўй бўлдим. Бир чавандозга кўзим тушди. Оти майдагина, каттароқ хангидай келади. Сарик жунлари бузоқникидай узун-узун. Узангиси йўқ шекилли, чавандознинг оёқлари шалвираб қорга тегяпти. Кулгим келди. Чавандознинг бетига қараб, анграйиб қолдим. Кўнглимдаги кулгиларим учиб кетди. Ўша қатрон кал! У буёқларда нима қилиб юрибди?

Тўданинг нариги ёғида бизнинг Тарлонни миниб турган Жўра бобонинг олдига бордим. Ундан сўрадим. Жўра бобо қўл силтаб жавоб берди:

— Тўй хўжаси билан ошначилиги бор дейишдими. Дарров танидингми?

— Калладош бўлгандан кейин таниймиз-да.

Қабатимдаги биров гапга аралашди:

— Шу бошқарманинг эски бошлиғими? Ўзим ҳам айтдим-а, бир гап бор деб.

— Нима бўпти?

— Қал деганимни кўнглингизга олманг-у, Зиёдулла чавандоз, бу калнинг юзи курсин. Ана, халқнинг қарғиши урди. Кўчада итдай тентираб қолди.

— Нима, сизларгаям келганми?

— Эҳа, сиз сўраманг мен айтмайин. Отларни кийратиб кетди. Шу тўйнинг хўжаси ошнаси бўлади, буниям оти қолмади. Бечора ўшанда отининг кетидан йиғлаб қолди. Қал энди унинг тўйига келиб ўтирибди. Билмайман, қайси юз билан келди. Ўзи, калласи билан юзининг фарқи йўқ экан. Тап-такир!

— Унга отни ким берди?

— Ўзи сўради. Яна тагин нима дейди денг? Бунча от нима керак, кўпкарини эшакда чопиб, отларни кази қилиш керак, дейди. Ўзи дир-дир қалтирайди. Ботинкасини ботинкасига уради. Фирт маст! Ҳожиқулбой ҳам боплади. Ҳурмат қилган бўлиб, унга эшакдай бир хачирни ўнглади. Сиз каттасиз, яқинроқдан бориб кўпкарини назорат қилиб тулинг, деди. Бечора ишониб, кўпкарига раҳбарлик қилгани келди. Ишқилиб, отлар уриб юбормаса эди. Чавандозлар отини зўр бериб ниқтади. Сағринига камчи босди. Ҳайқириклар бериб улоққа чорлади. Баковул тўдани айланиб, ҳайбаракаллачи бўлди:

— От қўй, ҳа, от қўй!

Қатрон кал, ҳайқираётган, чорлаётган чавандозларни тартибга чакириб турди:

— Шовқин, ўртоқлар, шовқин! Шовқин камроқ бўлсин!

Бир чавандоз оти улоққа бора бермагач, камчи остига олди.

— Хе падар лаънати! Мана, бўлмаса, мана!

Қатрон кал чавандозга огоҳлантириш берди:

— Сўкинманг, ўртоқ чавандоз! Бу ер жамоат жойи!

Чавандоз эшитмади. Баковул эшитиб, қатрон калга хўмрайиб қаради.

Биродарлар, кўнглимда армон пайдо бўлди! Тарлон яхши бўлганда улоққа солардим. Ўзгаларга улоқ бермасдим. Тарлонни қатрон калга бир кўрсатиб қўярдим!

Жўра бобонинг тўриғи гижинглади. Жиловни силкиб, улоққа галпинди. Улоқ айиргиси келди. Бундай вақтда отни йўлдан қайириш инсофдан бўлмайди. Отни сувга олиб бориб, қурук қайтариб келиш бўлади. Оқибат, от ёмон ўрганadi. Улоқдан, чавандоздан кўнгли қолади.

Жўра бобонинг тўриғи жиловни яна силкиганда тўдага солдим. Улоқни бир Саман бурноч билан баравар олиб чиқдик. Саман бурноч абжирроқ экан, йўлини буриб солди. Ушлашиб бордим. Совқотган қўлим улоқдан чиқиб кетди. Жўра бобонинг тўриғи Бурночдан қолмади. Улоқ билан орамиз бир қулочча бор. Кетимиздан отлар келяпти. Бундай вазиятда улоққа узалиш қалтис. Боиси,

кетимиздан келаётган отларнинг абжирроғи орага ёриб кириб, узалган қўлни синдириб юбориши бор. Шу сабаблиям улоққа қўл узатмадим. Жўра бобонинг отини буриб кетдим.

Мен энди қизий бошладим. Баданим жимирлаб, ваража қилди. Ғайратим келди. Улоқни бир Буйра от кўтараётганда мен ҳам қўшилдим.

Жунлари кўзичоқнинг жунидай жингала-жингала, кўзлари олмадай-олмадай отни кўриб эдингизми? Ўлманг! Буйра от ана шу! Буйра от — олмакўз!

Мен Буйра отдан кейинда қола бошладим. Чавандоз зоти ўзи ўрганмаган отда чопиши қийин. Яна қўлим чиқиб кетди. Бу сафар Жўра бобонинг тўриғи улоққа жипсроқ чопди. Улоқдан бир қадамча кейинда — улоқли Чилнинг сағрини баравар чопдим. Бундай вазиятда улоққа узалиш ўта, ўта қалтис! Бонси, бордию улоқни юлиб олсам, улоқ келиб отимнинг кўкрагига, кейин тиззаларига забтли урилади. Оқибат, от қоқилиб, йиқилади.

Бундай улоқни олишнинг энг яхши йўли — ўзиб ўтаётиб, улоқни юлиб кетиш лозим. Шундай қилмоқчи бўлдим. Улоқни узалиб ушлаб, Жўра бобонинг отига қамчи босдим. Бирок, Жўра бобонинг оти бизнинг Тарлондайин олғаямас, ёнига буриб солди. Улоқ менинг қўлимга ўтди. Даст кўтариб ололмадим. Улоқ Жўра бобонинг тўриғи кўкраги, кейин олд оёқларига забтли урилди. Жўра бобонинг тўриғи бир мункиди. Яна мункишида олдига эгилди. Қўлимда улоқ, от бошидан ошдим...

Уйқудан уйғонаётгандай бўлдим. Ғўнғир-ғўнғир овоз эшитдим. Кўзимни очиб, осмонранг оламини кўрдим. Яхшилаб қарасам, осмоннинг ўзи экан. Ҳайрон бўлиб, теварагимга алангладим. Теварагимда Жўра бобо билан беш-олти узанги йўлдошларим турибди. Оёғим тарафда отлар бор. Узанги йўлдошларим жонланди:

— Кўзини очди, хайрият-е.

— Ўзига келди, бетига яна қор суртинглар.

— Зиёдулла чавандоз, қалай, суяклар енгилми?

Шундагина нима бўлганини билдим. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Улоқ ушлаган ўнг қўлим қимирламади. Гўё жони йўқдай. Бор кучим билан интилдим. Ўнг қўлим зириллаб оғриди. Кўзимнинг олди хираланиб, қор қорайиб кетди. Қорга яна чалқанча ташладим.

— Тураман деяпти, турғизинглар.

Ўзимга келиб, кўзимни очдим. Оёқ тарафимда отлиқларнинг бирови қатрон каллигини билдим. Қатрон калнинг бетига синчиклаброқ қарадим. Унинг юзлари хуш-

вақт, бир оз табассумиям бор. Мастлигиданми ё менга куляптими?

Қатрон кал теваракдагиларга қараб гапирди:

— Мен бундан кўп йиллар муқаддам айтганман, кўпкари эскилик сарқити, саломатлик душмани, ҳаёт учун хавфли деб! Мана исботи! Мана шу отини гўштга бермай, мен билан қонунлашган. Мана оқибати! Гўштга топшириб юборганда бунақа сулайиб ётмасди. Хайрият, ўлмади! Барибир инвалид бўлди, тамом!

— Яхши отдан йиқилса, ёмон таъначи бўлади!

Буни Жўра бобо айтди. Бобо бир ўк билан икки куённи урди: менинг кўнглимни кўтарди, қатрон кални чимчилаб олди.

Мен оғзимда қўланса бир нимани туйдим. Жағларимни кимиралатдим. Бир нима ғижирлади. Тилимнинг учи тишларим орасига кирди. Бармоғимни оғзимга солиб кўрдим. Бармоғим қон бўлди. Енимга яшириб, ўнгиригимга артдим. Билдим, оғзимдаги қўланса ис — қон, лунжларимда ғижирлаб ўйнаётган — тишим, тилим учи кириб чиқаётган кавак — тишимнинг жойи. Кўнглимда нимадир кўзғолди. Кучаниб, бор вужудимни таранг этдим. Ўнг қўлим зир-зир оғриди. Чап тирсағимга суяниб, кўзғолдим. Узанги йўлдошларим кўлтиғимдан олди. Мен бошимни чайқаб, ҳожати йўқ, дедим. Бир амаллаб турдим. Бошим айланиб, кўз олдим зим-зиёланди. Тишимни тишимга қўйиб кучаниб, тош бўлдим. Олам яна аслига келди. Оғзим қонга лиммо-лим бўлди. Сағал хаёлласам, оғзимдан отилиб кетади. Қаерга тупуришимни билмадим. Теварак оппоқ. Тупурсам, қор кип-қизил бўлади. Кейин, қатрон кал қонни кўради...

Менинг кўзим қатрон калда, қатрон калнинг кўзи менда!

Бўлмади, бўлмади! Мен оғзимдаги қонни тишим билан кўшиб, ичимга ютиб юбордим. Яна бир ютиниб, қолган қонларниям ютдим.

Кипригимни қоқмай, алп-алп одим отиб, Жўра бобонинг тўриғи олдига бордим. Ўнг қўлимни кимиралатмадим. Чап қўлим билан эгар қошидан олиб отландим. Ўнг қўлим ёмон оғриди. Жиловни чап қўллаб ушлаб, тўдага юрдим. Улоғини бериб қўйган чавандоз мендан кўнгил сўради:

— Қалай, чавандоз, бирон ерингиз лат емадими?

Кулимсиб, соғ қўлимни силтадим:

— Мижжамгаям келмади. Уст-бошимга сағал қор илашди, холос.

Менга ҳалиям анграйиб караётган қатрон кал, гапларимниям анграйиб эшитди!

Зирк, зирк! Уҳ, вой кўлим-е!

Унг кўлимни авайлаб, кўйнимга солдим. Бир оз ором олдим.

Улоқ кўтарилди. Тўда кетидан чопдим. Беихтиёр кўлимни кўйнимдан олдим.

Зирк, зирк! Уҳ!

Улоқ кимда кетди — билмадим. Отларнинг кетидан шунчаки чопиб бордим. Кўлимни яна кўйнимга солдим. Жўра бобонинг тўриғини улоққа ниқтадим. Тўриқ зор бўлиб турган экан шекилли, тўдани ёриб кирди-кўйди. Ич-ичимдан зил кетди. Улоқни қандай кўтараман? Отлар кўлимга тегиб юмалаб тушсам? Нима қилишимни билмай гангиб қолдим. Бовужуд, бир саман йўлимизни ёпди. Жўра бобонинг тўриғи улоққа боролмади. Шундагина кўнглим тинчиди. Енгил нафас олдим. Саманга қараб, борингга шукур-е, дедим ичимда.

Зирк, зирк!

Бошқа вақтлари шундай қараб турсам, улоқ мен тарафга келмайди. Улоқ келиб-келиб шу вақтда менга қараб юрса бўладими! Улоққа зормидим, дардим улоқмиди!

Ана, улоқ келди. Барча қараб турибди. Айникса қатрон кал!

Мен тишимни тишимга кўйиб, оғриқ кўлимни улоққа узатдим. Бутидан бор кучим билан чангаллаб ушлаган бўлдим. Аслида бармоқларимни жунига шунчаки тегизиб турдим, холос.

Зирк, зирк!

Гўё улоқни олиб кетмоқчидай, Жўра бобонинг тўриғига айқириб қамчи босдим:

— Ҳа, жонивор-а!

Жўра бобонинг тўриғи улоқдан кейинда қолиб кетди. Мен хўжақўрсинга бош ирғаб, қамчили кўлимни аламли силтадим. Гўё, ҳай аттанг-а, омад кулиб боқмади, дедим. Омаддан нолиган бўлдим.

Зирк, зирк!

Ниҳоят, олган-олгани кўйилиб, кўпқари охирлади. Мен ўзимизнинг Тарлонни миндим. Тизилишиб уйга қайтдик. Фельдшерни чақиринглар, дедим аёлимизга. Бир қутича кўтариб фельдшер келди. Оғриқ кўлимнинг енгини силкиб тортди. Инграб юбордим.

Зирк, зирк!

Енгим суғурилмади. Фельдшернинг кўлига пичоғимни

бердим. Фельдшер енгимни пичок солиб айирди. Қарасам, тирсагимнинг йўғонлиги соғ тирсагимдан учов келади. Тирсиллаган шиш! Фельдшер бош чайкаб, машина чақиргани кетди.

Мени «Ҳазорбоғ» совхозининг беморхонасига олиб борди. Дўхтирлар шишган кўлимни бир аппарат остига қўйиб кўрди. Сўнг гипсга солди. Кўп кўрқманг, тирсакдан чиқибди холос, деди.

Кўрқармидим-е! Кўлимнинг чиққанини отдан йиқилганимдаёқ билиб эдим!

Биродарлар, оғзинг қора кон бўлсаям ғаниминг олдида тупурма!

Шу ётишда йигирма кундан кўп ётдим. Дўхтирлар гипсни олиб, уйга жавоб берди. Келсам, участкавой икки марта йўқлабди.

Кўнгил сўрагани келганларга кўлимни яланғочлаб кўрсатдим. Ҳасан бобо кўлимни айлантириб кўриб, э, қийшиқ-ку, деди. Эътибор бериб қарасам, кўлим чиндан ҳам тирсагимдан қийшиқ. Ҳасан бобо, Қурбон табибга бор, нима гаплигини айтади, деди. Эрталаб Тарлонни миниб, Куйбишев колхозига йўл олдим.

Бир вақтлари шу ерда Хидир дегич бор эди. Биз уни Хидир мироб дер эдик. Мироблик киларди-да! Ўзиям отнинг қулинг ўргилсинини минарди! Хидир мироб чиққан, синган суяқларни даволарди. Шу одам ўлиб кетди.

Ундан Қурбонназар, Абдиназар деган ўғиллар қолди. Абдиназари газетачи эмиш. Қурбонназари отасининг кўлини олиб қолибди. Отаси оғзига тупурган бўлсаям ажаб эмас. Ўзи раис! Лекин мен раисман, деб ўтирмайди. Каттагаям бир, кичиккаям бир.

Шу одамнинг дарвозасини камчи дастаси билан так-так урдим. Ичкаридан бир заифа чиқди. Сўрасам, ишдалар, деди. Келинг, ўзлариям келиб қолади, деди. Отни боғлаб, Қурбонназарнинг меҳмонхонасига салом бериб кирдим. Келин дастурхон ёзди. Чойни ўзим қуйиб, ўзим ичиб ўтирдим.

Қурбонназар укамиз келди. Кучоқлашиб кўришдик. Таомлардан кейин дардимни айтдим. Қурбонназар дастурхон четини қайириб қўйиб, қани, ечинг, деди. Кўлимни яланғочлаб тутдим. Қурбонназар кўлимнинг уёқ-буёғини кўрди. Елкадан бошлаб, бармоқларим учигача силади. Бўғинларимнинг қўшилиш ерида сабр килди. Айниқса, тирсагимда кўп тўхтади.

Хаёлимда, Қурбонназар тирсагимдан бир нималарни эшитгандай бўлди. Хайрон бўлдим. Авваламбор, тирсагим

нағма чалаётган радио ҳам эмас, телевизор ҳам эмас. Бор-йўғи эт билан суяк. Янаям айтсам, эшитган одам кулоғи билан эшитади, кўли билан эмас.

Лекин бу гапларни Қурбонназарга айтмадим. Ичимда айтдим, ҳа. Қани нима деяре экан, деб туриб эдим, шундай деди:

— Бекор овора бўлибсиз-да, сағал лат еган экан, яхши бўлиб кетибди. Дўхтирларнинг гипси тузатибди.

— Мен сизга айтсам, келмас эдим, Ҳасан бобо қўймади, борчи-бор, деб.

— Ҳа, майли. Келганингиз яхши бўпти. Шу баҳона меҳмон бўп кетасиз. Қани, ётинг, бир муолижа қилиб қўяй. Иккинчи лат емайдиган бўлади.

Мен кўрпачага чўзилиб, ёстикка бош қўйдим. Қурбонназарга қўлимни бериб, шифтга қараб ётдим. Қурбонназар бармоқларим учидан бошлаб укалади.

— Кўзингизни юминг, яхши бўлади. Ҳа, ана. Пинакка кетинг. Гўё ухлаётган бўлинг. Қўлингиз пишиқ суякли экан. Илгарилариям отдан йиқилиб, лат еганмисиз?

— Йўк.

— Нимага энди келиб-келиб шундай бўлди?

— От ўзимники эмас эди. Жўра бобонинг оти менга тушунмай, мен отга тушунмай шундай бўлди.

— Ҳа-а, ўзингизнинг отингиз қаерда эди?

— Бизнинг Тарлонга сув тушиб эди.

— Отга сув тушишини-ку биламан. Отнинг оёғига ем тушди, дегани нима?

— Отнинг оёғига ем тушса, оёғи қотиб қолади. Пайлар дириллаб учади.

— Ҳа-а, ҳар икковидаям кўпқарига чопиб бўлмайди-я?

— Эса-чи.

— Қора от яхши бўладими, ёмон?

— Емон. Қора отнинг феъли ўжар, қаҳрли бўлади.

— Ҳа-а. Сетон-Томпсон ҳам шундай ёзган. Демак, чин экан-да.

— У чавандоз қаердан?

— У чавандоз эмас, канадалик ёзувчи. Ўзининг «Мустанг йўрға» деган китобида шундай ёзган.

— Ким бўлсаям отни билар экан.

— От хомлаб қолди, дейди, у нима дегани?

— Унда от мой ташлайди. Кейин, кўпқарига ярамай қолади. Боқилган отни билиб-билмай чопиб қўйсангиз

ҳам ичида мой тўлиб қолади. Буниям бир йилгача кўпқарида чопиб бўлмайди.

— Ҳа-а. От одамни босмайди, нимага шундай?

— Боиси, от одамзотни улуғлайди. Одамзотга вафо қилади. Ҳайвонларнинг ичида от билан ит шундай. Энг яхши машина қайси? Улманг! Ана шунинг тормозига қарагандаям отники яхши ишлайди. Олдида одам борлигини кўрдими — такка тўхтайтиди. Бордию довдираб қолса, одамнинг устидан ошиб ўтади.

— Ҳа-а. Айтишларича, аёл боққан от яхши бўлар эмиш. Шу чинми?

— Эса-чи. Боиси, от сағали кам одамдай гап. Қонида пичагина девнинг қони бор, холос. Отга ем бергани борсак, у ҳамиша бизга суйканади, эркалик қилгиси келади. Бизни искайди, думи билан елкамизга уради. Шунда биз уни тек ўтир-е, сабил қолгур, деб қамчилаймиз. Бу қилигимиз отга малол келади. Аёл бизга нозланиб суйқалса, уни жеркиб ташласак, қандай малол келади? От ҳам шундай. Отнинг кўнгли аёлнинг кўнглидай нозик. Аёллар бўлса отни урмайди. Унинг эркасини кўтаради. Аёлнинг мулойим табиати отга хуш келиб қолади. Аёл боққан отнинг яхши бўлишига яна бир сабаб, аёл ҳамиша уйда бўлади. Ичкари киради, ташқари чиқади. Отнинг кўзи эртадан-кечгача аёлга тушиб туради. Аёл от кишнаганда дарров емини беради, сувини беради. Биз эркакларнинг бўлса уйда борлигимиздан йўқлигимиз кўп бўлади. А-а-ай, ўлдим-е!

Тирсагимда бир нима қирс этди. Вужудим қизиқ, пешонамдан тер чиқди. Қурбонназарга қарасам у кулимсиб турибди.

— Ана энди қўлингиз яхши бўлди.

Шундагина Қурбонназар мени авраб, гапга алаҳситганини пайқадим.

Хийла ётдим. Оғрик тиниб, турдим. Қурбонназар қўлимни ипга ўтказиб бўйнимга осди.

— Энди бутунлай битиб, аслидай бўлади. Оз-оздан мўмиё танаввул қилиб туринг, суякка мадад бўлади.

Оқшом кўнгунча гурунглашиб, отланиб қайтдим.

Уйга қайтсам, участкавойимиз келиб, қўлингиз тузалган бўлса боринг, сўрапти деди.

Душман кўзи қилиб, бўйнимдаги ипни олдим. Қўлимни қўйнимга солдим. Отланиб, бордим. Ичкариласам, таёк еган беқасам чопонли одам ўтирибди. Юзининг яраси ҳалиям битмабди.

У мени танимади. Капитан катта таниттирди. Беқасам чопонли мени бот-бот бағрига босди. Киприклари нам

бўлди. Биқинма-биқин ўтириб дардлашдик. Зот-боборако-
тимизни, мазгилимизни сўрадик. У Жданов колхозидан
экан, оти Раҳмон экан. Раҳмоннинг кўнгли бузилиб, овози
калтираб чикди:

— Ула-ўлгунимча сизга таъзим қилиб ўтаман, мана
кўрасиз.

— Ундай деманг-е, нима каромат кўрсатдимки, менга
таъзим қиласиз.

Капитан катта қўлимни сўради. Яхши, дедим. У ишлар-
рини айтиб берди. Ишлар деярли ҳал бўлибди. Безори-
ларни ушлаб, Раҳмонга юзма-юз қилибди. Раҳмон, шулар
эди, дебди. Лекин безорилар тониб, айбини бўйнига олма-
ётган эмиш. Гап менда қолибди. Ҳозир безориларни олиб
келади, деди капитан катта. Айтганидай, бир милиционер
безориларни ҳайдаб келди. Бирови ўтирмоқчи бўлди.
Капитан катта унга тур, дея бақирди. Бўзбола қўлларини
қовуштириб қотиб қолди. Манави одамни танийсизларми,
деди капитан катта уларга мени кўрсатиб. Танаймиш,
деди бирови менга сигирқараш қилиб. Шуларми, деди
капитан катта менга уларни кўрсатиб. Шулар эди, дедим
мен бошимни ирғаб. Олиб кетинг буларни, деди капитан
катта милиционерга. Милиционер уларни ҳайдаб кетди.
Капитан катта менга жавоб берди.

— Хўш, сизга катта раҳмат, ака. Тергов тугагач,
делони судга оширамиз. Суд куни бордию чақирсалар
боринг.

— Мен сизга айтсам, капитан катта, шунча кун мазам
бўлмади. Шеригим менинг навбатимдаям қўй бокди.
Одамнинг юзи чидамаяпти...

— Хўш-хўш, тушунаман, ака, тушунаман. Сиз судда
бўлмасангиз ҳам бўлади. Лекин анави тирриқлар кўп
ишларни бўйнига олмаслиги мумкин. Иш яна ланж бўла-
ди. Сиз судда савол туғилганда ҳа ё йўқ, деб турсангиз
бўлди. Сиздан бошқа жонли гувоҳ йўқ. Мана шу бирода-
рингиз учун яна бир келинг.

Капитан катта жон жойимдан ушлади. Билибми, бил-
майми, биродарингиз учун, деди. Шу гап бўғинимга
сингди, кўнглимни олди. Раҳмон биродаримизни деб, йўқ
демадим.

Раҳмон биродаримиз билан ошхонада мантихўрлик
қилдик. У мени уйига етаклади. Мазам йўқроқ, бошқа
вақт борарман, дедим. Унда, бирор кун ўзим уйингизга
бораман, тўн ёпишиб оға-ини бўламиз, деди шундай
ҳам оға-ини, биродаримиз, дедим мен. Уй-уйимизга кет-
дик.

Милициянинг машинаси эшигимизга келганини эл билибди. Дув-дув гап бўлибди. Эл ажабланибди, ҳадик-сирабди.

Хуфтон вақти узанги йўлдошларим, ҳамсоямиз Рихсиев кўнгул сўраб келди. Аёлимиз дастурхон ёзди. Бўлғуси боғамиз Одина чавандоз аёлимиздан нам тортиб, ерга қараб ўтирди. Узанги йўлдошларим гапни нимадан бошлашини билмай, истиҳола қилди. Рихсиев гапни индаллосидан бошлади:

— Сизни милициянинг машинаси уйингиздан олиб кетибдими; ўртоқ Қурбонов?

— Бекор гап-е!

— Ана, ҳамма шундай деяпти-ю?

— Олиб кетгани йўқ, айтиб кетди. Мен автобусда бордим.

Фаросат этсам, эл оғзида кўп гап бўлибман. Элга бир гап тегмасин. Чибиндай гапни туядай қилиб гапиради. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Энди бор гапни айтайин.

Айтдим. Бир гапниям қолдирмадим. Узанги йўлдошларим, хусусан Одина чавандоз бошини ирғаб, ишимни маъқуллади:

— Бинойи, кўп бинойи иш қилибсиз. Мен бўлганим-даям шундай қилардим.

Рихсиев болишдан гавдасини кўтариб, Одина чавандозга сигирқараш қилди.

— Аҳа, нимаси яхши, хўш, нимаси яхши? Ўзи қўли чиқиб юрибди, яна тагин терговга қатнайди. Қанчадан-қанча оворагарчилик, сарсонгарчилик!

— Сарсонгарчилиги бўптими, шу баҳона Тарлон икковимиз шаҳарни сайл қилиб келяпмиз.

— Аҳа, у фалсафангизни бошқаларга ўқинг, ўртоқ Қурбонов. Сайл эмиш. Бундай ишлар турган-битгани галва, ҳа, сарсонгарчилик. Сиз энди кўраётгандирсиз-да? Аҳа, мен шаҳарда яшаётганимда бундай ишларнинг бир нечасига дуч келганман. Сиздан яхши биламан, оқибати нима бўлишини. Ишонмасангиз, сизга бир воқеани айтиб берайми? Аҳа, эшитинг. Бир дам олиш кунни бизни Турсунқулов номли колхозга вахтага олиб борди. Ўзингиз биласиз, бир кунликка борган ҳашарчилар пахта термайди. Ичиб, кайф-сафо қилиб қайтиб келади. Мен ҳам тагимга қўйиш учун икки килоча пахта тердим. Пахта четигаги калин тутлар орасига кириб, этагимдаги пахтага ёнбошлаб ётдим. Шундай пастдан бир дарё сув оқяпти. Суви лойқа. Мудраб ётиб эдим, дарёнинг бетига икки-учта қора кўринди. Кўзимни катта очиб қарадим. Аҳа, бизнинг

ҳашарчилар эмас. Шу ернинг йигитларига ўхшади. Улар мени кўрмади. Ўзларича бир-бирларини турткилади. Аҳа, мен аввал уларни ҳазиллашаётгандир, деб ўйладим. Жиддий эътибор берсам, улар уришяпти экан. Яна тагин иккитаси биттасини ўртага олиб уряпти. Етиб томоша қилдим. Аҳа, таёк еяётгани ўртадан қочиб чикди. У дарёни ёқалаб қочди. Қолганлари изидан қувди. Аҳа, дарёнинг устидан бир ингичкагина труба ўтган экан. Қочаётгани шу трубадан йўл солди. Трубанинг ўрталарига келиб мувозанатини йўқотди. Гоҳ ўнг, гоҳ чап кўлини кўтариб тебраниб, сувга тушиб кетди. Бошқалари қочди. Бола сув юзида гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб оқиб жўнади. Боши кўринганда додлаб бақирди.

— Сиз кўриб турдингизми?

— Аҳа, шундай оёғим остидан оқиб ўтди. Пастга оқиб кетди. Бола сузишни билмас экан шекилли-да. Бўлмаса сув жуда секин оқяпти. Бемалол сузиб чикса бўлади. А? Йўк, пастроқда бир оператор йигитимиз овозини эшитиб қолиб, ўзини сувга ташлабди. Судраб олиб чиқиб, оёғини осмонга кўтарибди. Барибир кеч бўлибди. Бола вафот этибди. Ишонасизми, ўртоқ Қурбонов, шу оператор йигитимиз бир ойдан ортиқ райоё органларига қатнаб сўроқ берди! Она сути оғзига келди. Нутқимнинг якунида хулоса қилиб айтаманки, ўртоқ Қурбонов, ўзингизни билинг, ўзгани кўйинг!

— Ҳа-е, тақдир, пешона экан-да. Оламда нима гаплар бўляпти?

— Аҳа, оламда гап кўп, ўртоқ Қурбонов. Халқаро вазият тобора кескинлашиб боряпти. Тинчлик хавф остида.

— Ким хавф соляпти?

— АҚШ империалистлари! Буни халқаро панорамада ўртоқ Зорин ҳам айтиб ўтди. Аҳа, «За рубежом»да ҳам ёзибди. Мана, фактларга мурожаат қиламиз. АҚШ маъмурияти 1983 йилда 810 миллион доллар миқдорига химия-бактериология қуроли ишлаб чиқиришни планлаштирибди.

— У қандай милтиқ?

— Аҳа, милтиқ эмас, заҳарли ингредиент.

— Ўзимизнинг деҳқончасига гапиринг. Биз бир ийғи чиққан кал бўлсак, ундай гапларни қаердан биламиз.

— Аҳа, ингредиент бу, икки хил суюқ моддадан ташкил топган заҳарли дори. Нервни паралич қилиб ташлайди. Аҳа, ўн-ўн беш минут ичида вафот этасиз.

— Шунинсон ўйлаб топганми? Одамзотни қирғачими? Ё тавба! Бизникилар нима деяпти?

— Аҳа, бизнинг ҳукуматимиз тинчлик посбони бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади!

Улар уй-уйига кетди. Аёлимиз дастурхонни йиғиштиргани келди.

Кенжамизни қўлимга берди.

— Манавини пича ушлаб турунг, қозон-тобоғимни ювиб олайин.— Кенжамизни тиззамга олдим. У дастурхонни олиб кетаётган онасига қўлини чўзиб ингиллади.

— Бўлди, бўлди, энанг ҳозир келади. Ҳай анави суратдаги ким? Ака-я? Ака, де.

Кенжамиз овунмади. Ингиллайверди. Уни тиззамда тебратиб суйдим:

Келгин, болам, тиззамга
Ея бўларсан ўзимга,
Қулоқ солгин сўзимга,
Хуйё болам, хуйё.
Жоним болам от чопсин,
Отига бахмал ёпсин.
Хуйя солсин отаси
Оркасидан ёл топсин
Хуйё болам, хуйё.

— Ай, энаси-я, кел, менинг улимга эмчак бер. Улим эмчаксираб қопти. Ана, айтдим, энанг ҳозир келади.

Болам, сен ҳам ботирим
Чопиб келаётирим.
Чўпон бўлсанг кўйларга
Боқарсан ўтлоқ, сойларга
Хуйё болам, хуйё.

— Бўлди-е, энағар! Оғзим бор деб ингиллайверасанми! Оғиз бир сенда борми? Мана, биздаям бор! Нимага биз ингилламаймиз? Иззатингни бил-да! Ё, отига бахмал ёпсин, кўйларини боқсин, деганимга ўзингдан кетяпсанми? Қани ўша отинг, кўйларинг? Ҳовлидагини айтяпсанми? Эб-эй, улар сенинг бовангдан қолган эмас. Бари менинг отамдан қолган. Улар меники, билдингми?

Хуйё-хуйё, хуйёнг қани?
Бобонг берган туянг қани?
Бобонг берган туянг бўлса
Боқиб юрганларинг қани?
Боқиб юрган туянг бўлса
Адир ҳам чўлларинг қани?

— Ана бўлмаса, уккағарнинг ули! Мард бўлсанг жавоб бер, уккағарнинг кенжаси! Ана, сасинг чикмай

қолди-ку! Ингиллайсан-а, ингиллайсан! Ҳа? Ҳа-ха-ха!
Шўхлашдим, уккағарнинг кенжаси, шўхлашдим! Шўх-
лашишниям билмайсанми. Улим, манави уйлар ҳам,
кўтондаги кўйлар ҳам, осмондаги ойлар ҳам, кўпчиб
ётган ерлар ҳам, бари-бари сеники! Ол-е! Тарлонниям
бердим! Бор-е!

Хуйё килай хуйдада,
Отинг солгин тўдага,
Хуйё килсам ухлагин,
Отанг сендан садаға,
Хуйё болам, хуйё-и-и-и!

— Улим, фақат бир нимани эсингдан чиқарма. Гага-
риндай бошинг осмонга етсаям, олим бўлиб етти иқлимни
сўрасанг ҳам, сен аввало Зиёдулла чавандознинг улисан,
менинг улимсан! Шундай экан, мендай бўл! Мендай
бўласан-а, айт, бўласан-а?..

* * *

Суддан қоғоз келди.

Оёғим яна узангида. Бора-боргунимча ўйлаб кетдим.
Шу юришим, жонҳалак бўлишимнинг охири бормикин, дея
ўқиндим.

Судда одам сероб бўлди. Бир тарафда урган йигитлар,
бир тарафда Раҳмон биродаримиз ўтирди. Катталар
юқорида бўлди. Бўлди сўрок, бўлди жавоб! Урганлар
айбини бўйнига олмай, бир-бировига тўнкади. Шунда мен
аскотдим. Юқоридаги катталар мендан сўраб, даъвола-
рини маъкуллатиб олди. Сўз оқловчига деганда бир катта,
Раҳмон биродаримизни сўроққа тутди:

— Айтинг-чи, нега вояга етмаган болани урдингиз?

— Урганим йўқ, калла қилдим.

— Барибир урган ҳисобланади. Юзида жароҳат бор.
Пулингизни ўғирлаган экан, яна тагин ушлаб олибсиз
экан, милицияга топшириш керак эди.

— Кучим етмади.

— Уришга етган куч, милицияга етаклаб боришга
етмадимми?

— Уч бирдай йигитга қандай қилиб кучим етади?

— Унда милицияга телефон қилинг эди. Еки одам-
ларни ёрдамга чақиринг эди. Ана, кўча тўла одам!

— Одам? Қандай одам? Қани одам...

Катталар, бир соат танаффус, деди. Ўзлари суд ҳукми-
ни кенгашигани кетди. Қорним очқаб, чойхонага бордим.
Чой ичиб қайтсам, одамлар суддан чиқиб келяпти. Демак,
суд тамом бўпти, Суднинг оқибатини сўрайин дея Раҳмон

биродаримизни кидирдим. Шунда, бир тўда момо, аёлларга рўпарў келдим. Момолар тўдалашиб, сел-себор йиғлади. Пешонаси, тиззаларига уриб бўзлади. Билдим, улар урган йигитларнинг уруғлари. Мен уларга қараб қолдим. Шу кўз ёшларнинг оқишига ўзимни айбдор билдим. Уларнинг кўз ёшга беланган юзларига қараб туролмадим...

Кетимга қайрилдим. Тарлоннинг олдига бордим. Тарлон икковимиз кишлокқа қайтдик. «8-Март» колхозидан ўтиб, Хайрондарага дохил бўлдик. Теварак майда-майда адирлар. Йўл арғамчидайин бир юкорилайди, бир адоқлайди.

Оқшом вақти бўлди. Оламга қўнган оқшом менинг кўнглимгаям кўнди. Кўнглим оқшомдайин ғира-шира, мунис бўлди. Беихтиёр кетимга қарадим. Бир қизил машинага кўзим тушди. Биз йўл четидан юрдик. Адирга ўрладик. Адирнинг қоқ устида кетимга яна қарадим. Машина қорама-қора келяпти. Биз адирдан эндик Адир хийла тиккароғлигидан Тарлон оғирлигини орқа оёқларига ташлади. Олд оёқларини оғир-оғир босди. Адир адоғига тушдик. Машина адир устида имиллаб қолди. Хайрон бўлдим. Машина дегани тез юарди, буни си хийладан буён бир отдан ўтолмайди. Ё бирор ери носозмикин?

Йўлни кесиб ўтган ариққа келдик. Ариқдан лойқа оқибди. Ичи кип-қизил лой. Отнинг тиззасига келади. Тарлонни ариққа солмадим. Чамалаб, ариқдан хатлатирмоқчи бўлдим. Ниятимдан дарров қайтдим. Важи, ариқнинг ёқалариям лой. Тарлоннинг оёғи тойиб кетади.

Ариқни ёқалаб, юкориладик. Саёзроқ ер кидирдик. Машина қуйига энди. Ариқ бўйида тўхтади. Утолмаслигини билди шекилли, бизнинг изимиздан юрди. Биз торроқ ердан чўчиб ўтдик. Машина биз хатлаган ерда тўхтади. Билдимки, улар бу йўлдан биринчи марта юряпти. Уларга қамчи сопи билан юқорини кўрсатдим.

— Яна сағал юрсаларинг юқорида ёйилма бор! Ушандан машина ўтади!

Йўлимга бурилдим. Шунда, кетимдан овоз келди:

— У, шеф! Тормоз!

Овозини танимадим. Нима деяпти, тушунмадим. Ким бўлсаям бир инсон овоз беряпти, бораин, дедим. Ариқ ёқасига келдим. Машинадан тўрт одам тушди. Иккови олисроқдан чопиб келиб, ариқдан хатлаб ўтди. Тарлон ҳуркиб, кейинига тисарилди. Қарасам, иккита ёш йигит. Қолган икковиям келди. Барининг кўзида қора кўзойнаги бор. Кўзлари кўринмайди. Сочлари елкасига тушган, қулоқлари сочи остида. Қийимлари ажабтовур. Бирови-

нинг соқоли бор. Ўзи ўзимиздай ўрта ёшли одаммикин дея синчиклаб қарадим. Йўқ, ўттизлардаги йигит.

— Чакиргандай бўлдиларингизми, биродарлар?

Улар менга қараб миқ этмади. Соқолдори олдинга юрди.

— Отдан тушинг-чи, шеф!

— Айта беринглар, қулоғим қар эмас.

— Туш дегандан кейин туш!

Уларнинг сенсираши кўнглимга тегди. Туша-туша кўнглимни айтдим:

— Сенсираманг, биродар, салкам отангиз қатори-ман-а.

— Хе, сендай отам қаторининг...

Кўлимда жилов, серрайиб қолдим. Қаҳрим келди. Қамчи сопини маҳкам ушладим.

— Отингни боғлаб, бу ёкка юр!

— Нима гапингиз бор, биродар, шу ерда айта беринг.

— Юр дегандан кейин юр!

Улар ариқ ёқалаб юқорилади. Мен Тарлонни бўш кўйиб, уларнинг олдига бордим. Бировиям кўзойнагини олмади.

— Ўзи кимсизлар? Кимнинг боласи бўласизлар? Ўзларингни танитинглар-да ахир, биродарлар.

Бирови тўнғиллади:

— Ҳали танишиб кўямиз.

Улар худди ёввойи одамни томоша қилаётгандай менга тикилди. Тавба, буларнинг менда нима ниши бор экан? Эртароқ айтмайдими, кеч бўляпти.

— Ай, биродарлар, зарил гапларинг бўлса айтинглар. Бўлмаса кетайин, бола-чақа хавотир олади.

— Кетасан, кетасан, шошилма. Қайтмайдиган бўлиб кетасан.

Зардам қайнаб, кетимга бурилдим. Уларнинг бирови йўлимга ғов бўлди. Бирови бу ёғимга ўтди, яна бирови у ёғимга. Ўртада қолдим. Икковининг оралиғидан ўтмоқчи бўлдим. Унг ёнимдагиси елкамдан ушлади. Унинг кўлини уриб ташладим.

— Кўлингизни олинг, биродар.

У, иягимнинг остига ўхшатиб бир урди. Кетимга гандираклаб, ўтириб қолдим. Ногирон кўлим зирқираб оғриди. Қамчининг ўримини кўлимга ўрадим. Туриб, урган йигитнинг бўйин томирини мўлжаллаб қулочкашладим. Орқамдагиси қамчини ушлаб, зарбли тортди. Яна ўтириб қолдим. Энди қамчини тортганга қараб юрдим. Бирови кетимдан келиб, белимга тепди. Юзтубан йиқилдим. Ногирон кўлим зирқираб оғриди. Туриб ўтирдим. Тева-

ракка алангладим. Одам зоти йўк. Шаҳар ўнг ёғимдаги адир ортида қолди. Кўринмайди. Ўзимизнинг кишлоғимиз чап ёғимдаги адир ортида. Буям кўринмайди. Қерага тоғ юқорида. Қуйида Ромсовхоз. Осмон бошимда. Бари олисда. Одам овози етмайди.

Хўрлигим келди: ай ёлғизлиги қурисин-а!

Кўнглим бузилди: ай, ногиронлиги қурисин-а!

Мен уларга қўйнимдаги ногирон қўлимни чиқариб кўрсатдим. Овозим димоғимдан чикди:

— Биродарлар, Жўра бобонинг отидан йиқилганимда қўлим чиққан, мана...

Улар хахолаб кулди. Ўзаро гапиришди:

— Бу ўзи унга ким бўлади?

— Ҳеч ким!

— Ҳеч ким? Йўғ-е? Демак, бу ўзича рицарлик қилмоқчи бўлган-да?

— О, рицарь! XX аср рицари!

— Дон Кихот!

— Хо-хо-хо-хо, Дон Кихот! XX аср Дон Кихоти!

Мен шундагина уларнинг кимлигини билдим. Қўлимнинг ногиронлигини айтиб, йиғламсираганларимга мингминг пушаймон бўлдим. Бошимни эгдим. Қўлимни қўйнимга солмадим. Соғлом қўлимдайин ерга тирадим. Ногирон қўлим зиркиллаб оғриди. Ерга қараб, тишимни тишимга босдим. Юзларим ловиллаб қизиди.

Ўрнимдан кўзғолдим. Улар теварагимни ўраб келди. Бирови жағимга урди. Кетимга тисарилиб, бунисига урилдим. Буниси елкамдан суяб, бошимга урди. Гандирак-лаб, унисига бордим. Ундан нягимга едим. Бир айланиб тушдим. Зангори осмон айланди. Қоп-қора бўлди. Яна турдим. Далбанглаб бориб, бировининг бўйнига осилдим.

— Биродарлар, мен сизларга нима қилдим...

Уни жонимнинг борича кучоқладим. У ичимга кўрмушт урди. Нафасим ҳиқиллаб бўлинди. Ичимда бир нима эзилди. Қўлларим бўшашиб, унинг елкасидан сидирилиб тушдим. Оёғимда мажол қолмади. Ўзимни ерга чалқанча ташладим.

— Биродарлар, айбимни айтинг, айбимни...

Белимга бир учли нима зарбли тегди. Кейин биқинимга. Зарб ҳар текканда жоним ҳалқумимга келиб кетди.

— Биродарлар, мен ҳам одам-ку...

Шунда, Тарлон оқшомни зир титратиб кишнади. Кўзим остидан қараб зўрға кўрдим. Тарлон бўйнини гажак қилиб бизга тикилди. Кўз узмади. Қулоқлари чимирилиб, яна кишнади. Бу сафар овози узилиб-узилиб,

зорланиб-зорланиб чикди. Оқшом Тарлоннинг овозидан, Тарлоннинг овози оқшомдан мунгли бўлди.

Учли зарбнинг бири чап тиззамнинг кўзига тегди. Чинқириб юбордим. Кўзимнинг олди қоп-қора бўлди. Бошим қизиди. Тепамдагиларнинг бирови бировига айтди:

— Тепиб ўтирасанми, биқинига тикиб ол, кетдик.

— Э-э, от, от! Қоч, от келяпти!

Хушим ўзимга келиб, кўзимни очдим.

Тарлон арконини судраб, уларни қувди. Тумшуғини чўзиб, қулоқларини чимириб, зинкийди. Уларнинг бирини кўйиб, бирини қувди. Улар ариқдан ҳатлаб қочиб, машинасига кирди. Бирови Тарлондан қутулолмади. Ердан нимадир олиб, Тарлоннинг бошига урди. Тарлон бошини бир силкиб тўхтади. Унисиям ариқдан ўтди. Тарлон ҳам ўтиб, машина олдига келди. Ерни олд туёқлари билан тирнаб кишнади. Машина физиллаб жўнади. Тарлон машинанинг кетидан чопиб, яна қайтди. Ариқдан ўтиб, олдимга келди. Оёқларимга тумшуғини тегизди. Яна узиб-узиб кишнади. Юзларимни искади. Мен Тарлоннинг нафасини туйдим. Тарлон улоқ айиргандай энтикиб нафас олди. Унинг тумшуғини кўшқўллаб қучоқладим. Жағлари, пешонасини силадим. Қўлим хўл бўлди. Кўзимга олиб келиб қарасам қон. Тарлоннинг юзига синчиклаб тикилдим. Қулоқлари остидан қон оқяпти. Тарлоннинг қонли жағига юзимни кўйдим. Ўпкам тўлиб келди. Хўнграб йиғладим. Ўпкамни босайин дедим, босолмадим...

Қош қорайди. Одам одамни танимайдиган бўлди. Бир амаллаб чап ёнбош бўлдим. Ногирон қўлим билан Тарлоннинг оёғини қучоқладим. Қўлимни юқори чўздим. Тарлоннинг сағринига шапатилладим. Тарлон елкамни искади. Тиззасидан пешонамни олдим. Тарлон олд оёқларини аста-аста букди. Тиззалади. Мен чап қўлим билан эгар қошидан ушладим. Эгарга кўкрагимни бердим. Тимталаниб, эгарга бел бўлиб ётдим. Нафасимни ростладим. Қимтиниб, соғ оёғимни эгардан оширдим. Узангига солдим. Оёғим ёмон оғриди. Кўзларим тиниб, Тарлоннинг бўйнини қучоқладим. Ўзимга келиб, қаддимни ростладим. Жиловни ушладим. Шамол бошимни ялади. Шунда, бошяланглигимни билдим. Телпагим ерда қолибди. Тушайин десам, яна минишимни ўйладим. Телпагимга қўл силтаб, жиловни силкидим. Тарлон катта йўлга юрди. Йўлда жиловни тортдим. Белбоғимни ечиб, юзимни артдим. Бошимни танғиб боғладим.

Йўл четидан юрдик. Қоронғи бор бўлганича тушди. Адирлар қоп-қора соядай бўлди. Эгарда чайкалиб, кўнг-

лим шу тундай зим-зиё бўлиб, ўксиб-ўксиб бордим...

Тарлон-ай, нима кунларга қолдик? Тушда бўляптими, ўнгдами? Сен фаркласанг мен фарклай олмай қолдим, Тарлон. Ҳалигилар қандай жонзот эди, Тарлон? Оёқлари икков, кийимлариям бор. Син-симбати одамга келбат беради. Одамга менгазоб гапиради, кулади. Билмадим, Тарлон, билмадим, сен билмасанг мен билмадим. Мен сени биламан, Тарлон. Улар менга бегона...

Аё Тарлон, сен менинг укамсан. Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан. Сен менинг укамсан, Тарлон. Ўзиям менга ўхшайсан. Ука акасига ўхшайди-да. Тарлон укам-ов, энди нима қиламиз? Энди бола-чақага бориб нима деймиз? Эл сўраса-чи? Раҳмонга-чи?

Аё Тарлон, сен менинг жиянимсан. Бўлди, мен энди уларни жияним демайман. Менинг жияним сенсан. Сен менга тортдинг. Жиян тоғасига тортмаса кимга тортади? Тарлон жияним-ов, ё йўлда йиқилдик, деймизми? Кўзларинг бор эди-ку, десалар-чи? Ариқ лой экан, тойиб кетдик, деймиз. Бинойими, Тарлон жияним? Бўлмаса элга эрмак, халққа шалоқ бўламиз...

Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Бўлди, мен энди уларни акам демайман. Менинг акам сенсан. Ука деса дегулик мендаин уканг бор, ака деса дегулик сендаин акам бор, нима ғамим бор?

Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан. Бўлди, мен энди уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан...

Аё Тарлон, сен менинг киёматлик биродаримсан, киёматлик биродарим...



ОЙДИНДА ЮРГАН ОДАМЛАР

I

— Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол, қаердандир одам овози келяпти.

Сайрак адирда ёнбошлаб ётган бобомиз, момомизга шундай дедилар, Оғзини анграйганнамо очиб, ўнг қулоғини еллар елаётган тарафга тутдилар. Овозни аниқ эшита бермагач, ўнг кафтини қулоғи сиртига тутиб, елпана қилдилар. Нафас олмай, бор вужудларини бериб қулоқ соддилар. Шунда ҳам ҳеч нимани эшитмадилар. Чуқур тин олиб, ойдинга тикилдилар.

— Манови ёқдан шекилли. Момоси, вақтинг хушми? Эсон-омон юрибсанми? Тўрт мучалинг бутми...

* * *

Совчилар қадами қизлик эшикка шараф.

Улар Эсон тракторчиникига оқшом вақти келишди. Уй бекаси дастурхон ёйди, хўжаси мезбонлик қилди:

— Келинглар, хуш кўрдик.

— Хушвақт бўл, Эсон тракторчи, хушвақт бўл. Шу уйда катта-катта тўйлар бўлсин.

— Айтганингиз келсин.

Паловдан кейин тарвуз сўйилди. Совчилар одатлари бўйича у ёк-бу ёқдан гапиришиб ўтирди. Омочдан трактордан гап очди.

— Қишлоқка трактор олиб келинганигаям бир-икки ой бўп қолди-я, Эсон? Қалай, ўнги чапини билиб қолдингми?

— Эса-чи. Термизда тўрт ой тракторчиликка ўқидим-а, тўрт ой! Айтишга осон, бунинг учун калла керак, калла!

— Омоч...

— Э-э, мингта омочингиз битта тракторнинг олдидан ўтаверсин.

— Айтгандай, эрталаб ҳовуз бўйида катта йиғин бўлганмиш, Эсон тракторчи ўртага чиқиб гапирган эмиш, дейдими, тинчликми?

— Ха, дохиймиз Ленинни бериб қўйганимизгаям ўн йил бўп қолди. Дохийни хотирлаб йиғин ўтказдик.

Совчилар мақсадга ўтди:

— Синглингнинг бошига бахт қуши қўниб турибди, тракторчи, учириб юбормасанг бўлгани.

— Ким экан у?

Қишлоқда бир бўз бола бор. Ўрта бўй, кенг елкали, пишиқ танали. Кулча юз, сийрак кош, қўй кўзди. Қоматини ғоз тутиб юради. Жойида тик турганида қўлларини кўкрагига қовуштириб ё белига тираб бир нуктага тикилади. Қаерга, нимага тикилаётганини билмаймиз. Ҳатто ўзиям билмайди.

Уни илк бор кўрганимизда бу бола ё қаттиқ қайғуда, ё бир нимани ўйлаб ўйига етолмаяпти, деймиз. Юриштуришини кўриб кеккайган, ўзидан бошқани оёғи билан кўрсатади деб ўйлаймиз. Шоху бутоғинг бормидики, мунча кериласан, деймиз ўзимизча.

У табиати ёқтирган одамлар билан чин дилдан гаплашади. Очилиб гурунглашади. Кўнглига ўтирмайдиганлар билан саломлашгисиям келмайди. Бундан айримларимиз, у бизни назарга илмайди, деган хулосага келамиз. Оқибат, бировимиз уни хуш кўрамиз, бировимиз нохуш.

У ўзини бизга қалбан яқин тутлади. Ҳамиша хайрихо, ҳамдарад бўлади. Бир қориндан талашиб чиққандай бўлгиси келади. Бизга содик меҳр кўяди. Борди-ю, бирон ёмонлигимизни кўрса бўлди — қўлини ювиб қўлтиққа уради. Биз билан иложи бўлса саломлашмаслик пайида бўлади. Лекин биздан қайтганини ўзимизгаям, бировгаям айтмайди. Қовоқ-тумшук қилиб, ичимдан топ деб юраверади.

У одамови. Бизга кўринмасликка, юзма-юз бўлмасликка интилади. Салом берсак олислардан кўзини узмайди, киприklarиниям пирпиратмайди. Шу аллозда бош ирғаб алик олади. Биз у тикилаётган тарафга қараймиз. Зангори уфқ. Ҳатто булут йўқ. Ҳайрон бўламиз.

У бизни ҳайрон қолдириб-қолдириб яшайди!

Бир нимани сўрасак ҳа ё йўқ, деб қўя қолади. Энсамиз қотиб, қўл силтаймиз. Қўлига сув берамиз. Сувни гўё биринчи кўраётгандай тикилиб, ўзича бош ирғайди. Бу — миннатдорчилиги. Биз нолиб, сен ҳам одамга ўхшаб бирор нима де, деймиз. Нима дейин, дейди. Ҳеч бўлмаса барака топинг, де, деймиз. У тиззаларини кучоклаб олисларга — Боботоғ чўққиларига ўйчан тикилиб минғир-

лайди: «Чин гаңлар кўнгилда бўлади. Тилга чикса ёлғон бўлади-колади».

У ёлғиз бир ашулани — «Куйгай»ни ашула ўрнида кўради. «Куйгай» куйланганда сўзлашган, йўталган одамни кўргани кўзи йўк. Айниқса илжайган одамни. У «Куйгай»ни кўз юмиб, бош эгиб эшитади.

У... кўшиқ айтади. Адирга ўтга боради. Ўтни ўриб боғлаб, теваракка аланглайди. Ёлғиз ўзи. Хотиржам бўлиб, ўтни болиш қилади. Қўлларини боши остига чалиштиради. Олис-олисларга — пахта хирмонимисол оппоқ булутларга, ҳаволанаётган чумчуқлар галасига термилиб... димоғида кўшиқ айтади. Бора-бора лаблариям қимирлайди: «Ла-а, лал-ла-а, лам...»

Совчи ана шу бўзболадан!

— Қоплонми? Э-э, унга бўлмайди! — Эсон тракторчи чўрт кесиб, кўл силтади.

— Оғир бўл, сомондай оғир бўл.

— Оғир бўлсам-бўлмасам унингиз одамга ўхшамайди. На саломни биледи, на алиқни.

Совчилар санъатларини ишга солди:

— Раҳматлик отаси яхши одам эди-а, Мардонқул? Кўп мард, танти эди. Бу отасига тортмабди.

— Нимага ундай дейсиз? Қуйиб қўйгандай отасининг ўзи.

Совчилар бири қўйиб бири Эсоннинг отасини мактай кетди. Гапнинг охирини ана шундай отадан қолган ана шундай ўғилга олиб келиб улади:

— Ия, сиз Эсон инимизни ким деб ўйлаяпсиз? Қишлоққа биринчи бўлиб тириллатиб трактор миниб келган ким? Эсон тракторчи! Ўртоқ Ленинни хотирлаб маъруза қилган ким? Эсон тракторчи! Инимизни чакана одам деб ўйламаңг!

Эсон тракторчи охири ён берди:

— Мен бир нима деёлмайман, совчи ака. Оғайни-жамоа бор, киз боққан янғаси бор. Яна бир келинлар, маслаҳатлашиб кўрайлик.

Ота-онасининг сўнгги зурриёти бўлмиш киз беш яшарлигида сағир қолди. Акасининг қўлига, янғасининг қовоқ-тумшуғига қараб кун кўрди. Янғасининг қовоғи уюқ бўлса нафас ютиб, жиянининг бешигини тебратди. Ишимни кўриб янгамнинг қовоғи очилар деб ўйлади. Бешиқ тебратаётганимни кўрса уришмайди, деган умидга борди.

Қорни очса миқ этмай, янғасининг дастурхон ёзишини пойлади. Шундагина дастурхонга қўшилди. Янғасига қа-

раб-караб дастурхонга қўл чўзди. Янгамга яхши кўри-
найин деб ўзидай-ўзидай сатилларда сув ташиди. Тўғри,
акаси ҳам, янгаси ҳам уни ўз боласидан кам кўрмади.
Шундай бўлса-да, у ўзининг бегона эканини, хонадонда
жиянлари билан ўзи орасида катта фарқ борлигини
ич-ичидан ҳис этиб яшади.

У ғамгин, мунис бўлиб ўсди. Зийрак ҳам сертамиз,
хаётдаги майда гап, қилиқларниям тез илғаб, кўнглига
оладиган бўлди. Зарра бошидан ҳаётга, одамларга катта-
ларнинг кўзи билан қаради. Таъсирчан қиз бўлди.

Бари сағирликнинг иши!

У бир қиз бўлди, бир қиз бўлди-е! Сарвақад. Сулув
юзларини оппоқ десак бизнинг ҳақимиз кетади. Қорача-
дан келган десак унинг. Буғдойранг, саратон юлдузли,
паришон зулфли. Ҳрим-ҳрим сочлари бировга талпинади.
Бўлмаса нимага бунча тақимига уриб тўлғонгани тўлғон-
ган? Қоп-қора холи ингичка лаблари бурчида бўлмас-
миди? Иягидаги чуқурчаси ўртасида бўлмасдими? Келиб-
келиб ўнг ёноғининг қоқ учидаям бўладими!

Акаси хўп бинойи гапни айтди. Бундай қиз тақдирини
қариндош-уруғлар жамлигида ҳал этмоқ маъқул.

Икки кун ўтиб, совчилар яна келди.

Қариндошларнинг бири у деди, бири бу деди. Айрим-
лари аразлаб кетди. Бари ўз гапини маъқуллаштириш пайида
бўлди. Акаси уларнинг кўнглидан ўтолмай, барига бирдай
бўлиб ўтираберди.

Гапнинг бўлари қизда қолди.

Янгаси қайнсинглимининг кўнглига қўл солайин дея
ошхонага йўл олди.

Кенжа жиянига қатиқ ялатиб ўтирган Оймомо, янга-
сини кўриб ўзига қараган бўлди — елкасига сирғаниб
тушган ироқи рўмолини ёпинди. Кўйлагининг юқорига
йиғилиб қолган барини тортиб, тиззаларини ёпди. Жияни
қулочини очиб онасига талпинди. Янга кенжасини бағри-
га олди. Қайнсинглисига тикилиб, мийиғида кулди:

— Сен нима дейсан?

— Нимани нима дейман?

— Талмовсирама. Бирор нима де. Совчи кепти.

— Кимга?

— Менга бўлармиди, сенга-да.

— Эбей, мен сизга нима қилдим? Боринг-е!

Оймомо терс ўгирилди. Косов билан қозон остидаги
оловни қовлади.

Кенжа онасининг ёқасини таталади:

— Эна, мамма, мамма бер.

Янга ўғлига кўкрак берди.

— Уялсанг-уялмасанг бу ҳамманинг бошида бор. Биз ҳам сендайин уялиб эдик. Мана оқибати — жиянинг шўрпиллатиб эмиб ўтирибди.

— Эрга тегаман деб ўлиб ўтирганим йўқ.

Янгаси орқага чалқайиб кулди. Кўкраги кенжасининг оғзидан чиқиб кетди.

— Мен сени ўлиб ўтиргандир, деб ўйлабман. Менга қара, бугун, бугун бўлмаса эртага барибир келин бўласан.

Кенжа мимит кўлларини чўзабериб онасининг кўкрагини яна оғзига солди.

— Жойи чиқиб турибди, хўп деябер. Қоплон икки елкасига уй тикса бўладиган йигит.

— Мен ундай одамни танитайман. Керак эмас.

— Энди танийсан. Менинг айтганимдан қолма.

Сукут. Оймомо чўққа тикилган кўйи ўтираберди. Чўғ Оймомонинг юзларидан, Оймомонинг юзлари чўғдан қолишмади. Янгаси кенжасини Оймомога берди.

— Бўлди, сукут — аломати ризо.

Янгаси бориб, Оймомонинг сукутини баён этди. Совчилар дастурхонга ўраб келган нонини ўртага кўйди. Қалин айтиш бошланди.

— Хў-ўп...

— Элга қараб айтинг-да.

— Хў-п...

— Бўлди-е, ҳеч ким қиз узатиб бойнган эмас.

— Икки ёш кўша қариса бўлди-да.

— Энди яна бир гап. Тунов куни колхоз идорасида комсомол тўйлари, ЗАГС деган гаплар чиқиб колди. Тўйни янгича қиламиз. Чунки кимсан, Эсон тракторчиман, ҳа! Маъкулми? Қани, унда нонни сяндириг.

* * *

Куёв тарафдан тўй келди. Кўй, зиғирмой, гуруч, майиз...

Келин-куёвлик даври бошланди. Куёв келиннинг қариндош-уруғларини кўрганда ҳурмат юзасидан ерга қараб ўтди. Уларнинг кўзларига тик қарамади, давраларда бирга ўтирмади.

Бир оқшом Қоплон келиннинг акаси бир ёққа кетганини билди. Ошналари билан қоронғида қайлиғиникига бориб, деразани чертди. Янгаси қаради. Улар, куёв

қайлиғи билан гаплашмоқчилигини айтди. Янгаси, гаплашгиси келган бўлса тўй қилсин деб, йўл бермади.

* * *

Тўй ёз оқшоми бўладиган бўлди.

Эсон тракторчи раиснинг хузурига бориб, мақсадини айтди:

— Янгича тўй қилсам деган эдим, раис бова, йўл-йўриқ берсангиз.

— Қанийди, ука, Совет ҳукуматининг келганигаям ўн йил бўляпти. Янгича тўйларни турмушга тезроқ жорий этишимиз керак. Лекин янгичасини ҳали яхши билмаймиз-да.

— Унда нима қиламиз?

— Янгичасини яхшилаб ўргангунимизча ҳали-ҳозир ўзимизнинг эскичамиз бўп тура қолсин.

Эсон тракторчи раисни тўйга айтиб кетди.

Тўйга айта-айт. Қизлар келин тарафга, йигитлар куёв тарафга айтди.

Тўйхона тўла тўйловчи!

Кўчада болалар шовқин солди:

— Тобоқ келди, келинникидан тобоқ келди!

Дарвозада елкалари, бошларида дастурхон кўтарган аёллар пайдо бўлди. Улар келинникидан ўнта тобоқ олиб келди. Тобоқларнинг бирида палов, бирида қовурма гўшт, бирида қайнатилган тухум, яна бирида ширгуруч...

Тобоқлар даврага қўйилди. Тўйловчилар кўнгиллари тортганидан еди.

Тилаклар эзгу бўлди:

— Тўйники тўйда қайтсин...

Куёвжўралар келинникига йўл олиб, ўзларига ажратилган уйга қўнди.

Ҳовлининг у юзидаги уйда келин бор. Қизалоклар деразадан мўралаб, келинни томоша қилади. Қизлар гуж бўлиб ўтириб, бири ҳавас, бири ачиниш билан келинга боқади. Келиннинг ихтиёри қизларда. Маъюс нигоҳлари кигиз гулида. Биров бармоқларини тупуклаб, келиннинг зулфларини бот-бот бурайди. Зулфлар гажакдан гажак. Яна биров тўнтарилган пиёла орқасига ўсма эзиб, келинга ўсма қўяди.

Онаси куёвнинг елкасига бекасам ташлади. Ҳамиша

бирикиб юрсин, ажралиб кетмасин, деб бекасам елкасидан ип ўтказди. Ипнинг учини тугмади. Ҳамиша буғдойдай сероб, бола-чақали бўлиб юрсин дея, куёвнинг боши узра бир ховуч буғдой сепди.

Куёв ошналари қуршовида чимилдикка йўл олди. Оёғида пошнаси баланд, ғарчиллоқ этик. Елкасида бекасам, белида шойи белбоғ, бошида қўқонча дўппи.

Чимилдикли уй тўла аёл. Куёв аёллар орасидаги тор йўлдан юрди. Чимилдикка кириб тик турди. Елғиз турмасин деб ошналаридан бири ёнида йўлдош бўлди.

Пойандозни бир-бир босиб келин келди. Устида бекасам камзул, атлас кўйлак. Оёқларида кавуш, юзларида оппоқ ҳарир.

Уйни олқор, кийик ўт, ялпиз ҳиди босди. Улар қизларнинг кулоқлари, кўкракларида.

Қизлар келинга, йигитлар куёвга бўлишди:

— Кўзингга қара.

Эмишки, ё куёв, ё келин эпчиллик қилиб, бировининг оёғини босади. Биринчи бўлиб босгани рўзғорда умр бўйи ўктам бўлади.

Келин, куёвнинг оёғидан кўз узмай чап ёнига қараб юрди. Келин бирдан чап оёғи билан куёвнинг ўнг оёғини босмоқчи бўлди. Куёв эпчиллик билан оёғини тортиб олди. Келиннинг оёғи кўрпачани босди. Куёв чаққонлик қилиб келиннинг оёғини босди.

Йигитлар ғолибона қаҳ-қаҳ урди:

— Куёв босди, куёв ўктам!

Келин-куёв ёнма-ён тик турди. Йигитлар уларнинг пойида давра курди. Йигитлар қизларга ҳазил-мутойиба гаплар отди. Кўнгиллар кўнгилларни, кўзлар кўзларни излади, топди. Кўнгиллар яйради, кўзлар ўйнади. Сирли, ўғринча кўз уриштиришлар бўлди. Бировларнинг юраги ўйнаб кетди. Бировлар бир-бирига тикилиб, мийғида кулди. Биров асир бўлди, биров ғолиб. Қайси бир юракнинг кўҳна дарди янгиланди, қайси бирида шу дақиқадан бошланди.

Тўй охирлади. Ит ғириллатар, кампир ўлди, соч сийпатар, қўл ушлатар, ойна кўрсатарлар бўлди.

Ойна кўрсатари қизиқ. Қайвони аёл келин-куёвга ойна тутди. Улар юзларини ойнадан олиб қочди. Келин қараса куёв қарамади, куёв қараса келин. Қайвони аёл келин-куёвнинг бошини ёнма-ён ушлаб ойнага қаратди. Гапирмаганларигаям қўймади. Куёв келиннинг акси билан, келин куёвнинг акси билан пичирлаб гапиришди:

— Бизни вояга етказган ота-онамизга минг раҳматлар бўлсин.

— Акамиз, янгамизга ундан ҳам кўп.

— Ўла-ўлгунимизча бир-биримизга содик қолайлик.

— Ундан кейин ҳам.

— Ўғил-қизларимиз...

— Бир этак бўлсин.

Чимилдик тушди. Келин-куёв чимилдик ичида қолди. Икки момо биринчи тунда келин-куёвни кўриқлаб, чимилдик сиртида ётди. Улар урчук йигириб, ўзларининг келинлик даврларидан гапириб ўтирди.

Куёв қайлиғининг қошига борди. Келин чимилдик тарафга ҳадиксираб караб, куёвга тикилди. Бу тикилиш шундай деяр эди:

«Холисрокка ўтиринг, момолардан уят».

Куёв ўтираберди. Қайлиғига ўпка-гина билан термилди:

«Ҳа, дейиш шунчалар мушқулми? Ошноларим саргайиб сомон бўлибди».

Келиннинг мийиғида табассум:

«Дарров ҳа, деганимда эшитганлар, келин ўлиб турган экан, дерди-да».

«Чин. Мен дарров ҳа, деб юборибман. Миқ этмай ўтираберсам бўлар экан».

«Индамай турабериш куёвлар эмас, келинлар расми. Аслида-ку, биринчи сўровдаёқ ҳа дегимиз бор...»

Момолар чимилдикдаги жимжитликдан алағда бўлди. Бирови чимилдик бурчидан мўраллади:

— Ораларинг мунча олис? Ё биздан уяляпсизларми? Уялманглар, бари биздан қолган гаплар...

Момолар бири кўйиб бири ўз келинлик оламидан хўп ўхшатиб гапираркетди. Келин пиқирлаб кулди. Кулгини эшитган момолар енгил тортиб, хайрият-е, деди.

Куёв тонг ёришмаёқ чимилдикни тарк этди.

* * *

Қоронғи бўлиб, одам одамни танимай қолганда ошналари куёвни келинникига кузатиб келди. Чимилдикли уйда давра қуриб, зиғир мойли паловни урдилар-у, кетдилар.

Куёв ёлғиз қолганда қайлиғи келди. Дераза пардаларини текислади. Токчадаги шамни ёқиб, чирокни ўчирди.

Шамни кўтариб чимилдикка кирди. Куёв шам изидан келди. Лўлаболишга ёнбошлаб, шамга тикилди. Қайлиғи рўмоли учи ҳадеб кўксига тушабергач, елкасига қайириб ташлади. Уям тўлғониб ёнаётган шамга термилиб қолди...

«... Тоғлар кулранг, қирлар кулранг, арчалар кўм-кўк. Адирлар ўркач-ўркач, ёнғоқлар азим-азим, това тошлар улкан-улкан. Бир қиз елкасида кўза кўтариб, булоққа келяпти. Ана, кўзасини ерга қўйди. Булоқ сувларида юзини ювди. Сувда бир отликни кўрди. Рўмоли билан юзини яшириб, ҳаёланди.

— Кўзларингни яширма, Оймомо.

— Кетинг, кетинг, одамлар кўради.

— Булоқ сувларидан ичайин деб келдим.

Бўз бола отдан тушди. Бир қўлида жилов. Ҳовучлаб сув ичди, бир ҳовучини қизга сепиб юборди. Оти ҳуркдй. Қиз юзларини артди.

— Ичган бўлсангиз энди кетинг.

— Кўзларингни бир кўрай деб келдим.

— Кўришга менинг кўзларимдан ўзгаям кўзлар кўп.

— Йўк, ҳар кимнинг ўз кўзлари бўлади, сенинг кўзларинг — меники. Майли, энди келмайман.

— Кўзларни деб келмасангиз ҳам, булоқ суви ичгани келинг...»

Улар хаёлларини бир-бирларидан яширди. Айни вақтда бир-бирларининг нималарни хаёл сураётганини билмоқчи бўлди.

— Гапир.

— Ўзи гапирсин.

— Сен гапир.

— Ўзи гапирсин-да.

— Нимани?

— Ўзимизнинг оқшомларни, қирдаги буғдой ўримини.

— Сен гапир, қирдан қайтганимизда зардолилар остида тўхтаб, сенга зардоли териб берганимни.

— Ўзи гапирсин, қўллари зардоли шохларида бўлсаям, кўзлари менда эканини.

— Сен гапир, шамолда рўмолинг учиб кетгани, мен ушлаб келганимни.

— Ўзи гапирсин, рўмолга узатган билагимдан маҳкам ушлаганини, йиғлайман десам-да, қўйиб юбормаганини.

Сукунат. Улар хаёлан кўрди: зардолилар остига тапиллаб тушди. Қўршапалаклар учди. Эшитдилар: ёз чигирткалари чириллади.

— Йўк, сен гапир, қўлларингни ушлаганимни уялмай-нетмай янгангга айтганингни.

— Ўзи гапирсин-да, айтдим деб алдаган бўлсам-да, янгамдан уялиб кўзларига кўринмай юрганини.

— Э, айтмаганинг чинми?

— Чин.

— Мен янгангга рўпарў бўлмай юрибман, юзларига қандай қарайман, деб.

— Билса, ҳалиям айтганим йўк.

Куёв завқланди. Шифтга тикилди. Кўзларини юмиб, сукутга кетди.

Жимжитлик қайлиғининг кўнглига таҳлика солди. Хаёли бир ёқларга кетди.

— Нималарни ўйлаяпти?

— Ўзимизнинг оқшомларни.

— Зубайдани-чи?

Қайлиғи куёвининг жон жойидан ушлади. Куёвининг хаёли учди-кетди.

— Сен ундай ўйларга борма. Қараганим чин. Мен сенга айтсам, қарайдиган вақтлар эди. Кимга қараган бўлсам, сени излаб қараганман.

— Шу чиними?

— Чиним.

Қайлиғи ийиб кетиб, дилдорлик берди:

— Унда, мен сизга тан бердим...

* * *

Куёв-қайлиқлар тонги тез отди.

Куёв катта кўча бўйлаб юрди. Кўзларига жамики олам — уйлар, деворлар, дарахтлар, қушлар оппоқ бўлиб кўринди. Пойидаги йўл оппоқ чойшабдай. Кўча ёқалаб оқаётган сув оппоқ. Шовиллашлариям оппоқ.

Тонг етилди. Юлдузлар сўниб-сўниб, Зухро ёлғиз қолди.

Куёв қулочини катта очиб тонгни бағрига босди. Тонг бепоён осмони, қорга беланган тоғлари, паришон адирлари, сарвқомат тераклари билан қўйнига кирди. Кафтларини очиб, ҳавода тўзғиган тонг сочлари — елларни силади. Тонгни ўпиб-ўпиб олди.

Ариқ ёқалаб чопди. Йўл четидаги йўғон тут танасини қучоқлади. Бармоқларини ботириб, тананинг шохчаларини — сочларини таради.

Яна чопиб кетди. Рўпарадан биров келяпти. Одамзотни

энди кўраётгандай синчиклаб қаради. Энг ёмон кўрадиган одами Ҳасан овчи. Кўзига овчи яхши бўлиб кўринди. Оламда ёмон йўк, ҳамма яхши. Умрида биринчи бор Ҳасан овчига салом берди. Ҳамишагидай салом кутмай кетаётган овчи хийла ўтиб тўхтади. Ҳайрон бўлиб алик олди. Изига қараб-қараб кетди.

Бир аёл келаберди. Аёл олисда бўлса-да, куёвнинг юзлари ловиллаб қизиди. Энди аёл зотининг юзига қандай қарайди?

Йўлини чап солди. Ошнаси Абдурахмоннинг уйига борди. Улар хали уйқуда экан. Меҳмонхонага кириб, ўзини тайёр тўшакка ташлади. Чалқанча ётиб кулочини ёйди. Шифтга қараб илжайиб ётабериб, кўзи илинди.

* * *

Болалар шувиллак чалабериб, сибзик чалабериб кулоқларни битирди. Қизлар улкан тут остида гуж бўлди. Сардор киз жиккакрок болага бир ўрам аркон берди.

— Мен чиқолмайман, Чорига беринг,— деди бола.

Чори арконни белига боғлади. Яланг оёк бўлиб, танаси кучокка сиғмайдиган улкан тутга тирмашиб чиқди.

— Қайси шохга ташлайин? — пастдагилардан сўради Чори.

— Хув манави букри шохга,— жавоб берди сардор киз.

Чори шу шохга чиқиб борди. Белидаги арконни шохга ташлади. Ёрга аркондан осилиб тушди. Масофа камида ўн беш кулоч.

Пастда кафтини пешонасига қўйиб қараётган кизлар кўркиб, ичини тортди. Сардор киз Чорининг елкасига бир муштлади.

— Ул-а! Юрагимни ёрдинг-ку!

Чори ер сапчиб, ҳиринглаб кулди.

— Урманг, бўлмаса Нурали акамга айтаман.

— Нуралинг ким?

— Сизни аччиқ зардоли остида кучоклаб ўпадиган-чи!

— Учир-е, кўргилингинг кўп бўлгур!

Қизлар гурр кулди.

Сардор Чорини қувиб юбориб, арконнинг икки учини маҳкам тугди.

Биров ҳалинчакка ўтирди. Сардор уни у ёқдан-бу ёққа олиб бориб, олиб келди. Зарб билан қўйиб юборди. Қиз ҳалинчакнинг учишига қараб гоҳ ўтириб, гоҳ туриб суръатини оширди. Олланди, солланди.

Теварақдаги томларда ҳолва еб ўтирган бўз болалар қизларнинг ҳалинчак учишини томоша этди.

Ҳалинчакка Оймомо чикди. Оттуёқ рўмолини бўйнига ўраб, солланиб-солланиб бир учди, бир учди-е! Гир айланиб кетайин деди. Ҳалинчак юқоридан пастлаётганда ўтирди. Ўнг тарафга кўтарилиб борди. Тўхтаб қолгандай бўлди. Яна турди. Зарб билан солланиб чап тарафга кўтарилди. Ҳалинчак бериги учдан нариги учга кўтарилганда томошагўйларнинг дўпписи тушиб кетайин деди. Қизлар бош либосларига қўлини қўйиб қаради.

Қоплоннинг юраги таҳликага тушиб ё пирим-эй, ё пирим-эй, деди. Ҳалинчакнинг суръати пасаймагунча юрагини ҳовучлаб ўтирди. Ҳалинчак секинлади. Пастлаб келганда Оймомо ўзини ерга ташлади. Чопиб бориб, бир қизни кучоқлаб олди.

Қоплон енгил тин олиб, оғзидаги ҳолвасини чайнади.

Оқшом қайлик ўйинига борганида қойиллигини яширмади:

— Юрагингга балли-е, айрипландайин учдинг-а. Сенга қараб ўтириб, менинг бошим айланиб кетди.

— Учиб қолайин. Яна бир-икки ойдан кейин учиш қаёқда!

— Нимага ундай дейсан?

Қайлиғи жавоб ўрнига унинг бармоқларини ушлади. Қуёв бунинг маъносини англади. Ўзича ҳа-а, дея кулимсиди. Қайлиғининг бошини кўкрагига босди. Сочларини силади.

— Отини нима қўямиз?

— Барчиной.

— Сен ҳали...

— Қиз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.

— Йўқ, ўғил бўлсин. Отини ҳам ўйлаб қўйибман. Хушвакт!

— Сўнг?

— Сўнг уни катта қиламиз. Уйлантириб, невара-чевара кўрамиз. Мен бобо бўламан, сен момо бўласан.

Қайлиғи завқланиб кулди:

— Мен бу кишини боваси деб чақираман.

— Мен сени момоси деб.

— Боваси!

— Момоси!

Хушвакт йўлида энтикиб-энтикиб, тонгни оқладилар.

* * *

Тандир тўла нонлар ёпйди. Келиннинг бисотлари, юк-ёплари отларга ортилди. Ой тўйхона устида ҳаволанганда супа олдида бир саман ҳозир бўлди. Ҳамсояси от жиловини ушлаб турди. Янгаси оёғидан олиб юборди. Келин отга минди.

Келинга бир бегуноҳ бола мингашиб боради. Бу шараф талаш бўлди. Қариндошларидан беш-олти бола мен мингашаман, мен мингашаман, дея туриб олди. Қассоб акасининг ўғли мингашди. Ўзга болалар йиғлаб қолди.

Оғайни-жамоа ҳовли юзига чиқиб, ёппасига оқ фотиҳа берди. Отни келиннинг ўнг тараф ҳамсояси етаклади.

Ен кўшнинг — жон кўшнинг.

От остонадан ҳатлади. Келин узатилди.

У йиғи бошлади. Бунини ўз уйини тарк этаётганидан, қариндош-уруғларидан олислаб кетаётганидан десак-да бўлади. Акаси, янгаси, жиянларининг кўнгли учун десак-да бўлади. Е акам билан янгам биздан қутулишга зорманда экан, демасин деган андишадами? Шундай десак-да бўлади. Е куёвиникига бораётгани қувончи, хушвақтигиданми? Айниқса, шундай десак бўлади!

Белидан жияни маҳкам кучоқлаб олган келин эшитилар-эшитилмас йиғлаб борди:

— Увв...

Саман териб қадамлади: тик-тик-тик... Ҳовлиларда итлар ҳурди. Чап тарафдаги чорбоғдан ловия қовуннинг иси келди. Одамлар чорбоғ тарафга қараб, тўйиб нафас олди.

Кўприкка яқинлашганларида шарпалар кўринди. Яқин борсалар, кўприкда икки йигит таёқ тутиб турибди. Таёқни олмасалар кўприкдан ўтиб бўлмайди. Йигитлар келиндан талаб қилди:

— Куёв... Беринглар!

Келин тараф сукут сақлади. Йигитлар ўз сўзида турди:

— Унда, йўл йўк.

От етакловчи кўйнидан келин тиккан рўмоллардан чиқариб, йигитларга бировдан берди. Таёқ олиниб, йўл очилди.

Куёвнинг уйига етиб келдилар. Биринчи бўлиб хабар топган болалар келинга пешвоз чиқиб:

— Яшасин, келин келди! — дея кийкирди.

Дарвоза олдида гулхан ёқилди. Келинни гулхандан уч марта айлантирдилар.

Оқлик учун, ҳамиша оқ кўнгил бўлиб юришлари учун келин-кудаларнинг юзига ун сепдилар. Юзини рўмоли билан яширган яширди, яширолмаган унга беланди.

Саман қора ўтов олдида оёқ илди.

Куйв келинни отдан туширмоқчи бўлиб, кулочини очди. Келин унинг қўлини суриб, ўзича рад қилган бўлди.

Келин барибир шу кучоққа тушди.

Қариндошлари, дугоналари келиннинг гирдини олиб турди. Қишлоқнинг кайвони момоси келинни рўмоли бурчидан ушлаб эшикка етаклади. Келиннинг бошини остонага эгди:

— Мана шу остонага би-и-ир таъзим!

Келин остонага ўхшатиб таъзим қилди. Яна бир эгилиб, остонани тавоф қилди.

Кайвони момо келинни таъзимлатиб-таъзимлатиб ичкарилаб бораберди:

— Бизни яратган Одам Отамизга бир таъзим! Бизни бино этган Момо Ҳавомизга бир таъзим! Ҳа, бўйингдан момонг айлансин. Қани, юра бер.

Келин чимилдикда тик турди.

Чимилдик боғида келиннинг ўн саккиз хил кийими терилган. Деворларга ойнахалталар, чойхалталар, зардеворлар, сўзаналар осилди. Сўзаналарда «Хуш келибсиз» деган каштали сўзлар. Бир сўзанада атиргул, бирида қизил олма разми. Яна бирида қизил гул тишлаб парвозланаётган қаптар.

Кайвони момо келинни тўйловчиларга салом бердирди:

Сойдан хўкиз сувлатган,
Дўмбирасини куйлатган,
Уғилларини уйлатган —
Қайнотамга салом!

Осмондаги юлдуздай,
Қоши қора кундуздай,
Дили ойдни кундуздай —
Қайнонамга салом!

Байтлар кайвонидан, таъзимлар келиндан бўла берди:

Қозонларнинг қопқоғи,
Аёлларнинг оппоғи,
Мисли олма ёноғи —
Гулсун опамга салом!

Ғижим рўмол ўраган,
Бурилиб ойга қараган,
Сочин силлик тараган —
Санам холамга салом!

Боғда узум ғўраси,
Қуёвбекнинг жўраси,
Норғулойднинг тўраси —
Баҳром акамга салом!

— Қайвони момо, ҳамсоясин Сувон дароз, мен қолиб кетдим, деб ўпкалаяпти.

— Унда, эшитсин:

Тегирмоннинг новидай,
Адрас тўннинг боғидай,—
Дароз акамга салом!

Норбой чўпон ўрнидан туриб кетди:

— Ай, момо, нимага келин менга салом бермайди?

— Салом берганим бўлсин. Эшитинг:

Қопга тикқан похолдай,
Индан чиққан шоқолдай,
Чўпон акамга салом!

Бўлди кулги.

— Ҳай уккағарнинг момоси-ё, бекор ўпкалабман-а!

Қуёвни чақириб, униям чимилдикқа солдилар. Чимилдик туширилди.

Келин азонда аёллар ҳамроҳлигида эшикни, тўйнуқни очди. Шу хонадонга содик бўлиш рамзида итнинг ялоғига овқат қўйди. Идиш-товоқларга кўз солди. Пориллаб ёнаётган оловга мой томизди. Бу — бахтли бўлиш рамзи.

Невара-чеварали бўлиб юраيين деб қўлига гўдак олди.

Палов сузилди. Ҳамма палов еди. Келин қўл узатмади. «Келин ош емади» бўлди. Қуёвнинг тоғаси келин ош ейиши учун бир кийимлик саккизтепки атлас, аммаси қўқонча шойи айтди.

— Айтадиганлар оғзига қараб айтсин,— деди қайвони момо.

Дарҳақиқат, айтганлар айтганини чақирикда келинга кийгизадилар. Охирини эшик олдида серрайиб турган қайнонаси айтди:

— Мана шу уй-жой турган-туриши билан сеники.

— Ана бўлмаса! — деди қайвони момо.

Келин паловга кўл узатди.

Юзочар бўлди. Келиннинг юзини очиш бегуноҳ норасиданинг иши. Шу боисдан момолар куёвнинг тўрт-беш ёшлардаги укасини гижгижлади. Бола янгасининг юзидаги рўмолни бехосдан кетига силкиб юборди.

Келин юз очди.

* * *

Тўйловчи кетиб тўйхона, келин ҳам куёв колди. Отанаси уларга бўлак ҳовли солиб берди.

II

Момомиз у кишининг шундайгина ёнларида ўтирибдилар. Дока рўмоли учи елларда ҳилпираб-ҳилпираб, бобомизнинг юзларига урилади. Пешонаси, лабларини силаб ўтади. Бобомиз ҳам ҳузурланиб, ҳам ғашланиб киприкларини пирпиратади, ёноқлари, лабларини учиради.

Дока рўмол момомизнинг сочларидай оппоқ, майин. Оҳиста эсаётган ёз еллари танга ҳузур беради. Еллар салқин, сокин.

Ёз елларидан тупроқ ҳиди келади.

— Бу йил пишиқчилик яхши келди, момоси. Мевалар мўл...

* * *

Қоплоннинг оёғида оғриқ турди. Иликлари кизишиб, ичида бир нималар ғимирлаб юргандай бўлди. Оғриқ тиззаларигача борди. Чалқанчадан ёнбош бўлди. Аёли тарафга ўгирилди.

— Ҳаво севалаб ўтадиганга ўхшайди, момоси.

Оғриқ зўрайди. Тўпиклари, товонлари ичи ачишиб оғриди. Иликлари зиркиради.

— Йўқ, момоси, ҳаво босиб куяди, мана кўрасан.

Дарҳақиқат, ярим кечада ёмғир шовиллади. Деразаларни чертди. Тўнтарикли тоғораларни чалди.

Қоплоннинг уйқуси қочди. Айвонга чикиб ҳовли чироғини ёқди. Юзларига ёмғир нафаси урилди.

Тарновдан тушаётган ёмғир кўлмакланди. Кўлмакка томчилаётган ёмғир чулдиради. Ҳовлининг қоронғи бурчида мушук кўзлари йилтиради. Қурбақа ўтлар орасидан сапчиб чикди.

Ҳаво шу куйганича эртаси тушда тинди. Кун яраклаб кетди. Оймомо кўрпа-тўшакларни шамоллатгани ҳовлидаги симга осди. Деразаларни ланг очди. Октобрўяга тўшак ташлаб, дастурхон ёзди.

Қоплон телпагини пешонасига сурди. Кўзларини юмоқ, ўзини офтобга тоблаб ётди.

Оймомо дастурхон четига чўккалади. Октобда исиниб, тикиш тикди.

Макиён энди очган жўжаларини эргаштириб, куркиллаб ўтди. Ҳовли юзида бир соя айланди. Кўзлари юмуқ Қоплон кўрмади. Оймомо кўзларини қисиб қараб, нима эканлигини билмади.

Ғожир ҳовли узра давра олиб, ерга юлдуздай учди. Қанотларини кенг ёзиб келиб бир жўжани панжалари орасига олди-ю, яна ўқдай юқорилади.

Оймомо шундагина нима бўлаётганини англаб, сапчиб турди. Қўл кўтариб ғазаб қилди:

— Киш дейман-а, қиёмат кетгур!

Ғожир терак бўйи кўтарилди. Панжаларидаги жўжа чийиллаб кўяберди.

Макиён жўжасига талпиниб-талпиниб осмонга сапчиди. Бор-йўғи том устигача кўтарилди, чийиллаётган жўжасига қараб, фарёдли қоқоқлади. Ерга тушди. Оймомони айланиб қоқоқлади — мадад сўради. Жўжаларини катагига эргаштириб кетди. Болаларини қанотлари остига олиб пинакка кетди. Жўжасининг азасини тутди.

Оймомо катакка ачиниб қараб, бош чайкади: «Бола бола-да. Бўлмаса қолган ўн беши камлик қиладими».

Қоплон дастурхонга умидсизланиб фотиҳа ўкиди. Бошини хиёл эгиб, бир нуқтага маъюс тикилди.

Аёли ташвишланганнамо сўради:

— Нима, бирон жойи оғрияптими?

У аёлига термилди. Термилиб-термилиб, синиқ овозда гапирди:

— Билмайман, момоси, билмайман. Кўнглимда бир нима юрибди. Панжаларини ботириб-ботириб юради. Авваллари аҳён-аҳёнда юрарди. Энди бўлса на кечани канда қилади, на кундузни. Кўнглимни тирнаб-тирнаб юргани юрган. Қўлимни суқиб, олиб ташлайин дейман — бўлмайди...

Аёли сўраганларига пушаймон бўлди. Нафаси ичига тушиб кетди.

Қоплон аёлига яна термилди. Эндиги термилиш маъноси манави: «Хўш, момоси, энди нима қиламиз?»

Аёли дастурхондан кўз олмади. Хиёл титраётган бармоқлари дастурхон гулларини силади.

Тошдан оғир сукунат, азадан қайғули сукунат! Болали уй бозор, боласиз уй мозор!

Аёли бош кўтармай, кўз кири билан эрига қараган бўлди. Киприклари пирпираб, нигоҳини яна олиб қочди. Бу нигоҳнинг дегани: «Билмасам, боваси, мен билмасам...»

Қоплон этигини кийди. Қозикдан қамчини олди. Елкалари бир кўтарилиб тушди:

— У-у-ух!

Қамчи ўрими билан этиги қўнжига урди. Зинадан тушаётиб, ичкаридан:

— У-у-уф! — деган оҳни эшитди. Аёли!

* * *

У отланиб ишига кетди. Уйига окшомда қайтди.

— Отаси айтиб кетди,— деди аёли.

Отдан тушмасдан отасиникига йўл олди. Борса, ота-онаси, ўзларининг совчиси ўтирибди. Ота-онасидан эшитмаганларини эшитди.

— Тоқайгача шундай юрасан? Жавобини бер-да, кўй! — кўл силкиди отаси.

— Уф-ф, кунма-кун оёқдан қоляпман. Невара кўролмай ўтиб кетаманми энди.— Онаси йиғламсираган бўлиб, оғзига рўмоли бурчини босди.

— Неварангиз кўп-ку.

— Уларнинг йўли бошқа, сеники бошқа. Ҳар гулнинг ўз хиди бор.

— Сен қаторилар болалик бўлди.

— Теварак-бошдан ҳам уятдир. Бари гапиряпти...

Қоплон нажот истаб, совчига қаради. Совчи қарашни уқди.

— Хоҳласанг ажрал. Ўзим қўшганман, ўзим ажра-таман. Кейинчалик ўпка-гина қилиб юрма тагин — укақарнинг совчиси умримизга завол бўлди деб.

— Майли, ўйлаб кўрайин.

* * *

Тоқайгача одамларнинг қовоқ-тумшуғига қараб кун кўради? Е шундай яшаб кета берсинми? Умрининг охиригача-я? Кўза ҳар куни эмас, бир кунда сиғади. Оғзига етган бор, етмаган бор. Бир кун эмас бир кун биров билан гапи чап тушиб, юзига айтиб солса нима деган одам бўлади?

Мана, неча йилдирки, мунгайиб яшайди. Одамлар билан мулоқотда гапнинг кетишига қарайди. Биров бе-маъни гапни гапирсаям, сизники маъкул деб, бош ирғаб тураберади. Борди-ю, шу гапни бошқа бирови инкор этса унгаям сизники тўғри, дейди. Эътироз билдириш, рад этиш йўқ. Ҳаётнинг кетишига, куннинг ўтишига қарайди. Токайгача?

Токқа ўрлаб кетган тор йўлда бораётган отлик хаёлидан шулар ўтяпти. Йўлда икки тарафдаги қирлар, адирлар сояси бор. Қирлар туёқ товушлари акс-садосини беради. Тошдан-тошга урилиб, кўпикланиб оқиб келаётган сув олисдан сўқмоққа ўхшайди. Эрталабки тоғ кўркам. Отлик шу токқа тикилиб борапти.

«Қишлоқ советининг котиби қоровулликка оламан, дегани билан гап-сўзсиз олабермайди-ку. Ўзи, қолаберса. Бошқалари сўраб-суриштиради. Нимага қўлтигингиз остидаги ишни ташлаб, кўп йиллар ёнма-ён ишлаган одамларга қўл силтаб, олисда ишламоқчисиз, демайдими? Йўл олис, киш бор дегандай, яна тагин тўксон сўмлик қоровуллик бўлса, бунинг нимасига орзуманд бўласиз, демайдими? Олисдаги паловдан яқиндаги шўрва яхши демайдими? Унда нима дейман? Бефарзандман, тилим қисик, элдан холисроқда юрайин, дейдими? Минбаъд! Индамай турабераман. Барибир ишга олади. Ўзи айтди-ку, садқан суханингиз деб».

У отини дарвоза устунига қантариб, ҳовлига кирди. Зинадан кўтарилиб, тор йўлакдан ичкарилади. Котибнинг аччиқ-аччиқ гапирётганини эшитиб, очик эшик кетида тўхтади. Деворга яғрин берди.

Котиб куюнди:

— Қачон жиловлаб қўйилар экан бу ифвогар, галамислар. Қачон бартараф бўлади бу анонимчилар-а. Аввал солиқ масаласи эди. Энди бу! Раҳмат, муҳбир акажон, бизни ҳимоя қилиб, ҳақиқатни тиклагани келибсиз. Умид қиламанки, ҳужжатларимизни кўриб чиқиб, ўша фиску фасодчиларнинг ёзганига яна қайтиб ишонмайсиз. Мана, жонли ҳужжат—почтальон. Бизга бутунлай бегона одам.

Бегона овоз:

— Холлиев Жўра!

Котибнинг овози:

— Бор, Вахшиворда яшайди.

— Саидов Олим!

— Бор, Зардакулда истиқомат қилади.

— Қаримов Холбек!

— Ҳаёт! Лўккада қарилик гаштини суриб юрибди.

— Илтимос, шуни чакиринг. Бир сухбатлашайлик.
— Энди, мухбир акажон, Лўкка олис. Бу ёғи Лўкка-сойга сел чиққан. От ўтолмайди.

— Хўп, Тўраева Менгсултон!

— Бор.

— Қаерда?

— Хўжасоат участкасида. Мана почтальон айтсин.
Пенсияни ўз вақтида олиб туради.

— Хў-ўп, Исломов Бўрибой!

— Э-э, бу анави чинорлик дала қоровули-ку. Қуни далада ўтади. Бўри акани эрталаб остановкада кўриб эдим. Йўл бўлсин, десам Денов боряпман, нос тамом бўлди, деб эди.

Қоплон кўзларини юмиб очди. Оёқ учида чиқиб, отланди. Беихтиёр жиловни қўйиб юборди. От ўз ихтиёрига кетди. Эгар қошидан кўз узмай, бирдан бошини кўтарди. Қўлида жилов йўқлигини билди. Чўзилиб от бошигача сурилиб борган жиловни кескин тортди. От сесканди. Олд оёқларини хиёл кўтарди. Жиловни кишлоққа бурди. Чайқалиб-чайқалиб бораётиб, ёқасига туфлади. Уша одамлар кўз олдидан бир-бир ўтди: Холлиев, Саидов, Тўраева... Бу одамлар қачонлардир — бундан беш-олти йил муқаддам оламдан ўтган эди...

* * *

Шу-шу Қоплон котибнинг юзини кўрмади, кўришни хохламади. Ҳар эслаганда сесканиб, ёқасига туфлади. Эшитган-билганини элга жория қилмоқчи бўлди-ю, яна шаштидан қайтди. «Исмат мироб Мамат билан тегирмонда навбат талашиб, бечорани қандай хўрлади? Йигирма йилдан бери аёлингни туғдиролмайсану ўзингни эркак санайсан, сен... деб сўқди. Бундай гапни эшитгандан кўра ўлган яхши. Мен котибни сотсам, эшитиб қолиб, кўпнинг олдида ҳалигидай гапларни юзимга солса-чи? Ундайлардан ҳар бало келади. Яхшиси, ҳали-ҳозир тилимни тийганим маъқул. Хушвақт ўғлимиз дунёга келсин, ундайлар билан қандай гаплашишни ўзим биламан!...»

Ота-онаси яна чақиртирди.

— Уйимиздан илон чиққанми? — пичинг қилди отаси.

— Йўқ, нима эди? — талмовсиради боласи.

— Бўлмаса нимага қорангни кўрсатмайсан? Бизнинг гапимиз нима бўлди?

— Елиб-югуряпмиз, бериб қолар,— деди Қоплон мингиллаб.

— Берса шу вақтгача берарди-да. Аёлингнинг гапига кирма. Алдаб юраберади. Бугун у дейди, эртага бу дейди.

— Ўзи-ку, пушти куйиб кетган экан. Сениям сўққабош ўтказадими энди.

— Нафасингизни иссиқ қилинг.

* * *

Қиш охирлаб, ердан кўклам хиди келди. Бригадир Қоплонни ток кесишга айтди.

Қоплон белбоғига нон, майиз тугди. Хуржуннинг ўнг кўзига тушлик, чапига тоққайчиларни солиб, далага йўл олди. Отни ариқ бўйига боғлади. Хуржунини елкасига ташлаб, ёйилиб ток кесаётган одамларга қараб юрди. Ҳорманг, бор бўлинг килди. Тушлик ўралган тугунни олма шохига илди. Пешонасини белбоғи билан ўради. Ўнгири-ни қайириб, белбоғига қистирди. Жўякнинг бошидан бошлаб ток кесди. Новдаларнинг тўртинчи бўғинидан қайчи солди. Омон қолганларининг учини ерга қадаб кўйди. Галдаги ток қўштаңа. Ҳар бировида тўрт-бештадан новда бор. Буларнинг учларини кесиб шундай қолдириб бўлмайди. Бир токка кўплик қилади. Оқибат, узуми майда-майда бўлади. У токнинг бировини айрисида чўрт кесиб ташлади. Омон қолган тоқдаги новдаларни тўртинчи бўғиндан эмас, олтинчи бўғиндан кесиб, учини ерга сукиб кўйди.

Кечгача тўртта жўякнинг токини кесди.

Ешлар кесилган новдаларни йиғиб, майиз ўчоқ олдига босди.

Оқшом Қоплоннинг бели қадалиб-қадалиб қолаберди. Отига зўрға минди. Уйда аранг чой ичиб, ўзини тўшакка таппа ташлади.

* * *

— Деновда бир дўхтир бор эмиш. Остонасидан одам узилмас эмиш.

— Нима қил дейсан?

— Бригадирдан сўрасин, боғиб келамиз.

Қоплон аёлига оғриниб қаради.

— Қайси юз билан?

Аёли чаппа ўтириб, ёрилди:

— Бу кишига иш керак, мол-дунё керак. Қайғуси болами...

Қоплон ёниб кетди. Ташқари чиқиб, ҳовлини бир айланиб келди. Чопонининг ўнгирини силкиб кўрсатиб, ўзиникига ўхшамаган овозда гапирди:

— Менга манави чопоним қолса бўлди, момоси...
Куйиб-ёниб ўтирганида отаси кириб келди. У отасининг мақсадини билди. Бор, мол-ҳолларга қара, деди аёлига. Отаси қўлидаги нонга қараб гап очди:

— Энанг айтган гапни нима қилдинг? -

— Қандай гап? — талмовсиради Қоплон.

— Невара-чевара орзуси.

— Э, ота, аёл меники. Бу ёғини менга қўйинг-да.

— Айтмасанг ҳам ҳамма гап сенда. Бир оғиз гапни айтиб жавобини бериб юбориш шунча қийинми?

Кўнглига қил сиғмаётган Қоплондан гап чиқмади.

Отаси этагини қоқиб кетди. Яна қайтиб келмади. Бир киш чўзилиб кетиб, чол шу қишдан чиқолмади.

* * *

Юртимизга наврўз келди.

Эмишки, наврўз қанчалик шод-хуррамлик, хушвақтликда кечса, она-Ер шунчалик сахий бўлади. Бўлик, мўл хосил-беради.

Колхоз катталари, ҳар йили идора олдида ўтадиган наврўз тўйи бу йил далада бўлсин, деди.

Колхоз деҳқонларга хўкиз, қўй, ёғ, турфа ичимлик, ейимликлар ҳадя этди. Меҳнаткашлар адир-қирларга сайиллаб келди. Адирларда қозонлар осилди. Аёллар ариқ бўйларида ялпиз, кийикўт териби, билқиллаб қайнаётган хўрақларга солди. Қизлар бойчечак, қорақошлар териби кўзларига тўтиё этди, кулоқларига такди. Кўнгиллари кўклам бўлди.

Оймомо бир четда ўтириб, қизалоқларнинг ўйинини томоша этди. Қизалоқлик даврини ёдлади. Маъюсланиб, ўрнидан кўзғолди. Шунда, ёнида Қиммат момо пайдо бўлди.

— Хай-хай, боланинг садағаси кетсанг-а. Юрак-бағринг куйиб кетаётгандир, Оймомо? Уфф, фарзандсизлик курсин-а...

Оймомонинг ранги бўзариб, яна ўтирди.

Қизалоқлар энди қўғирчоқ ўйнади. Моҳичеҳра ўғлини бешикка — юмалок ёстикка беллади. Энгашиб, эмизди. Аллалади:

— Алла, бубагим, алла-ё, ширин бубагим, алла-ё. Юм кўзингни, ухла. Ухламайсанми? Ухламасанг садқаи-сарим-а. Ҳамсоя, хувв ҳамсоя.

Чақалогини йўргаклаётган Муқаддас:

— Хувв! Қим у, бемахалда кичқирган? Ҳай сизмисиз, ҳамсоя.

— Анави инжикни ухлатолмай сарсонман-да, ҳамсоя. Пучуғингизни юборинг, пича тебратиб турсин. Мен сувга бориб келайин.

— Пучуғим мактабга кетган-да, ҳамсоя. Бўлмаса жоним билан эди.

Муқаддас чакалоғи иягига бармоғини нуқиб, эркалатди:

— Чу-чу-чу, шакар бубагим, новвот бубагим. Иягида чуқурчасиям бор, асал бубагимнинг. Чу-чу-чу, холангга қараб бир кул. Хола, мени келин қилмайсизми, де.

Моҳичехра ўпка-гина қилди:

— Сени келин қилмайман. Келганимда бирон мартаям кулмайсан. Қобоғингдан қор ёғиб туради.

— Келин қилмаганингизиям кўрайин, хола. Ҳали ўғлингизнинг бошини шундай айлантирайин, шундай айлантирайин.

Қиммат момо тиззасига уриб, ўрнидан туриб кетди:

— Уфф, шугиналар ҳалитдан она бўлгиси келса-я.

Одамлар тўп-тўп бўлиб, ўзи хуш кўрган ўйинлар билан овора бўлди. Дўмбира чалиб дoston айтган нечов, давра қуриб, уни эшитган нечов, оёғини осмонга узатиб, дорбоз бўлаётган нечов, давра бўлиб, олишиб ётган нечов!

Аёллар ҳам давра бўлиб, ўйнамаган ўйинлари қолмади. Барчаси ҳолдан тойди. Шунда Хурсандой отли забардаст бир аёл ўтирганларни кўлидан тортиб даврага солди. Кўнмаганларини кўлтиғидан кўтариб даврага отди. Аёллар ўйнайми, ўйнамайми қабалида кўл қимирлатди. Хурсандойнинг ўзи бўлса ҳориш нималигини билмай ўйнади.

— Қаранг-а, минг қилсаям икки эркакнинг зурриёти-да.

Хурсандойнинг отаси беморланиб оламдан ўтгач, онаси кўлидаги икки яшар Хурсандой билан ўзга эр қилган эди.

Қиммат момо ўйлаб-ўйлаб шунини топди. Бунини эшитган Хурсандойнинг феъли айниди. Кўнглидаги бор хушвақт-лиги, сайил шодликлари заҳар-заққум бўлди. Елкаларидан нафас олиб, Қиммат момога олайиб қаради. Дили хуфтон бўлиб, даврани тарк этди.

Давра совиди.

Қиммат момо кўнглини ёриб, мақсадга етди. Борди-ю, гапи нишонга тегмаса ё гапига яраша жавоб олса-чи? Унда, ҳаётдан, одамлардан куяди. Бор оламни турган туриши билан қоралаб, ўзини оқлайди. Борди-ю, кўнглидагини айтолмай қолса-чи? Унда, бетоб бўлиб қолади. Оғир изтиробланиб, ўзини қаёққа кўйишни билмайди.

Сўнг итга ё молга сасиб ўзига келади. Елкасидан оғир юк туширгандай енгил тортиб, ҳаётга яна табассум билан қарайди.

Қиммат момолар муваффақиятимизни кўрса ичини ит тирнаб, куйиб кулга айланади. Ўз ёғига ўзи ковурилиб жизғанак бўлади. Қайси йўл билан бўлсаям ошиғи олчиларни, яхшиларни камситиб, ерга уради. Сассиқ сўзлар билан чимчилаб олади. Энг яхши фазилатимиз нима? Айнан шуни йўққа чиқаради.

Қиммат момолар топиб, копиб гапиреди. Гапирган-даям усталик билан, ҳаётбахш кайфият, руҳият билан гапиреди. Юзлари гўё бизни зафаримиз билан қутлаётган одам юзидай шод ҳам меҳрибон бўлади. Кўзлари ўз суюкли одамига тикилаётган одам кўзларидай порлайди. Биз ҳам беихтиёр шундай кайфият қабул қилиб, мулозамат юзасидан бош ирғаймиз. Шунда улар қалбидай қоп-қора ўқини отади. Кулишимизниям, йиғлашимизниям билмай қоламиз. Мунофиқона қаҳ-қаҳлаб кулиб, ҳазил-да, бу, ҳазил, дейди. Ўзимиз, авлод-аждодларимизни мақтайди. Барчанинг эътиборини бизга қаратади. Шундайин бир зотлигимиздан ғурурланиб, шодланамиз. Қизариб, ерга камтарона қараймиз. Вазият пишиб етилганини кўриб, бизга, айтайлик, Оймомога ўқини отади:

— Шундай хушрўй аёл тирноққа зор-а!

Нафасимиз ичимизга тушиб кетади. Борди-ю, гап қайтарсак, бари бир мағлуб бўламиз. Боиси, улар дарров тўнини тесқари кийиб, бизнинг ўзимизни ёмонотликка чиқаради. Бизга, хусусан Оймомога куйинчаклик қилади:

— Нима қиларди денг итга берган, қушга берган бир парча этни шунгаям берса.

Эл уй-уйига оқшомда қайтади. Наврўзчилар кўнглида кўклам, Оймомонинг кўнглида ҳамон қиш бўлади.

III

Ой тўлишиб қолган.

Ёз ойдини оппоқ.

Фалак юлдуззор. Бир юлдуз юлдуззор оралаб сайр этади. У ер йўлдоши. Олис- олислардаги чироқлар юлдузлардай милтиллади.

Адир биқинидаги баҳайбат ёнғоқ барглари мунгли шитирлади. Чигирткалар чириллади.

Бир қуш зардоли шохларини шитирлатиб учиб кетди.

Йўнғичқапоёдаги отлар кирт-кирт ўтлади. Пишқирди, қишнади, тарсиллатиб ер тепинди.

Тун жарчиси узиб-узиб овоз берди.

— *Момоси, шу теварақда одам борга ўхшаяпти, мана кўрасан. Момоси, ҳовлимиздаги зардоллар сувга чўлл-чўлл тушгани тушган. Биламан, уларни кўчада болалар ушлаб ейди...*

* * *

Оқшом вақти Оймомо опамиз катак оғзини ёпадиган тошга чўнқайиб, улоқни томоша қилди. Улоқ бир йиқилиб, бир туриб келаберди. Қулоқларини қоқаман деб яна бир йиқилиб турди.

Оймомо опамиз завқланиб кулди. Унг кўлини улоққа чўзиб, бармоқларини ўйнатиб, ўзига чорлади:

— Кел, чиги-чиги-чиги, той-той-той...

Улоқ опамизнинг бармоқларини ялади. Еввойиларча қараб турди. Мурғак боқаётган улоққа термилиб ўтирган опамизнинг кўз олдига энди тетапоя бўлаётган гўдак келди.

Дарича ғийкиллаб, бола кўтарган Хожар ҳамсоясини кўринди.

— Ай ҳамсоя, элагингизни бериб туриг. Бизники тешилиб қолибди, — деди.

Опамиз ошхонадан элак олиб чиқиб берди. Ҳамсоясини элакнинг боғидан бошмалдоғини ўтказиб олиб, супага чўнқайиб ўтирди. Эшитган-билган ўшакларидан гапирди. Дидига ўтирмаган аёллар ғийбатини қилди. Сўнг асл мақсадини айтди:

— Холдон момоникига сумалакка боринг. Аёллар сизни кайвони бўлади, деди, вақтлороқ боринг.

Оймомо опамиз суюниб, кўнгли юришди. Бонси, сумалак қуювчи ҳам, сумалакка кайвонилик қилувчи ҳам, гоят покиза аёл бўлмоғи лозим. «Мени маъқул топибдиларми, демек эл назарида энг фаришта аёл эканман. Ишқилиб эл савобини оладиган бўлдим...»

Эртасига Қоплон акамиз тоқ кесгани кетди. Оймомо опамиз қишлоқ адоғидаги буғдойзорга ишга борди. Лўққасойдан чиққан сел ювиб кетган ариқларни қазиди. Ишнинг бошидан охиригача сумалак кайфияти, завқи билан юрди. Ишдан қайтиб, тирикчилигини қилди. Эри билан дастурхон теварағида кунлик ишларидан гапиришди. Эри сумалакни эшитиб:

— Менга ҳам опкеласанми? — дея ҳазиллашди.

— Бунга олиб келмай кимга олиб келаман.

Оймомо опамиз бир мисқол буғдой олиб, сумалакка йўл олди.

Сумалак бировнинг назари тушмайдиган зах ерга

қўйилади. Тўрт-беш мисқол намлаб ёйилган буғдой бир ҳафталарда қўк майса бўлиб униб чиқади. Бир-бири билан айкашиб, зичлашиб қолади. Бетига доқа ёпиб қўйилади. Майсаларга сув сепиб, вақти-вақти билан офтоб нури туширилади.

Оймомо опамиз Холдон момо билан ана шу қўк майсани келига солиб туйди. Ундан чиққан ширани тобоқлардаги сувга солиб эритди. Шира сувга қўшилиб кетди. Қўк майсани сувдан олиб, яна қайта-қайта тўйиб, ширасини олди. Сувини сумалак қозонга солди.

Аёллар сумалакка келаберди. Еттов бўлди. Токлик яхшиликка бўлмайди, яна бир аёл бўлгани маъқул. Гап айланиб, шу яқиндаги Мунаввар деган аёлда тўхтади.

— Бети курсин!

Буни сумалак қуювчи Холдон момо айтди. Аёллар бир-бирларига ўзгача қараш қилиб, рози бўлди. Бойси, Мунаввар отли бу аёл кейинги вақтда оёғини қийшиқ босаётгани хусусида миш-миш бор эди.

Сумалак ана шундай улуғ ҳам эътиқодга молик таом!

Йиғилган унлар қозонга солинди. Аёллар қозон теварагида гурунглашиб ўтирди. Онасига эргашиб келган болалар уй теварагида чопиб ўйнади.

Тараф-тараф бўлиб жанжаллашиб қолди. Жанжалга оналари аралашди. Бировлари сен-менга бориб, аразлаб кетди. «Мен бўлганимда аралашмасдим,— хаёлидан ўтди Оймомо опамизнинг,— бола деган бегуноҳ банда-да. Бугун уришади, эртага ярашади».

Оймомо опамиз катталиги бош бармоқдай келадиган еттита тошни ювиб, қайнаётган сумалакка солди.

Эмишки, ғариб бир онанинг рўзгори қашшоқ ҳаёт кечирар экан. Икки эгизак таом дея йиғлаб-йиғлаб окшом деганда уйқуга кетибди. Бўталокларининг оч-нахор ухлаб қолганини кўрган она бечора йўқчилиги курсина, дея қон бўлибди. Қозонга соладиган бирон нима тополмай, еттита тошни ювиб солибди.

Эрталаб қозонни очиб қараса, қозон тўла таом — оти сумалак эмиш.

Шундан буён сумалак наврўз таоми бўлиб қолибди.

Тошлар сумалак бўлиб қайнайберди. Тун оғиб, аёлларнинг жағи гапдан толди. Биров урчуқ йиғирди, биров пахта чигитлади. Тонг ҳадеганда отабермади.

Шунда Холдон момо:

— Келинлар, топишмоқ айтамин, — деди.

— Хўп бинойи гап.

— Үзимизнинг гурунгма-гурунг юрадиган топишмоқлардан айтамыз.

Эл оғзидан юрган топишмоқларни айтиш бошланди. Уни Холдон момонинг ўзи бошлаб берди.

— Мен айтсам, узун-узун ўз кетди, узун бўйлик киз кетди — қасаваси қарсиллаб, манглайи ерга тарсиллаб. Бу нима?

— Ҳрмак.

— Кичкина қозоннинг оши ширин.

— Енғоқ.

— Букри момом бук этди, югуриб уйига кириб кетди.

— Сичқон.

— Аनावи тоғдан қараган, манави тоғдан қараган, ўзимга ярашар деб, балхи рўмол ўрган.

— Бузоқбоши.

— Ака-ука бир яшайди, бир-бирини кўрмайди.

— Кўз.

Аёллар қозон остига тинмай ўт ёқиб турди. Ўтнинг ховури сал пасайса сумалак айнийди. Сумалакдай нозик таомнинг ўзи йўқ.

— Чин қушим, чинни қушим, чин тепага чикди қушим, оғзидан бол узатиб, халққа салом берди қушим.

— Самовар.

— Тоғни талайди.

— Болта.

— Ит эмас ирилламас, одам эмас уйга қўймас.

— Қулф.

— Йилтинг-йилтинг чироғим, йилтиллайди чироғим, гавҳардан кўп кадри, кадрдоним чироғим.

— Кўз.

— Уйдамысан маржон, эшикдамысан маржон, оёққўлинг кўринмас, қулфдамысан маржон.

— Ўтов уйи боғичи.

— Тузи йўқ ошни кўрдим.

Бари аёл ўйда қолди. Бирови у деди, бирови бу деди. Тополмадилар. Бунни айтган Оймомо опамиз маза қилиб кулди. Кула-кула қозонни кўрсатди.

Опамиз чўмич билан ёғоч товоқларга сумалак сузди. Аёллар янгилик дея уйма-уй сумалак таркатди. Каттаю кичик сумалак ялади.

Эмишки, инсонда минг бир икки дард бор. Сумалакдан бир ялаган одамнинг танаси қирқ хил дарддан фориг бўлади.

Оймомо опамиз бир чўмич сумалак олиб уйига келди. Эрига сумалак ялатди.

Сумалак қайнаётганда мижжа қоқмагани учун ўзидан миннатдор бўлди. Ўзини қалбан ҳам, руҳан ҳам тетик сезди. Гуноҳларимни ювдим, ундан фориг бўлдим, дея яйради. Умиди учқунланди. Умидим энди ушалса ажаб эмас, деган хаёлга борди.

* * *

Опамиз ҳамишагидай эрталаб уйғониб, тирикчилигини қилди. Ҳовли дарвозасининг занжирини туширди, эшик-орани супурди, деразаларни очди. Итялоққа овқат кўйди, катак-оғзидаги тошни олиб товукларни озодликка чиқарди, молхоналарга қаради, сигир соғди. Сутни докадан ўтказиб, тобоққа қўйди. Чумолидан ҳадиксираб, симҳалинчакка осди.

Бригадир кўчадан овоз берди.

Опамиз чой дамлаб, айвондаги дастурхон бурчига бостириб кўйди.

Қоплон акамиз ҳам уйғонди.

Оймомо опамиз бир чинни пиёла қаймоқ олиб келди. Чой ичдилар.

— Бригадир бозор кунига боққа айтиб кетди,— деди опамиз.

— Ҳа-а. Қаерга бориш керак экан?

— Аччиқ зардолизорга.

— Кўп хушхабар айтдинг. Суюнчи берсаммикин,— киноя қилди акамиз.

— Хушхабар қуриб шу қолдим. Қўлнинг шўри.— Опамиз қафтларига ачиниб қаради.

— Хина кўй.

— Яхши айтди,— опамизнинг юзи ёришди.

Чойдан кейин акамиз белларни кўздан кечирди. Опамиз омборхонадан бир сиким қуриган хина олиб чиқиб, сувга ботириб кўйди.

Ивигач, ёғоч келига солди. Қайроқтош билан майдалаб туйди. Кечаси ётиш олдидан эри унинг қафтларига хина кўйди. Қафтларини юмиб, гирдини тугилган ток барглари билан ёпди. Устидан гарди рўмол билан ўраб боғлади. Эрталаб қафтларини очса, кип-қизил хина.

Хиналик қафтни кетмондаста урмайди!

Опамиз галдаги кеча эрининг қўлларига хина кўймоқчи бўлди.

— Э, ҳали қошимгаям ўсма қўярсан? Бор-э! — кўл силтади эри.

Опамиз кулди:

— Биров кўрганда нима? Ўзининг тани-соғлиғини ўйласин. Хўп десин энди.

Опамиз эрини бемаҳалгача авраб, ахири кўндирди. Эрталаб отланиб, ишга жўнадилар.

— Айтгандай, кеча айтаман деб эсимдан чиқибди. Термизда бир дўхтир бор эмиш,— деди аёли йўлда.

— Э, қани унга вақт, момоси. Иш бўлса кўқияпти.

— Бригадирдан сўрасин-да.

— Э, одамда бет ҳам бўлиши керақ, момоси. Шунча юрамиз, бир оғиз оғир гапирмайди. Яна тагин тўлик меҳнат куни ёзади. Уйла-да.

— Бормасак бўлмайди. Кўп зўр дўхтир дейишяпти.

— Бўлмаса, кейинроқ борамиз. Бўлмаса одамлардан уят, момоси. Ишга бир келиб, бир келмай юришимизни кўрсалар беллари совийди. Тагин уларнинг ўғил-қизлариям мактабдан кейин ишга келади. Насиб бўлса Хуш-вақт келсин, ўзимиз биламиз.

Бригадир айтган аччиқ зардолизор остида отдан тушдилар. Акамиз хуржунни зардоли шохига илди. Белни елкасига кўйиб, тоқзор оралади. Изидан аёли юрди. Акамиз, ҳорманг, бор бўлинг қилди. Четдан узун бир жўяк бошига келди. Хаёллаб келганидан нам тортиб, шошиб иш бошлади.

Одамлар оралаб юрган ҳисобчи овозини кўйиб гапирди:

— Келардингиз-да, Қоплон ака, тушдами ё ишнинг охиrhoғидами! Юзингизни яширманг, Оймомо опа, бу гап сизгаям айтиляпти!

— Энди бўлмайди,— кўр овозда гапирди акамиз.

— Ваъдаларингизни қопга солиб ортса отингиз кўтаролмайди. Бўлди-да, энди! Уйда йиглаб қоладиган болаларингиз бўлмаса. Қайтанга болаликлар ўз вақтида келяпти. Ана, Хумор, Санам. Барининг эмизикли боласи бор!

— Э, хўп дедик-ку энди.

— Кўп ўкрайманг! Мен сизга ёмон гапираётганим йўқ! Қонун бўйича гапиряпман! Яна шундай такрорланса меҳнат кунингизни қирқиб ташлайман. Сиз, Жўра ака, кўп қариллама деманг! Ахир ўзингиз ўйланг-да, икковиниям қорнидан бошқа қайғуси йўқ, кечиккани кечиккан!

Акамизнинг кўнгли қоронғи бўлди. Бош эгиб, тоқ қаторини ишлади. Бел билан тоқлар остини айланасига қовлади. Тоқ белида униб чиққан патак томирларни юлиб ташлади. Қари тоқларни кундаков қилди.

Опамиз пуштани ишлади. Новдалар учини суғурди. Токни иложи борича кўтарди. Боиси, новдалар ерда турса бел, оёқ тегабериб, кийим унгирилари илашабериб, пиндиклари учиб кетади. Ҳосил ана шу пиндикда.

Улар ғарқ терга ботди. Акамизнинг кўйлаги елкасига ёпишди. Опамиз энтикиб қолди.

Кун қиялаб, қайтар вақти бўлди. Ҳисобчи меҳнаткашларга тайинлади:

— Эртага кун қизимасдан вақтлироқ келинлар! Салқинда иш унади!

Жўна-жўна бўлди. Нурмат кўса теварагига аланглаб зорланди:

— Ай халойик, менинг белим қани?

Меҳнаткашлар кўсага қараб, гуриллаб кулиб юборди. Кўсанинг аччиғи келди:

— Нимага тиржаясизлар, кўрган бўлсаларингиз айтингизлар-да!

— Белингиз бозор кетди!

— Ва-ха-ха!

— Ҳазиллашиб олган бўлсаларинг беринглар!

Яна кулги. Биров кўли билан унга ўз елкасини кўрсатди. Кўса елкасига қараб ўзиям кулиб юборди. У белини елкасига қўйиб, дастасидан ушлаб турарди.

Меҳнаткашлар шу қадар чарчади!

* * *

Бригадир акамиз билан опамизга пилла берди.

Пиллачи агроном бир кафт уруғ олиб келди. Уруғлар йўнғичқанинг гулидай-гулидай, жони йўқ.

Акамиз бригадирдан яна бир одам сўради. Боиси, бир қути икки одамга оғирлик қилади.

Опамиз уруғни ховлидаги сўрига ёйди.

Дарвозада Қиммат момо кўришиб, гапириб келаберди:

— Бригадир айтгандан бошим осмонга етди. Ўзимнинг уруғларим билан ишлайдиган бўпман-да, дедим. Айланайин бўлагинамдан. Қани, омонмисиз, хўп дамлимисиз.

Қиммат момо опамиз билан қўлтиқ остидан қўл узатиб кўришди.

— Бўлам-да, минг қилсаям бўлам. Яхши кўраман. Ўзимча эслаб юраман. Тирноқдан қисган бўлсаям ўзларининг тани-жони соғ бўлсин дейман. Иним қаёқда? Ухлаб ётибдими? Уям кўзимга яхши кўринади. Ўзимники-да, ўзимники. Отаси момомизнинг тоғасининг боласи бўлади. Уфф, бир кам дунё экан-да. Мана шу ховлида

икковгина қоракўз бурни оқиб юрганда катталар пилла берармиди. Қараса кенг бир ҳовлида иккови сўппайиб юрибди. Шуларга берайлик, деган-да. Ай, бўлам, сўрамоқдан айб йўқ, биров-ярим билан борди-келди қилиб кўрмадингизми?

— У нима деганингиз?

— Биров-ярим билан ётиб, ўзингизни синаяб кўрмадингизми дейман.

— Оғзингизга қараб гапиринг!

— Аччиғингиз келмасин, айланай, бўламсиз, ичим ачиганидан айтяпман. Гулдай умрингизни бекор ўтказманг. Ана, бригадиримиз, келбати эгиз туғдираман, деб турибди. Овлоқроқда бир кўз қиссангиз кифоя...

— Кетинг, кетинг, деяпман!

— Эб-эй, эб-эй, яхшиликка ёмонлик. Мен сизни одам деб гапириб эдим.

— Қорангиз ўчсин деяпман! Бўлмаса итни олқишлайман!

Қиммат момо супа четида ётган итга қараб-қараб кетди. Опамиз йиғлаб-йиғлаб, ухлаб қолди. Окшом, Қиммат момо келмасин, ўзимиз эплаймиз, деди акамизга. Бонсини айтмади. Эртасига торгина сўрича қилиб, уруғни ёйди. Печкага ўт ёқиб ҳавони пиллабоп этди.

Бир ҳафта деганда йўнғичка гуллари сонсиз жониворларга айланиб гимирай бошлади.

Пилла баргга кирди.

Акамиз адирдан барг олиб келди. Опамиз шохчаларнинг баргини чилпиб олиб, уруғлар узра ёйди.

Уруғлар барг еган сайин кўпайиб, сўрилар тўлиб борди. Сўриларни кенгроқ олдилар. Уй ичига уч қаватли уч қатор сўри ясашди. Буям тўлиб кетди. Яна бир уйга сўри қилдилар.

Ниҳоят, пилла қуртлари биринчи уйқуга кетиб, икки кун деганда турди. Яна барг ея бошлади. Пиллачи агроном кўриб, яхши, яхши, деди.

Иккинчи уйқуга кетиб, бундаям икки кун ухлади. Иккинчи уйқудан кейинги иштаҳалариям ёмон бўлмади. Берган баргни бергандай илма-тешик қилиб юта берди.

Учинчи уйқуни бошлаб, икки ярим кун деганда уйғонди. Яна барг, барг...

Қоплон акамиз уларнинг барг ейишига қараб ўйлади: «Товбалар қилдим-э. Ўзлари майда-майда, чинчилоқдай, қорни қаерда экан».

Сўрилар ости тарикдай қора кумалокларга тўлди.

Опамиз кумалокларни пешма-пеш олиб чиқиб турди.

Тўртинчи уйкуга кетиб, бу гал бир ярим кун деганда уйғонди.

Акамиз яна адирга баргга отланди. Тут айрисига миниб шох кесди.

Уйга келиб, супа киррасида паришон ўтирди. Опамиз оғилхона тарафдан кўзичок қувиб чиқди.

— Манавини ушлаб берса бўлмайми? Бир менга керакми шу рўзғор!

Акамиз кўзичокни истар-истамай қувиб, етиб олди. Қўтариб бориб, қўйнинг қошида қучоқлаб ўтирди. Боиси, кўзичок кўздан пана бўлса совлик иймайди

Опамиз совликни соға бошлади:

Эсли молим, оқилим, турей-турей,
Елкамдаги кокилим, турей-турей.
Шунча молнинг ичида, турей-турей,
Боғда очилган гулим, турей-турей...

Совлик ийди. Қўзисига тумшуқ чўзди. Акамиз кейинга тисарилиб, кўзини холислатди. Акамизнинг кўнгли бирён бўлди. Соқоли селкиллаб, Хушвақтнинг ишигаям ўзи юрибди...

Агар боланг олмасанг-а, турей-турей,
Икки итни қўшарман-а, турей-турей.
Молдан олдин келмасанг-а, турей-турей,
Бўриларга берарман-а, турей-турей.

Совлиқнинг кўзи деворда юрган мушукка тушди. Янада берилиб ийди. Совлиқ мушукдан кўрқди.

Болаларинг оқкина, турей-турей,
Уйқулари соққина, турей-турей.
Агар боланг олмасанг, турей-турей.
Сагирдир бебоккина, турей-турей.

Мушук девордан сапчиб тушди. Совлиқ бир сесканди.

Қўй ичида корасан, турей-турей,
Ақллисан, доносан, турей-турей,
Агар боланг олмасанг, турей-турей,
Бозорларга борасан, турей-турей...

Опамиз туриб, имо қилди. Акамиз кўзини қўйиб юбориб, опамизнинг изидан юрди. Уйга кириб, ўзини кўрпа-чага ташлади. Ёстик ҳўл бўлди.

* * *

Пилла қурти очофат экан. Барг қўйиб, уёк-буёкка карагунча шипшийдам шохлар қолаберди.

Акамиз кечаю кундуз барг ташийбериб тинка-малори куриди. Кўзи илинганда опамиз яна туртди.

— Турсин, барг олиб келсин.

— Э, боягина олиб келдим-ку. Буларинг тўядими ўзи, йўкми?

— Тўртинчи уйқудан кейин шундай бўлади.

— Кўзим илингандан туртасан, еб қўйдинг-ку. Анави-ларинг кетмон чопиб хоригандай ухлагани ухлаган. Икки кунлаб ухлайди, уларга индамайсан. Уйғот барини, бўлди иззати!

— Айтмасаям энди ухламайди.

— Шу охирими? Хайрият-е!

Акамиз одатдагидай уйқули кўзларини укалаб-укалаб турди. Эгар қошига аркон ўраб, баргга жўнади.

— Айтиб қўяй, агар яна пилла оламан десанг мендан ўпжалама!

Акамиз бу сафар ўзга адирдан барг олиб келди. Узун шохлардан новдалар сийирди. Опамизга қўлтиклаб ташиб берди. Ўзиям ичкарилади. Деразалар гилам билан зичлаб ёпилганлигидан ичкари қоронғи.

Акамиз дераза тоқчасига ўтирди. Чалқайиб, деворга суянди. Шунда, бир нима эшитди. Сергакланиб кулоқ солди. Ташқарида шовиллаб ҳаво ёғяпти. Афтидан, майдалаб ёғяпти. Энди барг олиб келиш кийин бўлади. Олиб келгач, уни қуритиш лозим. Акамиз сўрилар аро мўралаб, опамизни излади:

— Аҳай, ҳаво ёғяпти, эшитяпсанми?

— Бекорларни айтибди.

— Э, ана, кулоқ сол ишонмасанг.

Акамиз дахлизга чикди. Еруғда бир зум кўз очолмай қолди. Ташқарига қараб ҳайрон бўлди. Қуёш чарақлаб турибди, ерда бир томчиям ёмғир йўк.

Анграйиб, яна ичкарилади. Ичкарида бўлса шовиллаб ёмғир қуйяпти.

Опамизнинг қоронғидан кинояли овози келди:

— Ҳа, ёғяптимикин?

— Ташқарида кун чикиб турибди-ку, момоси.

Опамиз кулиб юборди.

Акамиз яна ўтириб, эътибор билан кулоқ солди. Энди билди — пилла қуртларининг бир вақтда, бир меъёрда, ёппасига барг ейиши ёмғир ёғаётганга ўхшар экан... Сокин, қоронғи олам. Гўё тун. Ҳаво майдалаб ёғяпти. Шуввв...

Барг ташвиши охирлади. Энди читир ўт топиб келиш лозим.

Акамиз адирга отланди. Тошлоқдан ўтиб, адир пойига оёқ илди. Жиловга эрк бериб, телпагини кейинроққа сурди. Пешонасига шамол тегди. Ич-ичидан нафас олди. Олис-олисларга қаради. Вахшивор қирлари ўрқач-ўрқач. Адирлари турнақатор. Охири кўринмайди. Адирлар, қирлар кўм-кўк. Ўтлар бўлганича бўлган. Шамолда тўлғанади, белга уради. Кизғалдок адирлар, кизғалдок қирлар ҳар алвонда товланиб, кўзни камаштиради.

Акамиз адирлаб, бахорни оралади. Димоғига турфа ислар келди. Бирининг иси шувок ўтникига ўхшайди.

Баҳор оралаб борабериб шу исни таратаётган ўтни топди. Тизза бўй, гуллари оч-сарик, кўкимтил, оқ танли, барглари майда-майда, сершоҳ, сертук.

Читир ўт ана шу.

Акамиз отни арқонлаб, читир терди. Томири билан суғуриб олаберди. Читир қўл тегишидан янада ўткир ис таратди. Ислари димокни қитиклади.

Акамиз отга икки боғ читир ортиб келди. Том устига ёйиб, қуритди.

Пилла қуртлари тўлишиб, ўзларини кўтаролмай қолди. Баргдан қайтиб, терс бурилиб кетаберди. Бари мудраб, сўнг карахт бўлиб қолди.

Бу, пилла қуртининг сўнгги — бешинчи уйқуси.

Сўнггиси тўрт-беш соатча давом этди. Пиллачилар читирларни дасталаб-дасталаб пилла қуртлари узра ёйди. Пилла қуртлари читирларда йигира бошлади. Мана, бириси. Читирга зўрға чикди. Тана бўйлаб юрди. Шохлар айрисига келди. Ўзига маъқулига қараб юрди. Новдаларнинг айрисига жойлашиб олиб, айлана берди. Яъни, йигира бошлади. Ҳар йигирганда ўзидан ипак чиқарди. Ипак читирнинг қуюқ тукларига илашиб-илашиб тўр, сўнг, бошмалдоқдай келадиган оппоқ ғанақ пилла ҳосил бўлди.

Пилла қуртининг ўзи ғанақнинг ичида қолди. Шундай қолса, пилла қурти ғанақни тешиб қанотли капалак бўлиб учиб кетади. Оқибат, ипакнинг сифати кетади. Шу боисдан пиллани йиғиштириб олиб, қозонда қайнатамиз.

Не-не эркаклар урушга кетди. Далалар, боғлар, келинлар кучоғи хувиллаб қолди.

Уруш чўзилиб, ингичка узилди. Колхозда тер тўкаётган сўнгги эркаклар куни келди. Жўна-жўна бўлганда Ғарб таслим бўлди. Улар Шарққа йўл олди. Хиёл ўтиб, Шарқ қўл кўтарди. Ажали тўлмаганлар юртига қайтиб келди.

Акамиз хўрсиниб бош чайқади:

— Сен сўрама, мен айтмайин, момоси, урушнинг оти ўчсин. Одам деганинг тутдай тўкилиб ётибди. Қадам сайин мурда, қадам сайин қон... айтгилиги йўқ, момоси. Одамзотнинг кадрига йиғлаган вақтларим бўлди... Лекин уруш — уруш-да. Японларни аямай қирдик. Кучи етмай, изига қараб қочди. Изма-из қувиб бордик. Охири ёғлини кўтариб қутулди. Японларнинг бошигаям Гитлернинг савдоси тушди. Урушда бировдан кам бўлмадим, момоси. Бир инсон ўз эл-халқи, юртини деб жон куйдирганчалик жонимни куйдирдим. Катта командиримиз мени сафдан олға чиқариб, жамики аскарларга кўз-кўз қилди. Кўкрагимга манави медални тақиб қўйди. Қара, ялтирайди. А? Сенга хат-хабарни кам йўллаганим чин, момоси. Боиси, самарқандлик бир ўқимишли бола бизга хат-хабар битиб бериб турарди. Ўзимиз битишни билмаймиз-да. Биз унинг теварагида давра бўлиб, қўнғимизни галма-гал айтардик. Биров, кенжамни мен учун осмонга отиб ўйна, онаси, деб баён этарди. Биров, тўнғичимни мен учун уч марта бағринга босиб ўп, дерди. Шунда, менинг бағрим бирён бўларди. Яна биров, ўғлим, сени жуда-жуда соғиндим, дерди. Шунда... Шунда, менинг бағрим бирён бўларди. Хат-хабардан кечиб, овлоқ-овлоқларга кетиб қолардим...

IV

Бобомиз сергакланиб, қадини кўтардилар. Чордона қуриб, тиззаларини қучоқладилар, салласини кетига суриб қўйдилар. Еллар тафтли пешонасига хуш ёқди.

Отлар кишнаган тарафдан янги ўрилган йўнғичқа исси келди.

Тун жарчиси овоз берган тарафга қарадилар, одам овозларидан дарак бўлмади. Бобомиз ойдин олисларга термилиб, ҳаёлий овозда айтдилар:

— Мабодо сувда зардоли оқмай қолса, болалар девордан бўйлайди. Зардоли беринг деёлмайди. Сув оқиб чиқадиган тешикни пойлайди. Шамоли қурғур ҳадеганда бўлабермайди. Мен билдирмай, ўзим шамол бўламан. Зардолини оҳиста силкийман. Зардолилар дуув тўкилади... Кўчадан, ушла, оқиб келяпти, деган овозлар эшитилади...

* * *

«...Толтуш эмиш. Олапар тут соясида олд оёқларига тумшугини қўйиб сувга термилармиш. Девор ёқалаб оқатган арикда бир кизил олма гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб келармиш. Олапар кулоқларини диккайтириб, олмага ажабланиб қараъмиш. Еб бўлмайдиганлигини билиб, яна оёқларига тумшук қўярмиш. Олапарнинг қабатида кизалоқлар давра бўлиб ўтириб босмалим ўйнармиш. Бир кизча гилосдай бешта тошнинг иккитасини ўнг, иккитасини чап тарафига қўйганмиш. Қўлида қолган бир тошни осмонга отармиш. Кафти билан ерга бир шапатилаб, осмондан келаётган тошни кўли юзаси билан илиб олармиш. Кейин ғоят нафис, эпчиллик билан кафтига олармиш. Қизча унинг кизи эмиш. У қизининг отини билмасмиш. Қизи босмалим ўйнайберармиш-ўйнайберармиш! Босмалимнинг ёвғон бўлимини ўйнаб бўлиб даҳмана, улуғ, эшала, эшонқўзим, шовдир, кичиккон, каттакон, култепа, ер шапиллатар, қайирув, келин бўлимлариниям ўйнаганмиш. Ўйин якунловчи келин бўлимига яқинлашган сайин мураккаблашиб борармиш. Қизи тошни турли-туман ўйнатиб, илиб олаётганда шу бўлимнинг номини ўйин нағмасига монанд бот-бот айтармиш: «Келиним бир, келиним икки, келиним уч...»

Қизи бўлимларнинг кўпини уч маротаба ижро этиб, улуғ, каттакон бўлимларини олти маротаба, эшонқўзим бўлимини тўққиз маротаба такрорлабди. Тошни бўлим охиригача ерга туширмай, хатоликка йўл қўймай ўйнабди. Борди-ю, бирор тошни номаъкул илиб олса ё адашса, босмалим ўйнаш гали ёнидаги кизалоққа...»

Ховли юзидаги сўрида ётган Оймомо опамиз сесканиб ўйғонди. Қораялангбош туриб ўтирди. Болишда ёйилиб ётган рўмолини ёпинди. Тиззаларини кўрпа сиртидан кучоқлади. Уйқули кўзларини уқалаб, теваракка аланглади. Ой қоронғи, юлдузлар сийрак. Ҳамсоясини Ҳожарнинг гўдаги биғиллаб йиғляпти. «Келиб-келиб шу маҳалда

йиғлаганини. Кўргани ўғилми, киз? Қиз! Босмалим ўйнади-ку...»

Эснаб, минғиллади:

— Қиз бўлсаям майли.

Қабатидаги акамиз уйғониб, ўгирилди:

— Нима бало, эловраяпсанми?

— Ўзим, шундай, уйқум кочди. Хожарнинг чақалоғи уйғотиб юборди.

— Шунинг чақалоғи ёмон йиғлоқи бўлди-да.

— Айтгилиги йўқ.

— Ет энди, ёт.

Опамиз ётиб, кўзларини юмди. «Ҳали тонг олис. Тушимнинг охирини кўраман. Шунда кизимнинг отини билиб оламан...»

* * *

Кузда майиз қилиш бошланди.

Акамиз аввал ўз томорқасининг майизини килди. Ҳосил яхши бўлиб, анча майиз олди.

Ўзи тўқиган иккита қўлсаватчани эгар қошига қистириб, колхоз майизига борди. От қозигини тарвуз пояга тегиб қокди. Хуржунни елкалаб, тоқзорга юрди. Пайкалларда чоллар тизилиб узум узяпти.

— Хирмон тўлсин-у!

— Йўлингиз унсин-у!

Акамиз чаккон бўлиб, пайкалга тушди. Узум бошларини чирсиллатиб узиб, қўлсаватга солаверди. Бир бўзбола замбил саватни пайкал бошига қўйди. Акамиз саватчасидаги узумни замбил саватга солди. Замбил узумга тўлди. Бўзбола чопон орқасини яғринига қайирди. Бир қўлини белига тираб, энгашди. Акамиз эллик килоча келадиган саватни унинг яғринига қўйди. Бўзбола илонизи сўкмоқдан тепага кўтарилди. Тепада аёллар, кизлар давра қуриб узум тозалаяпти. Бир тиззасига тирсақлаб ўтириб узум тозалаётган Оймомо опамизнинг юзлари сўлғин. У кўрган тушининг ўйида.

Пешонасида ўтирган Барчин хола опамизнинг маъюслигини кўриб кўнгил сўради:

— Қани, Оймомо дўстим, бундайгина машқингиз паст?

— Шундай, ўзим.

— Ай дўстим, сўраганнинг айби йўқ, уёқ-буёққа югуряпсизларми?

— Ҳа, вақти-вақти билан.

— Вақти деб, ўтирасизларми? Иш адо бўлармиди.

Уёк-буёкка чопингизлар, кўрсатингизлар-да.

— Бориб турибмиз.

— Қаерларга бордиларингиз?

Даврадаги аёллар, опамиздан бир аёл нарида ўтирган
Қиммат момо ҳам кулок берди.

— Деновнинг дўхтирига бордим.

Қиммат момо бошини сарак-сарак этди:

— Вой бечора-е, вой бечора-е!

— Оҳларимни эшитиб кўриб, кўнглимга умид солдилар.

Қиммат момо:

— Вой шўрпешона-ей, вой шўрпешона-е!

— Иннайкейин Термизнинг...

— Вой шўринг кургур-ей, вой шўринг кургур-е! Шунча
сарсон-саргардон бўпти-я!

Опамиз кўкрагига тушган рўмоли учини тирсаги билан
елкасидаң силкиб ташлади. Бир бош узумни Қиммат
момонинг юзига отиб юборди.

Опамиз юзини ерга босиб ётган Қиммат момони юлмоқ-
чи бўлди. Барчин хола опамизни тирсагидан олиб, нари-
рокқа олиб бориб ўтирғизди.

— Қўйинг, дўстим, шунга тенг бўлмаңг.

Опамизнинг рангида қон қолмади. Олисдан чопиб
келгандай ҳансиради. Қўллари совқотгандай қалтиради.
Тиззаларига пешонасини кўйиб, хўнграб йиғлаб юборди:

— Буники бир бўлмаса, икки бўлмаса, Барчиной
дўстим! Яна тагин хеш эмиш! Хе, ошингни ейин сендай
хешимнинг!

Қиммат момо юзларини еңги билан артиб шанғиллади:

— Мен сенга бирон ёмон гап гапирдимми! Ачинганим-
дан, куйганимдан гапираман-да, ит! Пешонанг нимага
бундайин шўр десам, гап буёкда экан-да, ит.

— Бўлди, кўп вангилламанг! — деди бир аёл.

— Мендайин бир бегуноҳ момони сочимнинг оқига
карамай урган бўлсанг, оламдан бепушт ўтгин! Менинг
ёшимга етолмай жувонмарг ўлгин!

Аёллар ичини тортди. Бош чайқадилар.

— Оғзиндан чиқиб, ёкангга ёпишсин! — овоз
берди Барчин хола.

Опамиз нажот истаб пастга — боғда ҳайрон бўлиб
тикилаётган одамларга қаради. Бошини чапга хиёл эгиб,
кўзлари ёшга тўлиб, акамизга мунис тикилди. Билак-
ларига йиғлади.

— Дунёда бир менми бефарзанд. Тирноққа зор бўлиб
ўтганлар нечов. Мен ҳали кўрарман, умидим кўп. Фар-

занднинг эрта-кечи бўладими. Бировга эртароқ беради, бировга кечроқ. Мен уни кўрдим, Барчиной дўстим, кўрдим. Яратганнинг ўзи уни тушларимга солди, кўнглимга солди. Нима қилайин, вақти-соати етмаган эканми, кўйнимга солмади. Тушларим тўлди, кўнглим тўлди. Кўйним тўлмай турибди, кучоғим тўлмай турибди. Барчиной дўстим, мен уни толтушда кўрдим. Дугоналари билан тутимизнинг остида босмалим ўйнади. Ишонмасангиз Олапар итимдан сўранг. Босмалимда унга тенг келадигани бўлмади. Ўн икки хилидаям адашмади. Қўли чевар экан. Айниқса келин хилини бир ўйнади, бир ўйнади. Дугоналари оғзини очиб ўтираберди. Мен унинг отини билолмай қолдим, Барчиной дўстим. Хожарнинг чақалоғи биғиллаб уйғотиб юборди. Яна кўзларимни юшиб, унинг йўлига қарадим. У бошқа келмади. Барибир келади, Барчиной дўстим, келади, мана кўрасиз. Ана шунда шу ерларга уни етаклаб келаман. Мана шу момоларингга бир босмалим ўйнаб бер дейман, Барчиной дўстим...

— Айтганингиз келсин, Оймомо дўстим.

Бу вақт бўзбола тепага чиқиб келди. Барчин хола уни ўзларига имлади:

— Ай иним, йўлингизни буёққа солинг.

Бўзбола уларга қараб юрди. Барчин хола унинг яғринидаги замбилни олиб, узумини ерга ағдарди. Опамиз билан иккови узум тозалади.

Акамиз тепадаги гапларнинг барини эшитиб, ўзини эшитмаганга олди. Ари уясига дуч келди. Ари уяси кунгабокардай. Сонсиз тешикчаларда арилар тумшукларини бир-бирига тегизиб яшаяпти. Борди-ю, четдан тахдид бўлса, ёппасига ҳамлага ўтади. Тўғри келиб кўзга ёпишади.

Акамиз бошига ўнгирини ёпди. Енгларини тирсагигача қайириб, билакларини очди. Новдани силкиди. Чимм, чимм, чимм! Чақаётган аримни ё чибинми?

Акамизнинг кайфияти шу даражада таранг!

Одамлар пешин чоғи узум узишни бўлди қилиб, пайкалдан чикди. Эркакларнинг келаётганини кўрган аёллар уёқ-буёғини тузатиб, ўзига қараган бўлди.

Узумларнинг айрим доналарига сув тегиб ё кесак ичида қолиб чириган. Аёллар чирикни майиз жойнинг бир четига ёйди. Офтобда очик қолиб пўла бўлганлариям бор. Бу офтоби майиз. Офтоби майиз бутун бошли саратон офтобини симириб пишган. Кўп шифоли. Аёллар офтоби майизни алоҳида ёйди.

Майиз жойнинг четидаги катта дашт ўчоққа ўт ёқилди. Кўкка тугун ўрлади.

Акамиз эски чопонининг ўнгирини кайириб, белбо-
фига кистирди. Зинадан ўчоқ тепасига кўтарилди. Қозон-
даги сувга ишқор, оҳақ солди.

Дашт-биёбонларда бир ўт ўсади. Одамлар уни териб,
тўда қилиб куйдиради. Ўт қуяётганда ундан кулга чакил-
лаб суви томади. Сув кул билан қўшилиб, чўқир тош
мисол қотиб, ишқор бўлади. Ўткир ҳидли, кулранг.

Қозон қайнади. Акамиз чўмич билан қайнаган сувнинг
тиниғини олиб тоза идишга солди. Ишқор билан оҳақни
аралаштириб, аччиқ қилди. Қозонни тозалаб ювиб, иш-
қор билан оҳақ сувини яна қозонга куйди.

Ўтёқар тинмай ўт ёкиб турди.

Аёллар қўлсаватга узум солиб берди. Бўзбола сават-
нинг боғичидан кўтариб, акамизга олиб келиб берди.
Акамиз оёғини ўчоқ лабига тиради. Саватни боғичидан
авайлаб ушлаб, билқиллаб қайнаб турган қозонга бир
пишиб олиб, яна бўзболага узатди. Бўзбола остидан иш-
қор ҳам оҳақ аччиғи шўриллаб оқаётган саватни майиз
жойга ташиди. Аёллар майиз ёйди. Жовузлар алоҳида,
хусайни алоҳида, кишмиши алоҳида ёйилди. Сабаби,
уларнинг таъми турлича. Айниқса хусайни майизга
етадигани йўқ.

Шу қабилда бугун узилган узумларни майиз қилиб
ёйдилар. Майиз офтобда ҳафта деганда қуриб, сап-сарик
майиз бўлади.

Ишдан қайтар чоғларида бригадир келди. Акамиз уни
холисрокқа етаклаб бориб, ниятини айтди. Бригадир
ажабланиб, сабабини сўради. Акамиз кўзини олиб қочди:
«Ука, эл-юртга аралашмайин дейман. Тилим қисик...
Вактлирок келганингда тепадаги гапларни эшитган
бўлардинг».

Акамиз шунақа, дегандайин бош ирғади.

— Майли. Қоровуллик бўлса қоровуллик-да. Омбор
бўладими? Емишли жой,— синамоқчи бўлди бригадир.

— Йўқ, далага.

— Бунисигаям майли. Камарга борасиз.

— Йўқ, бизга Сайрак адирни бер. Аёлимиз билан
икковимизга. Унинг ўрнигаям ўзим турабераман. У овқат
пишириб берса бўлди. Бир дил кетди, хўп де.

— Майлингиз. Лекин айтиб қўяй, эски қоровул кўн-
майди. Уям ўғли билан турибди. Шундай бўлсаям бир
айтиб кўраман, омадингиз. Ҳозирча ишлаб туринг. Майиз-
лар тугасин.

* * *

«Энди нима қиламиз, момоси?»

Акамиз опамизга шундай савол назари билан тикилди. Опамиз эзилиб кетди. Ғариб оҳангда пичирлади:

— Душанбада зўр дўхтир бор эмиш. Борганларнинг бари дардига даво топиб қайтаётган эмиш.

Улар мол-ҳолларини ҳамсоясига тайинлади. Отга мингашиб, Тожикистонга жўнади. Душанбага келиб, бозор меҳмонхонасига жойлашди. Бир оз ором олиб, чойхонада тушлик қилди. Донғи кетган врачни қидириб топди. Бугун қабул тугади, эртага эрталаб келинглари, деди. Эртасига борганларида врач йўлланма сўради. Йўқлигини билиб, кўрмайман, деди. Акамиз врачга сарғайди. Олисдан, нима дард билан келганларини айтди. Врачнинг раҳми келиб, опамизни кўрди, сўраб-суриштирди, синчиклаб қаради, анализлар олди. Индинга келинг, деди.

Опамиз айтилган вақтда врач ҳузурига кириб, маъюс чиқиб келди. Акамиз унга пешвоз юриб, ҳол сўради. Опамиз бошини чапга хиёл эгиб, ерга ўйчан тикилиб пичирлади:

— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, бериб қолар, дедилар.

Акамиз унинг гапини маъқуллаб бош ирғади:

— Ана айтмадимми, ана...

Улар уйга отланди.

* * *

Акамизнинг онаси оёқдан, кейин-кейин овқатдан қолди. Ётиб-ётиб, чолининг олдига кетди.

Онасининг етиси ўтгач, акамиз бригадирнинг олдига борди. Бригадир сўзида туриб, қоровулнинг олдига йўл олди.

— Сиз Камарга борасиз,— деди қоровулга.

Қоровул тутаб кетди. Боиси, Камар олис, қолаверса маккажўхоридан бошқа ҳеч нима йўқ. Бу ер боғ, оғиз тегиб туради.

— Нимага энди? Бу ер-чи, мисол учун?

— Бу ерга бошқа одам келади.

— Бирдай уёқдан-буёққа қув-қув экан-да! Нима, биз қолхознинг ўғай аъзосими, мисол учун? Раисга борсам бораман, Камарга бормайман!

— Оббо, сиз гапни олинг.

— Олсам олмасам, ҳайдасангиз, мана ҳайданг! Бола-

чакам очидан ўлсаям ишга чиқмайман! Гапим шу, мисол учун! Ким экан у, бошида ойн бор арзанда, мисол учун?

— Қоплон акага дегандим. Майли, бормасангиз борманг.

Бригадир оғриниб жўнади. Қоровул кўлларини орқасига килиб бригадирни кузатди. Кейин эргашди.

— Қоплон акага бўлса майли, мисол учун. Кўнгли ярим. Бошқага бўлганда ўлиб ҳам бермасдим, мисол учун. Эртасига акамиз келди. Қоровул билан теваракни айланиб кўрди.

— Сизга бригадир ҳеч нима демадими, мисол учун? — сўради қоровул.

— Йўқ. Нима эди?

Қоровулнинг хотири жам бўлиб гапирди:

— Бригадирга айтдим, бу ернинг қоровуллигидан кўп зерикдим, мени Камарга юборинг, дедим. Майли, деди мисол учун. Сўнг, ўртоқ Одилов, сиз ўз касбингизнинг устасисиз, ўрнингизга ўринбосар айтинг, деди. Ҳа, обрў бор-да, мисол учун. Хўп дедим. Қоплон ақани ўрнингга лойиқ топаман, дедим. Билямиз-да, ким қандайлигини, мисол учун. Ана, буюрсин мисол учун!

Қоровул кўч-кўронини йиғиштириб кетди. Акамиз боғларни ёлғиз ўзи яна бир айланиб чиқди. Эски қоровулнинг қуйроқдаги чайласини бузиб, адирга олиб чиқиб тикди. Бир вақтлар худди шу ерда аёли билан ёнмаён ўтирар эдилар...

* * *

«Мен эркакман. Унга қийин».

Акамиз тушлик олиб келабермаган аёлини ўйлаб, шундай ҳаёлга борди. Кўнгли уйига тортди. Боғни бесоҳиб қолдириб, уйига отланди.

Келса, ҳовли бош-адоқ кулф. Ҳайрон бўлди. Борди-ю, тушлик олиб йўлга чиққан бўлса учрарди. Девордан ошиб ўтди. Дарвозани очиб, отни етаклаб кирди. Охурга боғлади. Ошхонага кириб идишларни очиб кўрди. Тўн-тариклик тобоқ остидан бир лаъли тобоқ палов топди. Ток вайиши остига гилам ёзди. Дастурхон олиб келди. Чинни косада шакароб қилди. Чой дамлади. Чордона қуриб, паловни пиёладай-пиёладай юмалоқлаб ураберди.

Кўчада от дупурлади. Девор узра солиқчининг юзи кўринди. Бу ўша кишлок Советининг котиби, кейинчалик урилиб, солиқчиликка тушиб қолган одам эди:

— Ассалому алайкум, Қоплон ака!

— Яхшимисиз, димоғлар чоғми?

— Бинойидай. Ўзингиздан сўрасак?

Солиқчи кўз кирида тобоқдаги паловга қаради. Оғзи палов таъмини туйди. Девордан ошиб бормоқчи бўлди. Ниятидан қайтди. Ўзи таклиф этар, деган ўйга борди.

Акамиз хотиржам палов еди.

Солиқчи паловга тамшаниб қаради.

— Икки йиллик томорқа солиғини тўламабсиз. Шунга келиб эдим.

— Бинойи-да, бинойи. Энди, ука, гапнинг ўнақайини айтсам, менда пул йўқ. Менга пул нимагаям керак — адирда магазин бўлмаса, бозор бўлмаса. Пулнинг бари аёлимизда. У ҳозир йўқ. Бир ёққа овул қидириб кетганга ўхшаяпти. Келсин, оғзингиздан чиққанини беради.

Акамиз ошамни каттарок олди. У ҳадиксиради. Катта халки юзсиз бўлади, отдан тушиб, индамай келиб ўтирса нима бўлади? Унда, тобоқдан қўлини тортади. Дастурхондан холисроққа силжиб ўтиради. Бу тонфадагилар билан бир дастурхондан туз емайди. Марҳумлар ҳакини еган одам билан бир тобоқдан палов еб бўладими! Макруҳ!

Солиқчи, амални пеш қилиш фойдасизлигини билди. Энди ўзга йўлга ўтди.

— Билсангиз, сағал уруғчилигимиз бор.

— Биладан, ўнгирнинг учи.

— Ия, ўнгирнинг учиям уруғ-да.

Акамиз косадаги шакароб сувидан хўплади. Паловга янада иштаҳали қўл узатиб, ўзига ўзи марҳамат этди:

— Катта-катта олинг-е, Қоплонбой.

Солиқчи елкасидан нафас олди. Уфф, бўлмади! Палов бўлса борган сайин камайиб боряпти. Солиқчи қилтиллаб ютинди.

— Минг қилсаям уруғ уруғ-да. Қоплон ака. Этни тирноқдан айириб бўлмайди...

Паловнинг бир чети жар бўлиб, шу тарафга ағанади. Акамизнинг билагидан мой окди. Билагини ялаб-ялаб, лабларини чапиллатди. Солиқчи ҳам тишини сўриб, лабларини чапиллатди:

— Томир тортади...

Паловнинг ўртаси иссиқ экан, акамиз бармоқлари учи билан титиб ташлади. Паловдан буғ кўтарилиб, зиғир мой иси анқиди.

Солиқчи зиғир мой ҳидини олайин дея чуқурроқ нафас олди. Димоғи роҳатланди. Пешонасини кашиган бўлиб, бармоқлари орасидан паловга қаради.

Акамиз мойсиз кўлида пиёлага чулдиради чой куйди. Иссиқ-иссиқ ичди.

Солиқчи тобоққа қаради. Қаради-ю, ичида бир ни-ма ўпирилиб кетди. Тобоқдаги паловдан асар ҳам қолмабди!

Акамиз палов тагидаги мойни ичиб, тобоқни ялаб кўйди. Қаддини ростлади. Чойдан босиб-босиб ичди. Кекириб, тиш қовлади. Ишига отланди. Солиқчига қарамадиям.

* * *

Шоймардон ферма мудирининг кўлини ҳалоллади.

Ферма мудирининг кўшни «8-Март» колхозидан мол доктор ошнаси келди. Ичкари кириб, кўли ҳалолланган ўғлон билан сўрашиб чиқди. Барча билан кўришиб, тўрга ўтирди. Ўнг тарафдан битталаб сўрашди. Гал учинчи одамга келганда Қоплон акамиз сергакланиб, эшикка қаради. Бошини куйи эгиб, дастурхон четини қайириб ўйнади. Чойнак қопқоғини шиқиллатиб-шиқиллатиб очиб ёпти.

Гал Қоплон акамизга келди. Меҳмон кўли кўксига сўрай бошлади:

— Яхшимисиз, ака. Бола-чақалар ўсяптими?

Акамизнинг бадани увишиб, кўлини кўксига кўйди.

— Қуллук, қуллук.

— Неваралар катта бўляптими?

— Шундай, шундай...

— Чопқиллаб-чопқиллаб юришибдимми...

Акамиз бошқа гапларни эшитмади. Кўли кўксига, эгик бошини ирғаб ўтираберди.

Акамизнинг тўй-тўйлагани, еган-ичгани бурнидан чиқди.

Уйига ёниб келди.

Нимага энди фақат бола-чақани сўрайди? Нимага манави данғиллама уйларни, кенг ховлини, жийрон отини сўрамайди? Кўйлари, моллари қанча. Ҳар йили кўзилайди, бузоқлайди. Токзори йилига салкам ярим тонна майиз беради. Нимага буларни сўрамайди? Ўзи ҳамиша соғлом, тан-жони соғ, отдай. Икки-уч одамнинг ишини қилади. Кўп-кўп меҳнат ҳақи олади. Буни-чи?

Акамиз ичкарилаб, узала тушиб ухлаётган опамизни кўрди. Жағ суяклари бўртиб, қараб турди. Акамиз уни билагидан ушлаб, уйнинг нариги бурчига отиб юборди.

Опамиз юзи билан юк-ёпга урилди. Зарбидан кетига чал-
пак бўлиб йиқилди. Эсанкираб, туриб ўтирди. Уйқули
кўзларини укалади. Кафтлари билан яланг бошини ёпган
бўлди. Сувга чўқаётган одамдай энтикиб-энтикиб нафас
олди. Чирилламоқчи бўлди. «А-а-а», деган заиф,
титрок овоз берди. Ожиз, ёлворувчи оҳангда шивир-
лади:

— Мен бу кишига нима қилдим...

Акамиз опамизнинг бошига келди.

— Нимага ухлайсан!

— Ҳамма ухлайди-ку...

— Сенга ким қўйибди ухлашни! Айт! Сенга ухлаш-
ни ким қўйибди, деяпман! Айт! Айтмайсанми, айтмай-
санми?

Акамиз, опамизнинг бошидаги қўлларини силтаб таш-
лаб, сочларини билагига ўради. Чап қўли опамизнинг
бўғзига борди. Панжалари ботаётганда опамизнинг ияги
юқорилади. Кўзлари опамизнинг кўзларига тушди.
Опамизнинг кўзлари жон бераётган бузоқ кўзларидай
бўлиб қолди. Қорачиғи йўқ, оқи кўп...

Акамиз сесканиб, қўллари бўшашиб, шалвираб қолди.
Кетига қарамай эшикка юрди. Зинапояда хайкалдай
туриб қолди. Оламга бокди... Олам бир ҳовуч! Қишлоқ
чолдевор! Кенг юзли ҳовли товукнинг катаги!

Обтовада кўлига сув қуйди. Кўлига сув юкмай, бар-
моқлари орасида қумдай тўкилиб кетди. Сувни йўқдир
деган ўйда обтова ичига қаради. Эти совукда жунжик-
кан одамдай сесканиб бош кўтарди. Балдоғини маҳкам
ушлаб қотиб қолди. Отиб юборишним, янада маҳкам
ушлашним билмади. Обтованинг ичи тубсиз сув. Сув ос-
тидан бир одам унга важоҳат билан бакрайиб турибди.
Бакрайган юз дардли, изтиробли.

Михдан қамчини олиб отга юрди. Қамчи боғига билак
ўтказиб, ўрими билан сонига урди. От арқонини ечиб,
эгар қошига ўради. Сапчиб миниб, дарвозадан энкайиб
ўтди.

Қоровуллигига борди. Отини йўнғичқапояга қантарди.
Чайласига қараб юрди. Ариқ бўйида ёввойи боғ гулларига
дуч келди. Энкайиб димоғини қўйди. Бўй пайкамай афти
буришди. Гул эмас, тикон учига қистириб қўйилган қизил
қоғоз!

Йўлида давом этди. Адирлаётганда ёмғир томчилай
бошлади. Чайлага келиб, гиламга тўкилган чайла хас-чўп-
ларини қокди. Кўрпача ёзди. Тахлоғли кўрпачаларга

орка бериб, оёқларини ёзди. Липпасидан носқовоқ олиб, тиззасига урди. Нос олаётган кафти титради. Бошини орқага чалқайтириб, танглайига нос отди. Лабларини чўчмайтириб нос юки кафтини сонига артди. Телпагини пешонасига кўндирди. Нос элитди. Кўзи илиниб-илиниб кетди...

Тоғни қора булутлар босиб ётибди. Булутлар бағридан куйига сонсиз тасмалар тортилган — тоққа ёмғир ёғяпти. Қоп-қора булутлар тобора пастлади. Қирлар булут ичида қолди. Акамизнинг адири қирларнинг қоқ оралиғи — куйида. Акамиз мисоли жар оралиғидаги улкан тош устида ўтирибди. Жарга чўкяпти. Жар бўлса тубсиз. Ҳадемай ютади. Чўкаётганини биров билмайди. Ном-нишонсиз йўқолади. Уни биров эсламайди. Сўраб-суриштирамайди. Кими ҳам эслайди, суриштиради? Овози борича қичкиради. Кими овоз беради? Қирларми? У акс-садо-ку! Қирлар майна қилгандай унинг овозини қайтаради, холос. Кейин, нажот сўраган кўллари шалвираб қолади. Яккаю ягона таянчи, илинжи бўлган аёлини чакиради. Аёлнинг кўлидан нима келади? Йиғи!

Ёмғир қиялаб-қиялаб ёғди. Яшин тўлқинлашиб-тўлқинланиб чақнади.

Қоп-қора булутлар Арчакўтал чўккиларини чалиб кетди. Тўхтамишнинг това қирлари кўринмай қолди. Қатта лалми чўккиларини босди. Шунда, булутлар орасида бир чол кўринди. Уст-боши, соқоллари оппоқ, эшағиям оқ, тақимида узун ҳасса.

Акамиз чолни таниди... Бобоси! У, бобосининг руҳи олдида тиз чўкди. Кафтларини очиб, ёноқларидан маржон-маржон ёшлар сизиб, дардини ёриб қўяберди:

— ...Боважоним, садағангиз кетайин, боважоним, сизни йўқлашим даркор эди! Овора бўлиб ўзингиз келибсиз. Қуллук, боважоним, қуллук! Боважоним, мен бир шўрпешона бандаман. Тирноққа зорман! Эшитяпсизми, тирноққа зорман! Нима тиласангиз тиланг, чопонимгача сотиб, айтганингизни айтгандайин бажо келтирайин. Менга бир фарзанд берсангиз бўлди!

— Менга мол-дунё даркор эмас.

— Унда, менга бир фарзанд беринг... боважоним! Дунёдан қўли очик кетмайин, боважоним! Майли, бизга биттагина Хушвақт бўлсаям бўлади! Фақирга палов! Биласизми-йўкми, Хушвақт йўлида кўзимиз тўрт, боважоним!

— Дунёдан кўп нолий берма, борига шукр қил.

— Бизни бу дунёга боғлаб қўйган эмас, боважоним. Бир кунмас бир кун танамиз совиёди. Шунда, ким бизнинг иси-чироғимизни қилади? Ким отамлаб йиғлайди? Ким энамлаб йиғлайди? Биров, ҳеч бўлмаса бировгина отамлаб йиғласа экан, энамлаб йиғласа экан, боважоним! Изидан ўғил қолдириб, отаси учун мотам туттирмаган эркак — эркак бўптими! Орқасидан киз қолдириб, энаси учун қора кийдириб, аза очдирмаган аёл — аёл бўптими! Дунёга келдим деб юрмасинлар, боважоним! Кўпга берган тирноқни биздан ҳам аяманг! Менга раҳмингиз келмаса ҳам энасига раҳмингиз келсин. У бечора куйиб, адойи тамом бўлди, боважоним!

— Мен сенга фарзанд берганман.

— Берганингиз йўқ, боважоним, берганингиз йўқ. Биров ҳам йўқ, боважоним!

— Қандай отасанки, ўз фарзандингни билмайсан? Ҳали яна кўп-кўп бераман.

— А? Кўп-кўп бераман дедингизми? Қачон? Қуллук, боважоним, қуллук! Қанийди кўп бўлса! Ўнта бўлса ўрни бошқа, боважоним...

Бобоси кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Акамиз қош қорайиб одам оёғи тинганда уйига келди. Опамиз айтиб-айтиб йиғлади. Пешонасига муштлаб, кўрган кунидан нолиди. Акамиз ерга қараб, талмовсиради:

— Мен бўғдимми? Сени-я? Қачон? Э, шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан. У мен эмас. Кўриб турибсан, мен ҳозиргина ишдан келдим. А? Эсим жойида, нима эди? Бўлди, бўлди, ундан кўра суюнчини чўз.

Акамиз бўлган гапни айтиб берди. Шифтларга, деразаларга қараб ўзича бош ирғади. Шўрвани илжайиб ичиб, ёнбошлади.

— Ҳа-а. Бешиқ-мешигинг борми ўзи, момоси?

— Бешиқ нима қилади.

— Э, ҳали бешигинг йўқми? Унда шу бозор Денов бориб келганим бўлсин.

— Ҳали вақтли.

— Э, вақтлиси бўптими, эҳтиёт-да.

— Йўқ, ўзим айтаман.

— Сенинг гапинг жуфт, момоси.

Опамиз тўлишди. Еноқларига сепкил тошди.

— Оймомонинг бўйида бўпти, кўз тегмасин.

— Яратганнинг ўзи ноласини эшитибди, кеч бўлсаям берибди.

— Садагаси кетай, фарзанднинг эрта-кечи бўладими, ишқилиб, эсон-омон қутулиб олсин.

Опамизни кўрганлар шундай дедилар.

Аслида ундай эмас. Аёл зоти чинакам фарзанд доғида куйса, фарзандни қалбан орзу қилса, худди бўйида бўлгандай тўлишади. Аёл зотининг руҳияти шундай, тани шундай, қалби шундай. Табиат аёлни фарзанд учун яратган. Она — аёл зотининг энг олий мартабаси. Фарзанд — аёл зотининг яккаю ягона бахти, шон-шарафи, орзуси, юз-хотири!

Оймомо опамиз кўли юзини оғзига тутиб, осмонга қараб эснади:

Юраги ўйнаб, кўнгли айниди.

— А-а-аҳ, туф!

Акамиз буни ўзича тушунди.

Кўнглидан:

«Ана, бобомизнинг марҳамати», деган гап ўтди. Ўзида йўқ суюниб, аёлига меҳрибонлик қилди:

— Энди ўзингни оғир ишлардан тий, ишга чикма.

Хафагарчиликдан сақлан, тўйиб-тўйиб ухла. Кўнглимда сенга атаб юрганларим бор. Бировга айтмасанг куни келганда сенга айтиб бераман.

— Нима экан у?

— Қўшиқ айтиб бераман.

— Нима-нима? — ҳайрон бўлди опамиз.

— Қўшиқ айтиб бераман, дейман, — сокин жавоб берди акамиз.

Опамиз оғзини ушлаб кулди.

— Шу киши қўшиқ айтадимми?

— Э, бизга нима қилибди?

Акамиз адирга сизмай қолди. Йўлда ҳориб қолади деган хаёлда опамизга тушлик ташиттирмай, уйига келиб кетадиган бўлди. Бўлган-бўлмаган гаплар айтиб аёлини кулдирди.

Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтди.

Акамиз катта чирокни ўчириб, тунгисини ёқди. Уй

нимқоронғи бўлди. Чалқанча ётиб, хаёл сурди. Аёлига ўғирилди. Билагини аёлининг бўйни остидан ўтказди. Юзларини кучоғига олди. Кўзларини юмди. Чап қўли ўғлининг дастлабки бешигига кетди. Қўли бир юкорилаб, бир пастлади. Кафти мулойим оламни қайта-қайта силаб, бир манзилда тўхтади — йўк.

Кафти яна бир-икки бир ўнгу чапга бориб келди. Кафти югурди, елди, излади — йўк.

Қўли юзини тутди. Бор эътибори, хаёли, ҳатто кўзлари диққатини қўли ихтиёрига берди. Юрагини қўли юзига жо қилди — йўк.

Ўнг кулоғини аёлининг кўкраклари остига қўйди. Чаккаси ҳўл бўлди. Нафасини ютиб, бир дақиқа қотиб қолди. Кулоғи остида аёлининг юраги дук-дук урди. Кўзларини очди. Ўғлининг тўккиз ойлик оппоқ олами бор, ўзидан эса дарак йўк. Хушвақт йўк!

Акамизнинг ҳафсаласи пир бўлиб, аёлининг юзига юзини қўйди. Аёли пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Йиғлама, бўлар, бовамиз айтдилар-ку.

Акамиз бу билан ҳам ўзини, ҳам аёлини юпатди.

Опамиз эрини узоқ айрилиқдан кейин кўргандай бағридан қўйиб юбормади. Жипсрок ётиб, соқоллари, юзларини силади. Олис сөгинишдан сўнг кўришгандай қайта-қайта ўпди. Эркалатишдан армони қолмади.

— Эртага бозорлаб келмайдими?

— Бозорлаганим бўлсин!

Сахар маҳали акамизни уйғотди. Чой дамлаб бериб, дарвозагача чиқди.

Ой ҳали тукқани йўк — зимистон.

Акамиз отни етаклаб, кўчада минди. Эрининг тобора йўқолиб бораётган қорасига тикилаётган опамиз:

— Майли, яхши бориб келсин, — деди.

Дарвоза табақасига юзини қўйиб йиғлади.

Кўчада эчки маъради. Ўғирилиб, эчкилари кўчага тизилиб чиқаётганини кўрди. Барини ичкарига қайтариб, дарвозани занжирлади. Занжирдан чўп ўтказди.

Даҳлизга келиб, сўрига ўтирди. Тиззаларига пешонасини қўйиб яна йиғлади.

Ичига ютиб юрган дардлари кўзларига тошиб чиқди. Юракни яширса бўлади — кўринмайди. Юрак бор дардларини пинҳон тутди. Кўзларни яшириб бўлмайди. Кўзлар ўзини ўзи фош этади. Нафақат ўзи, юракниям фош этади.

Акамизга очик-ойдик айтсинми? Деновнинг врачлари қолмади, Термизники қолмади, Душанбаникия қолмади, барининг гапи бир жойдан чиқди, энди учдан кейин пуч,

десинми? Қандай айтади? Буни айтиш ўзини ўзи инкор қилиш, аёллик шаънини йўққа чиқариш бўлади. Сўнг, у аёлман деб юрмасаям бўлади. Йўк, икки дунёдаям айтмайди. Айтса гап чиқиб кетади, элга ёйилади.

У бир эркакнинг, зўр бир эркакнинг бахтини боғлаб юрибди. Эркак ҳадемай эликка киради. Эркак орзуларга тўла, умидларга тўла. Кутиб-кутиб яшайди, тинмай кидиради, елиб-югуради. Кўнгил мевасини излайди. Шу мевани топишига, уни қўлига олиб ўйнатажагига ишонади. Юзларига, бағрига босажагига ишонади. Ана, у бешикка кетди. Ҳадемай бешик кўтариб келади. Момоси, бу Хушвақтнинг бешиги, дейди. Опамиз бўлса алдайди. Кўра-била туриб, ёнма-ён ётиб, кўзларига тик қараб алдайди. Кимни? Умрида кўз очиб кўрган энг суюкли одамни.

Тонгнинг таги оқариб келаберди.

Опамиз кириб, жойни йиғиб қўйди. Эшик-орани супурди. Мол-ҳолларга қараб, подага қўшиб келди. Идиш-тобоқларни қатрон қилиб ювди. Деразаларни артиб, уйларни супуриб-сидирди. Ховлидаги қайрағоч, олмалар олдига борди. Олмалар, хўш энди!

Оғилхона, сомонхонага кирди. Сомон уюмига тикилди. Утинхонадаги тут кундаларига қараб чикди. Товуқ катагига қараб, мояк босиб ётган бир макиённи кўрди. Товуқлар, хўш энди!

Ошхонада бир зум турди. Сирғалиб тушган докани тобоқлар устига ёзди. Яна тушиб кетмасин дея бурчларини тобоқ остига бостириб қўйди. Келин бўлиб мой томизган қозонлари, ўт ёққан ўчоқлари, хўш энди!

Ошхонадан чиқиб, эшикни авайлаб ёпди. Теваракка аланглади. Оҳиста-оҳиста юриб, тандир бошига келди. Энкайиб, тандирга қаради. Ичидаги уюм-уюм кулни оташкурак билан қириб олиб, кулдонга солди. Тандирнинг қопқоғини ёпиб қўйди. Нон ёпган тандири, хўш энди!

Уй ичи тўла юк-ёп. Бари ўзининг қўлидан. У юк-ёпларга қўл силтади: «Гўримга тикаманми латта-путтани!»

Жамики эшикларни қулфлади. Қалитларни носоз радио ичига қўйди. Эшик зинасига чўнкайиб ўтириб, узок йиғлади. Бошидан, елкаларидан босаётган нимадандир халос бўлди. Кўнглини эзаётган нимадир кўз ёшлари билан оқиб кетди.

Офтоб олмалар учини чалиб кетди. Опамиз ўпкасини босолмай ҳикиллаб, юзларини ювди. Девордан ошиб ўтиб, рўмоли учлари билан нягини ўради. Девордан бўйлаб, қадрдон ховлисига сўнгги, сўнгги бор назар солди. Бури-

лишда тўхтаб, яна қайрилиб қаради. Изидан ити эргашиб келаётганини кўрди. Кет, кет, деди. Ити беш-олти одим қайтиб, яна эргашди. Тўхтаса, ит ҳам тўхтаб, қараб тураберди. Хафсаласи пир бўлиб, йўлида давом этди.

Опамиз тўлиб-тошиб, босар-тусарини билмай одимлади. Пойидаги катор уйларми? Йўқ, улар майдагина оқ тошлар, рангли кесаклар. Опамиз тошларни, кесакларни янчиб-янчиб юрди!

Булар нима? Теракларми? Тутларми? Йўқ, булар ногирон гиёҳлар. Опамиз гиёҳларни босиб-босиб, эзиб-эзиб одимлади!

Анави кўринган тоғларми? Йўқ, улар болаларнинг ҳаммомпиш уйи!

Тоғлардаги қорлар қоп-қора!

* * *

Акамиз Қизилсув бўйига келди. Лойқа дарёни ёкалаб, саёзроқ кечув излади. Таваккал килиб, отни бир ёймадан солди. Сув отнинг қорнини ювиб окди. Кечувдан чиқиб, дарё бўйидаги лойкўрғонга кўтарилди. Отини кўрғон четидаги отхонага боғлади. Тароқи хуржунни қўлтиғига буклаб қисиб шаҳар оралади. Кўчалар, айниқса бозор тумонат одам, қадам босадиган ер йўқ. Хавода кабоб, сомса, манти ҳиди. Сонсиз овозлар аралашиб, қулоқни гаранг қилади. Ким гапиряпти, кимга гапиряпти, нимани гапиряпти — тушуниб бўлмайди. Бозор — сонсиз чумчуқлар ғимирсиб чиркиллаётган уядай.

Акамиз одамлар билан тўкнашиб, туртиниб-суртиниб бораётиб, йўлида пиллачи агрономга дуч келди. Агроном уни кўриб-кўрмасликка олиб ўтди. Акамиз агрономни билагидан қўшқўллаб ушлади. Агроном ялт этиб ўгирилди.

— Э-э, Қоплон ака! Бозорлабсиз-да?

— Кўриб турибсиз, тирикчилик, ҳа, тирикчилик!

— Ҳа-а, маъқул!

Агроном йўлида давом этди. Акамиз кетидан қараб қолди: «Бефаросат. Диплом бўлган билан фаросат бўлмагандан кейин қийин экан-да».

Йўлида давом этди. Майиз бозорини ёнлаб юрди. Тизилиб ўтириб майиз сотаётганлар овозини эшитди.

— Кеп колинг, Хўжасоатнинг майизига! Арзон қилдим, килоси беш сўм!

— Синонинг майизи шўр. Хўжасоатникидан қолманглар! «Пахтакор» иккию нолга ютади!

Акамиз охирги гапирган Йўлдош тракторчини атайин ёнлаб ўтди.

— Йўлингиз унсин, Қоплон ака!

Акамиз гўё фавқулудда кўришиб қолгандай юзлари ёришди.

— Э, ҳа, иним, бозорингиз унсин!

— Айтганингиз келсин! Қани, бундайгина юрибсиз?

Акамиз қўли билан хуржунга ишора қилди.

— Қўриб турибсиз, тирикчилик.

— Ҳозир йўл бўлсин?

• Акамиз ниятига етди!

— Шу, бешик бозорига боряпман, Йўлдош иним.

— Ана-ана, буюрсин, буюрсин, биру нол — «Пахтакор» олдинда!

Акамиз янада очилиб, қуллук, дегандай бош ирғади.

— Айтгандайин, тўнғич неварамизни кўряпсиз-а, Қоплон ака?

— Шундай, шундай.

Йўлдош тракторчи ўйлангандай бўлди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, индамади.

— Бир нима демоқчи бўлдингиз шекилли, иним?

— Ассалому алайкум, Турди ака! А? Э гўрда, бозор касод. Иккию ноль — «Пахтакор» ютқазяпти! Ешингиз улуғ, сизга оқсоқолчилик қилиб бўладими, Қоплон ака.

— Э, оқсоқолчилиги бўптими, айтаберинг.

— Айтсам, эски бешик яхши, ака. Айниқса, серфарзандларнинг бешигини олсангиз нур устига нур бўлади. «Пахтакор» бешу нолга ютади!

— Унда, бешик олмаганингиз маъқул, денг?

— Бўлмасам-чи. Мана, бизникини олиб туринг. Ишончим комил, «Пахтакор» ютади.

— Унда, сизнинг айтганингизга юрдим.

Акамиз изига бурилди. Қуруқ қайтмайин деб мевачева олди. Дўконларни айланди. Олмаса-да, айрим нарсаларнинг нархини сўради. Айланиб, китоб дўконига кириб қолди. «Эҳ-ҳе, бунча қоғоз», деди ўзига ўзи.

Энди кетмоқчи бўлганида ичкаридан бир киз чиқиб қолди.

— Қани, амаки, қанақа китоб топиб берай?

Акамиз, керак эмас, дегандай бош чайқади.

— Ўғилми, қизми? Неча ёшда?

Акамиз кетишиниям, кетмасиниям, нима дейшиниям билмай қолди.

— Ўғил! — деб юборди.

Қиз тоқчадаги катта юпка китобни акамизга узатди.
— Шуни олинг. Мана бундай.— Қиз бошмалдоғини тик қилиб кўрсатди.

Акамиз китобнинг юзини томоша қилди. Унда улкан мушук чўнқайиб ўтирибди. Демак, китобнинг ичидаям мушук бор. Қайтиб бериб, ўйланиб қолди. Чиндан ҳам китоб олиб борса бўлмайдимиз? Хушвақт катта бўлса ўқийди.

Акамиз эшитган-билган китобларини бир-бир ёдга олиб, қизга эгилди.

— Шу, Кумушбибидан борми?

— Қанака Кумуш?

— Ҳалиги, марғилонлик Кумушбиби.

— Езувчимиз?

— Э, йўғ-е, ҳалиги, Отабекнинг қайлиғи-чи?

— Ҳа-а, «Ўтган кунлар» денг. Бор.

— Шундан бер.

Қиз китобни топиб келди. Акамизга жилмайди:

— Отабек керак эмасми?

— Кумушбиби қаерда бўлса Отабек ҳам ўша ерда бўлади-да.

Акамиз дўкондан чойхонага йўл олди. Қовурилган балиқдан икки кило олиб, ярмини еди. Қолганини қоғозга ўраб, хуржунга солиб қўйди. Аёлимга, деди ўзига-ўзи.

* * *

Акамиз ҳамсояларникига кичқирди:

— Ҳай ҳамсоя, ўша ёқда бизники йўқми?

— Бугун кўрмадик.

Биров-ярим билан гап сотиб ўтиргандир, деган ўйда ҳовузга борди. Йўқ.

Тут кундасига ўтириб, аёлининг йўлига қаради. Дарвоза тик этса қарайбериб, тоқати тоқ бўлди.

Қош қорайиб, моллар подадан қайтди.

Акамиз отланиб, қайноғасиникига борди. Остонада ўзларининг итини кўрди, Ит думини ликиллайтиб, акамизга пешвоз чикди. Ҳей, дайдилар шу ерда экан-да, деди акамиз ичида.

— Аҳай, буёққа бир қаранглар!

Ичкаридан аёл овоз берди. Деразадан тўкилаётган нурни бир соя кесиб ўтиб, остонада қайнэгачиси пайдо бўлди.

— Шуёққа бизнинг анави келдимиз?

— Келди. Қани, ичкариланг.

Акамиз, ёмон хотиннинг уйи кўп, порахўрнинг тўйи кўп, деб узиб-узиб олмоқчи бўлди. Бироқ аёли оғироёк арафасида эканини ўйлаб, шаштидан қайтди.

— Мехмон деган кош қорайгунча ўтираберар экан-да. Рўзғор деганниям ўйлайди-да. Буёққа айтинг.

Қайнэгачиси ичкарилиб чиқди:

— Бормайман, деяпти.

— Нима дейди?

— Бормайман, кетаберсин деяпти.

— Э!

Акамиз ерга тушиб, отни дарвоза устунига боғлади. Ичкарига юрди. Нурни яна бир соя кесиб ўтиб, галдаги уй деразаси ёришди.

— Қани?

— Ана, нариги уйга ўтиб кетди.

Акамиз қайнэгачиси кўрсатган уйга кирди. Опамиз кўлини жағларига тираб бурчакка қараб ўтирибди. Акамиз ҳайрон бўлди. Аёли бошига борди. Рўмоли четидан ушлаб, юзини ўзига қаратди. Кўркиб дарров кўйиб юборди. Аёлининг юзи қайғули, дардли.

Қайтиб чиқиб қайнэгачисининг олдига кирди. Боши билан аёли ўтирган уйга имо қилди.

— Унга нима бўлди?

— Билмасам, эрталаб ўзи кириб келди. Энди уйимга бормайман; деди. Сўраб эдик, индамади.

— Бирон нима деб айнитганга ўхшайсиз.

— Ҳа, қайнсинглим кун сайин яшариб келяпти, сиздан айнитиб, куёвга бермоқчиман. Ун тўққиз яшар бўз-болага!

— Бўлмаса нимага бундай қилади?

— Мен не биламан. Ана аёлингиз, ана сиз, гаплаша беринг-да.

Акамиз аёлининг олдига яна кирди. Бу сафар кўп қолиб кетди.

Эшик зарб билан очилиб, қарсиллаб ёпилди. Уй бекаси деразадан ҳовлига қараб, отини ечаётган куёвини кўрди.

V

Осмонда ой балқийди.

Ойдин сугга чайғандай оппоқ.

— Кўзларингга боқишларим... Боқишларимизнинг ўзи бир дoston, момоси. Бовужуд шоирлар билмади. Билганда

элга ёярди. Мен сенга айтсам, момоси, боқишлар ҳалиям ўзимизники...

Олис-олис ойдинлар.

Олис-олис оқшомлар.

Энди қайтиб бўлмас олис бир олам.

— Гоҳида атайин уйда ўтираман, момоси. Болалар мени йўқ деб ўйлаб, девордан ошиб киради. Зардолларга чиқиб, тўйганича ейди. Кўйинларини тўлдириб кетади. Мен яйраб қарайман. Эшитяпсанми, момоси, бизнинг зардолларни болалар еяпти. Кўча юзларигаям мевали дарахтлар эксамми деяпман. Ўтган-кетгanning оғзи тегади, болалар ейди-да...

* * *

Қоплон амакимиз ёлғиз яшади. Аччиғи тарқалгунча билинмади. Кейин-кейин холамизнинг йўқлиги билинди. Кечалари аёлини кўмсаб, энтикди. Болишни бағрига босди. Ҳовлини айланиб юрди. Аёлининг кучоғи хумор қилди.

Отланиб, йўлга тушди. Зим-зиё кўчалардан юриб, кайноғасининг девори олдида оёқ илди. Девордан бўйлаб, зим-зиё ҳовлига энтикиб-энтикиб, бот-бот қаради. Аёлининг ҳавосини олгандай бўлди.

Ўйлаб-ўйлаб, тоғасини кайноғасиникига юборди. Тоғаси куюниб қайтди:

— Кўр бўл, ха, кўр бўл! Отанг раҳматли айтди, энанг раҳматли айтди, ажраш, турмушинг турмуш бўлмайди, деб! Айтганлари келдими, келди! Ўзингнинг умрингни ўзинг кўкка совурдинг! Уям ўйлаган-да, эркак одамнинг қайғуси фарзандми, ўзим ажралиб бахтимни бир синаб кўрайин деган-да!

«Е, чини билан у шундай ўйга бордимикин-а?» Амакимизнинг хаёлидан шу гап ўтди. Ўтириб-ўтириб дадил, кесиб гапирди:

— Бўпти, энди янги рўзғор қилганим бўлсин.

Тоғаси хешлар билан кенгашиб, амакимизга аёл қидирди. Икки аёлни айтдилар. Икковиниям эри машина фалокатида кетган. Бировининг ёши ўттиз бешларда, фарзандсиз. Бирови қирқлардан ошган. Икки болалик.

— Шу Ойгул бинойи, фарзанди бор...— деди холаси. Тоғаси совчиликка борди. Аёлнинг ота-онасини кўндирди. Болаларини кўрди. Бири-биридан суюнчак. Яхши бўлди, Қоплонга фарзанд бўлади, ўйлади тоғаси.

Оймомо холамиз амакимизнинг янги рўзгор қилаётганини эшитиб куйиб кетди.

Тирсаги билан дераза токчасига суянди. Ўзига ўзи: «Гўрга бўлса, менга нима», дея кафтини иягига қўйди. Бошини чапга хиёл қийшайтириб, ташқарига тикилди. Юзлари ловиллаб, яноқлари булк-булк учди. Кўкрак ости худди ўпирилиб тушаётгандай бўлди. Ўпирилиш кўкрагини борган сайин қуйига босди. Оғриқ деб бўлмади, ғашлик деб ҳам. Гўё кўкраклари остида бир оғир нима ипга осилган. Иплар узилса, қоматини кўтариб турган нима ерга чил-чил бўлади.

Кўкраги остидаги нима бирдан тошдай қотиб қолди. Холамиз керишиди, бўлмади. Қотиб қолган нима на юмшади, на тушиб кетди, на кўчди. Уқаламоқчи бўлди. Бармоқларини олисроқдан, авайлаб олиб борди. Кўзларини юмиб, кафти билан охиста-охиста сийпади. Кўзларини юмиб уқалади. Фувиллаётган бошидаги туман бир оз тарқади. Кўкраги, бошида бармоқлари изини, соясини ҳис этди. Кўксини ғижимлаётган нима қуйиб юборди. Дераза токчасига пешонасини қўйди. Пешонасидан совуқ тер оқди. Кўзларини юмиб ўтириб-ўтириб мийиғида кулди. Бир гапни маъқуллагандай билинар-билимас бош ирғади. Холамиз куя-куя мийиғида кулди: «Бинойи бўпти, хўп бинойи бўпти...»

Аёл зоти ҳар қанча ўзига тўк, еган-ичгани олдида бўлсин, ҳар қанча серуруғ бўлсин, барибир ягона паноҳи бўлишини хоҳлайди. Ҳар қанча ўзига мустақил, маърур бўлсин, шу паноҳга бош эгиб яшашни истайди. Паноҳи камбағалми, амалдорми ё кўрми, калми, майибми — барибир, аёл ёлғиз паноҳига суянади.

Боши очик... Аёл зоти ҳар қандай хўрликни кўтаради. Ҳар қандай гапни кўнглига сиғдиради, аммо боши очик, деган гапни кўтаролмайди. «Ўнта ўғлим бўлмасин... чолим ўлмасин», деган гап аёллар юрагидан отилиб чиқкан.

Бу дунёга ҳеч кимни боғлаб қўйган эмас. Дард бор, бош ёстикқа тегиши бор. Шунда, суяб турғизадиган, оғизга сув томизадиган бир одам — тан маҳрами бўлсин.

Элчилик, холамизга оғиз соладиганлар бўлади. Оғиз соладиганлар орасида фарзанд доғида юрганлари бўлади, аёлидан куйиб айрилганлари бўлади. Фалокат туфайли бола-чақаси билан яйраб қолганлар бор. Қайсиси бўлсаям майли. Фақат фарзанд доғида куйганларга кўнмайди.

Нимагалигини оғзидан чиқармайди. Майли, аёли ташлаб кетган ёмонлар бўлсин. Дунёда ҳеч ким ёмон бўлиб туғилган эмас, қарсак икки қўлдан чиқади. Ўзи яхшилаб олади, нима деса хўп дейди. Қўлини косов қилади, сочини супурги. Болаларига бир оначалик қарайди. Майли, болалари холамизни ўз онаси ўрнида кўрмасин, холамиз уларни ўз боласи ўрнида кўради.

У киши шундай бир одамдан умидвор бўлди.

* * *

Қоплон амакимиз аёлининг жавобини берди.

Ёнида турган тоғаси ховлидаги одамларга эшитдиларингиз-а, дегандай назар солди. Очиқ дераза олдида ўтирган Оймомо холамиз ҳам эшитди.

Ҳамсоя-қўллар ачиниб бош чайқади. Холамизнинг акаси бош эгиб, котиб қолди.

— Қайнсингилгинамнинг умри хазон бўлди. Бошқа эркакка тушганида ҳалигача неварали бўларди.

Буни холамизнинг янгаси айтди. Ҳамсоялар далда берди:

— Ҳалням кеч эмас. Ана, ўн гулидан бир гули очилмаган.

— Жойи чиқса берамиз. Ҳали кўчкордайин-кўчкордайин ўғиллар, попукдайин-попукдайин қизлар кўради..

— Қайтанга яхши бўлди, икковиям бахтини синаб кўради.

Дарвоза олдида от юганидан ушлаб турган Қоплон амакимиз одамлардан кўзини олиб қочди. Ер остидан тоғасига қараб, аста бурилди. Отини кўчага етаклаб, узангига оёқ илди. Сапчиб миниб, отига қамчи урди. Орқадан тоғасининг гапини эшитди:

— Юк-ёпларини олиб келгани борсаларингиз бўлади. Ўзим бошида туриб, ипидан-игнасигача бўлиб бераман.

Қоплон амакимиз қоровуллигига борди. Отини арқонлаб, чайлага кўтарилди. «Яхши бўлди, қутулдим-қўйдим», кўнглидан кечди. Чайлада ёнбошлаб, бир зум кўзларини юмди. Пастга эниб, боққа кирадиган девор кемтикларини беркитди. Отланиб, уйига йўл олди.

Моллари, қўй-эчкилари дарвоза олдида маъраб юрибди. Дарвозани очиб, барини ичкарига ҳайдаб кирди. Отини боғлаб, супага келди. Ҳовли зим-зиё. Йилт этган чироқ йўк.

Ичкари кириб, уй чироғини ёқди. Кўрпачага чўзилди. Этиги кўнжидаги қамчини олиб кўрпачага, этиги кўн-

жига, деворга аста-аста урди. Етиб ётолмади, ухлаб ухлолмади. Ховлига чикди. Супа четида мунғайиб ўтирди. Бир қурбака сапчиб-сапчиб келиб, деразадан тўкилаётган нурда тўхтади. Нур амакимизнинг гашига тегди. Чирокни ўчириб келди. Мунғайиб, ток вайиши устунига суянди. Кўзлари илинди.

Хўрозлар қичқириғи, бузоқлар маърашидан уйғонди. Юзини ювиб келиб, ёришаётган осмонга қараб ўтирди. Ўзини ғариб ҳис этди. Тўрт тарафи очик. Ҳеч кими йўқ, бош-паноҳсиз. Отаси қазо қилди, аёлига суянди, онаси кетди, яна аёлига суянди. Энди яққая ягона суянчиғи-юпанчидан ҳам айрилиб, устунга суяниб қолди.

Отига қараб юрди. Қўйлар ем дардида унга суйқалди. У жийронини эгарлаб дарвозага етаклади. Дарвозани тащқаридан занжирлади. Қамчини оғзига тишлаб, отланди. От шахдам одимлади.

Тонг еллари хур-хур эсди.

Қишлоқ кунботаридаги тегирмон олдидан йўл солди. Йўл четидаги супада юз-кўлларини юваётган тегирмончини кўриб кўрмасликка олди. Тегирмондан олислади. Тонгги ҳаводан бадани жунжикди. Чопони ўнгирлари ёнларига ёйилди. Бор вужуди, тани билан кўмсаш қўшиғини бошлади...

Улкан тол теъарагини бир айланиб тўхтади. Ерга тушиб, жийронни тол танасига боғлади. Оғир энтикиб, ёқаларини ечди. Бадани қизиди. Тош девордан ошиб азим ёнғоқ остига борди. Ёнғоқ танасига суяниб ўтирди. Пойида булоқ суви — тиник, сокин оқади. Пўст ташлаётган ёнғоқлар сувга чўлп-чўлп тушади, қалқиб-қалқиб оқади.

Амакимиз булоқдан бир ҳовуч олиб оғзини чайқади. Юзига сепиб ўзини совитган бўлди. Булоқ бўйидаги кийик ўтларга термилиб ўтириб, эслаш қўшиғини бошлади...

«...Зардоли барги мисол қайрилма ой булутсиз окшом осмонида ҳаволанди. Окшом янада оппоқ, нафис бўлди. Қовжираган киёк ўтлар шамолда чайқалиб, айқашиб, ажиб товуш берди. Барглар шитирлади. Пишиб меъёридан ўтиб кетган зардоллар ерга тап-тап тушди. Окшомдан зардоли хиди анқиди.

У Оймомонинг сочини ушлади. Оймомо рўмоли четидан ўпқаланиб қаради...»

Эслаш қўшиғи авжига чикди:

— Ха-а-ай-ай-ай...

Отланиб адирга йўл олди. Ғуж-ғуж дарахтлар. Зардоли, олма, жийда, ёнғоқ, дўлана... Уларни табиат эккан, кўкартирган. Шу сабабли оти ёввойи олма, ёввойи ёнғоқ.

Барглари учи сарик. Демак, бу йил киш кеч келади. Борди-ю, барглар остидан сарғая бошлаганда киш эрта келарди.

Амакимиз от жиловини ўз холига қўйди. Ерга синчиклаб қаради. Шу ерларда бир сўкмоқ бор эди. Сўкмоқнинг боғ тарафидан биров ишдан қайтар эди. Амакимиз худди шу ерда унинг йўлини пойларди. Энди ўша сўкмоқлар йўк, уларнинг излари умрларидай кўмилиб, изсиз йўқолиб кетган.

Бир калтакесак хазонларни шитирлатиб чопди. Жийрон хуркиб тўхтади. Қулоғини динг қилди. Амакимиз жиловни орқага бурди. Жийрон ўзи келган эгри сўкмоқдан юришга интилди. Бирок, амакимиз отни тиккасига солди. Йўлда йўнғичкапоя келди, арик, ўр-чукур келди. Жийрон баридан сапчиб, ирғиб ўтди.

Кўришув кўшиғи поёнига етди.

Кўшиқ ёввойи дарахтлар остида, эски сўкмоқларда қолди.

Амакимиз Сайрак адирда жиловни тортиб, эгар қошига илди. Жийроннинг бўйни гажак бўлди. Пишқириб, олд оёқлари билан ер тепинди.

Амакимиз қамчи сопи билан телпачини орқароққа сурди. Қамчили қўлини сонига тираб, чукур нафас олди. Қириниб йўталиб, кўшиқ айта бериб қақраб қолган томоғини намлади. Назарини боғларга берди. Шу кўйи ўтириб-ўтириб, ўзининг энг янги, сўнгги кўшиғини бошлади.

Бу — хайрлашув кўшиғи, алвидо кўшиғи!

Тонглар бепоёндр, бепоён! Олис-олис уфқларда тонг. Боботоғ чўккисида тонг. Дегрез сув омбори узра тонг. Қишлоғ устида тонг. Боғларда тонг. Терак учларида, баргларида тонг. Гала-гала чумчуқлар парвозида тонг. Қуйловчининг соқолини, жийроннинг ёлларини силаётган салқин саболарда тонг. Қўшиқда-да тонг!

Сокин боғ узра бир гала қушлар ўйнади. Улар турнақатор тизилди. Сўнг ғуж бўлиб, ёппасига терак шохла-рига ёпирилди. Сайрамай, чиркилламай, яна парвозланди. Жимжит терак қўйнидан парр этган кўр овоз келди. Бир тўрғай ҳаволаниб-ҳаволаниб ўйнади. Ўз ўйини, овози, тонг ҳавосидан маст бўлиб сайради. Бир жойда муаллақ турди, чалқанча ётди, қуйнга шўнғиди. Яна юқорилаб, кўкка тўш бериб, жойида қотиб қолди. Яна тўлқиндай парвозланди.

Алвидо кўшиғи авжида!

Кун тонгни ёқиб юборди. Оламдан оппоқ парда кўтарилди. Боботоғ чўккиси учигаги думалок кун тераклар учини чалиб кетди.

Тонгнинг сўнги еллари терак баргларини бир ёнга қайирди. Фотмачумчуқлар шохма-шох ликиллади.

Бир терак шохидаги чумчуқлар зорланиб-зорланиб чиркилади. Афтидан шу терак остида илон бор. Чумчуқлар илон кўрганда шундай тўдалашиб, зорланиб чиркилайди.

Алвидо кўшиғи қиёмда:

— Лаллайлам, ла-а-ам! Лалайлам, ла-а-ам...

Қишлоқ тарафдан келадиган сўкмоқда отликлар, эшакликлар, пиёдалар кўринди. Биров улоқнинг ёнларига саватлар осган, бирови қўлтиғига олган, бировларида сатил.

Меҳнаткашлар узум узишга келяпти.

Бригадир отини йўнғичкапоя гирдига боғлади. Теракзор ёнлаб юриб, чумчуқлар зорланаётган терак яқинига борди. Энкайиб қараб, изига қараб қочди. Қўлини пешонасига соябон қилиб қичқирди:

— Хой қоровул ака, белни олиб тез чопинг! Анави теракка бир дарранда ўралиб ётибди!

Амакимиз алвидо кўшиғини бекаму кўст айтди. Умрида илк бор кўшиғида сўз ишлатди. Қўшиқ қиёмига етганда кўнглидан бор-йўғи бир сўз беихтиёр отилиб чикди:

— ...Ку-у-уйга-а-ай!

Амакимиз алвидо кўшиғини бригадаларга бўлинаётган меҳнаткашларга қараб айтди. Меҳнаткашларни биттадан байт билан кузатди. Меҳнаткашлар ишларига кўшиқли бўлиб кетди.

Сўкмоқда бир қизил кийимли кўринди. Бошида дока рўмоли, қўлида саватча бор. Пиёда. Одимлари вазмин.

Қўшиқ бирдан узилди. Келаётган — асл кўшиқнинг ўзи! Асл кўшиқ турганда мухаммас кўшиққа йўл бўлсин! Асл кўшиққа тараф йўқ!

Қўшиқ адирдан беихтиёр эниб бошлади. Бригадир чақириш бефойдалигини билди. Қўли пешонасида соябонлигича қолди.

Жийрон келаётган аёл қошида тўхтаб, йўлини олди. Аёл ўнга бурилди, яна жийронга дуч келди. Шунда, отлик ерга тушди. Жийроннинг бўйнига қўлини қўйиб, олис туриб қолди. Аёлнинг рўмоли шамолда бир кўтарилиб, бир тушиб турди. Отлик аёлнинг қўлидан саватчани олиб, эгар қошига илди. Бир ёнида жийронни етаклаб, бир ёнида аёлни рўмоли бурчидан ушлаб, қишлоққа йўл олди.

Улар юзма-юз бўлганларида нималарни гапиришдилар? Бригадир эшитмади. Борди-ю, яқинроқларида бўл-

ганида кўп гапларни — аёлнинг йиғлаб гапирганини кўрарди. Кўшиқдан улуғ гапларни эшитарди.

Жумладан жийронликнинг манави гапларини эшитарди:

— Нимага шуни ўшандаёқ айтмадинг, момоси. Душанбада айтмасанг, дўхтирдан келиб айт эди. А? Шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан. Сенга келган дардга ўзим шерик. Икковлашамиз, момоси.

Бригадир барини кўрди, барига тушунди. Илжайиб: «Ха, кучингдан, бизнинг қоровул», деди ўзига ўзи. Аммо кейингиларини — жийронлик ўз ховлисида сабзи тўғраётганини, аёл ҳовлига сув селиб супураётганини кўрмади.

* * *

Неча-неча қорлар ёғиб, сув бўлиб оқиб кетди.

— Мен сенга айтсам, момоси, яратганнинг ўзи бераман деса кўшқўллаб беради. Сендан, биздан сўраб ўтирмайди. Ма, ол дейди. Мана кўрасан.

— Айтганлари келсин, боваси.

* * *

Неча-неча кизғалдоқлар очилиб, барглари сочилиб кетди.

— Э, нима, дўхтир бизнинг ичимизга кириб чиқибдими? Айта беради-да. Жўрақулни дўхтирлар одам бўлмайди, беморхонадан олиб кетинглар, деган. Ана, юрибди, отдай бўлиб! Биласан, бобомиз фарзанд бераман деганлар. У киши юзимдан ўтолмайди. Одамнинг юзи иссиқ-да, момоси.

— Айтганлари келсин, боваси.

— Бўғирсок, ёғли патир қил. Эртага ишга олиб бора-миз. Арпага ўрок тушар эмиш. Меҳнат ҳайити-да.

— Уфф, ишнинг охириям бормикин-а.

— Тирикчилик, момоси, тирикчилик. Одамнинг юзи чидамайди. Яна тагин Хушвақт ҳаяллайпти. Унинг ўрнига-ям меҳнат қилмасак бўлмайди. Одамлардан уят. Хушвақт келсин, ўзимиз биламиз.

— Катталар қўяр.

— Э, қўймай нима? Хушвақтдай улимиз бўлади-ю, катталардан қўрқамизми? Бирови ғинг деб кўрсин, ҳай, кўп жаврама, ана, улимиз ишлайпти, деймиз. Бор, йўлингдан қолма, деймиз. Бари уялиб қолади. Қолаберса, Хушвақт улимизни ўйлайди. Чол-кампирга индамайлик, ули

хафа бўлади, дейди. Улимизнинг юз-хотирини қилади. Хали-ҳозир кимимизнинг юз-хотирини қиладилар, момоси, сўккабош бўлсак...

* * *

Неча-неча ковунлар пишиб, тарвузлар тарс ёрилди. Узумлар майиз бўлиб кетди.

— Эшитдингми, момоси, Вахшиворда биров етмишида фарзанд кўрибди, яна тагин ўғил эмиш. Ана кўрдингми? Эрта-кечи бўлмайди. Сабр қилсанг гўрадан ҳолва битар деган. Сабрнинг таги олтин, момоси.

— Айтганлари келсин, боваси.

— Айтгандай, яна пахтага деяпти, момоси. «Ҳазорбоғ» совхозига ёрдамга борамиз экан, ўн беш кунга.

— Икковимиз ҳамми?

— Йўк, бир ўзим бораман. Бригадир ўзингиз борасиз, деди. Билади-да, бир ўзим икки-уч кишининг ишини қилишимни. Чойхоначи бўласиз, деди. Мен айтдим, чойхоначилик яримжонларнинг иши, мен пахта тераман, дедим. Сен мол-ҳолларга қараб уйда ўтир, момоси. Сенинг улушингням, Хушвақтниқиням ўзим бажараман. Хушвақт келсин, оёқни узатиб ётганимиз бўлсин.

* * *

Неча-неча барглар сарғайиб ҳазон бўлди. Қизчалар келин бўлди, болалар куёв. Тойлар от бўлди.

— Бобомиз лафзидан қайтмайдилар, момоси. Борди-ю, қайтсалар ёдларидан кўтарилган бўлади. Унда, яна эсларига соламан. бизнинг улимиз нима бўлди, биз унинг йўлига қараб ўтирибмиз, дейман. Ишончим комилки, у киши узрини айтиб, лафзига амал қиладилар.

— Айтганлари келсин, боваси.

* * *

Момомиз зерикиб ўтириб-ўтириб, Ҳожар ҳамсоясиникига ўтди. Ҳамсояси айвонда ўғлини осмонга отиб ўйнади. Ҳар отганида гўдак қийқириб кулди.

Момомизнинг кўзи ҳамсоясининг тандирга қий ташиб юрган кизига тушди. Ўша йиғлоқи чақалок. Момомиз унга тикилиб қолди: «Биғилламаганингда қизимнинг отини билиб олардим...»

Ҳамсояси гўдагини бешикка беллади. Ўғлининг тилидан айтди:

— Ай момо, мени тебратиб туринг, энам нон ёпиб келсин. Катта бўлсам мен ҳам қизингизнинг бешигини тебратаман.

— Айтганинг келсин.— деди момомиз сокин.

Ҳамсояси тандирга кетди. Момомиз бешик тебратди. Чақалок момомизга жилмайди. Момомиз ҳам кулди. Ҳа, қалайсан, дегандай бош силкиди. Гўдак мимит кўллари шундайгина пешонасига осилган туморга чўзиб кулди. Оғзида биттаям тиши йўқ.

Момомиз бешикка энгашди. Шунда, димоғи гўдак исини туйди. Момомиз умрида гул, атир, барг, турфа кўкатлар, таомлар исидан баҳра олди. Тўйиб-тўйиб искади. Бўйлари кўнглига ўтириб қолди. Аммо гўдак исидан тароватли, ҳаётбахшини кўрмади. Ай, гўдак иси, гўдак ислари!

Гўдакнинг кўзи илиниб-илиниб кетди. Момомиз кўзларини юмиб, димоғида беихтиёр алла айтди:

Сен суюкли эркатойим,
Шўх кўзичоғим, алла-ё.

Алла оҳангида Шеробод даштларидай анкиллаб ётган кўнгил ноласи бор. Дарди, армони, фожиаси бор.

Суюб-суюб ўпай сени
Ширин дўмбоғим, алла-ё...
Ай!

Момомизнинг кўкраклари учига игна санчилгандай бўлди. Бўш кафти билан кўкракларини силади. Кўкрагини ушлаб, кетига чайқалиб йиқилди.

Момомизнинг кўкрагига сут келди...

* * *

— Амма, сўраб эдингиз, келдилар. Кўзингизни очинг.

Оймомо момомиз кўзларини очиб, бобомизни кўрдилар. Заъфарон юзлари ёришиб, сўниқ кўзлари бир оз ойдинлашди. Маъюс табассум бердилар. Бармоқларини қимирлатиб, бобомизнинг кўлини изладилар. Бобомиз титраёт-

ган кўлни кафтлари орасига олдилар. Момомизнинг юзлари янада ёришди, Бобомизнинг кафтларини хис этдилар. Кўзларини юмиб, очдилар. Бобомиз қотиб тура-бердилар. Енидаги аёллардан бирови бобомизни туртди. Бобомиз туртган аёлга қараб, шундагина тушундилар. Кўнгиллари орзиқиб кетиб, момомизнинг юзига энгашдилар.

— Момоси, мендан рози бўл. Кўзингни оч, момоси, мендан рози бўл...

Момомиз кўзларини очиб, бошини билинар-билинемас кимирлатди.

Бобомиз ўкириб юбордилар.

* * *

Аёллар овоз берди:

— Вой аммам-е-е-е!

Момомиз бир кеча меҳмон бўлиб, бир уй аёллар қуршовида ётдилар.

Ичкарида аёллар момомиз теварагига ҳалқа бўлиб садр тушди. Ташқарида эркаклар уй теварагини айлан-ниб, айтиб йиғлади:

— Вой опамов-в, опамов-в!

Чор тарафга жарчи кетди. Қишлоқ кўчалари бўйлаб жар солди.

— Халойик, барчангиз Қоплон қоровулникига! Бу ҳамманинг бошида бор савдо!

Одамлар оқиб келаберди. Уй одамлар қуршовида қолди.

— Вой, холамов-в, холам!

Одамлар марҳумани ёдга олдилар:

— Ҳай-ҳай, бечорани кўрган элликдан ошган демас эди. Икки юзи қип-қизил анордай эди.

— Беморхонада эди-ку...

— Дўхтир, олиб кетинглар, одам бўлмайди, дебди.

Ховлимизнинг толини
Тобут бўлсин дебмидик,
Вой энамов-в, энамов-в!

Ховли одамга лик тўлди. Катта-кичик, ёшу қари, бари келди.

Осмондаги қирқ юлдуз
Қиялаб кетади ботгани,

Вой момомов-в, момомов-в!
Мен момомни бир ўпай,
Қиёмат кетади ётгани,
Вой момомов-в, момомов-в!

Момомиз сўнги манзилга покизагина бўлиб, оппоқ сурпга ўралиб жўнадилар. Тобутгаям оқ сурп ёпилди. Тобут одамлар кафтида қалқиб-қалқиб жўнади. Одамлар тобутга талпинди. Бари тобутни беш-олти одим кўтариб бориш, ақалли кўлини тегизиш пайида бўлди. Ниятига етганлар бурчини бажарган бўлиб, тобутга эргашиб борди.

VI

Бобомиз кафти билан қовжироқ хасларни пайпасладилар. Момомиз шу ёнида ўтиришлари лозим. Озгин панжаларини ҳавода очиб юмдилар.

Ой сузилиб боқяпти.

— Эсингдами, момоси, ўшандаям ой ёруғ эди. Мен жийронни жилдириб келайин, момоси. Сен ўтириб тур. Қўрқмайсанми ўзи?

Бобомиз адирдан эндилар. Ариқдан ҳатлаб, йўнғичқа-поя оралаб юрдилар.

Жийрон қулоқларини диккайтириб, кейинга тисланди. Бобомизни таниб, бўй берди. Бобомиз ёлларини силаб, эркалаган бўлди. Қозигини суғуриб, ҳали от оғзи тегмаган ерга тепиб-тепиб қоқдилар. Жабдуқларини яқинроққа олиб келиб қўйдилар. Жабдуққа ўтириб, оёқларини узатдилар. Тўйиб нафас олдилар. Йўнғичқани силаб, кафтини бурнига босди. Юзларига суртди. Ариқ ёқалаб келаётган қораларга кўзи тушиди. Йўнғичқа исли кафти билан соқолларини тутамлаб қаради. От эгаларидир, деган хаёлга борди.

Қора шарпалар ариқ ёқалаб юрди.

— Кетганга ўхшайдилар, кўринмаяптилар.

— Йўқ, ҳали кетмаганлар. Ёнбошлаб ётган бўлсалар керак.

Маъшуқ овоз бобомизга таниш туюлди. Эътибор билан эшитдилар.

— Манави ерга ўтирайлик.

— Сабр қил, қўйрўмол билан ўтларни артиб ташлайин, ана энди ўтир.

— Уҳ, пидананинг исини. Юлманг, биздан кейин ҳам келадиғанлар бор. Исини кафтимда олиб бераман. Мана, исканг.

— Йўқ, қонмадим. Учларини силкиб юбор.

Бобомиз ҳайратланиб ёқа ушладилар. «Ё тавба, маъ-
шук ҳамсояси Менгтўранинг қизи. У буёқда нима қилиб
юримди? Ё... Йўғ-е! У ҳали гўдак-ку. Дарров-а? Айтиб
бўлмайди, қиз бола шайтон бўлади. Уёқдан-буёққа қара-
гунча бўй беради».

Ошиқ овоз бобомизни ҳаминқадар ҳайрон қолдирди,
У момомизнинг акасининг ўгли.

Жимжитлик. Маъюс кулги.

— Шеър ўқиб берайми? Яқинда ёдлаб олдим. Қара,
эшит:

Еришмоқда олис чек ҳам,
Тонг фусункор, сулув бирам.
Ғазал янглиғ жарангдор дам,
Янғроқ ҳаво эсингдами?

Сукунат. Қўлингиз мунча қаттиқ, деган овоз. Овоз
эрка. Гинадан кўра миннатдорликка мойил.

Бошланар тўрғайлар куйи,
Табиатнинг тонгги тўйи,
Уша висол, дарё бўйи,
Еруғ рўё эсингдами?

Бобомиз беихтиёр бош ирғадилар. Ойдиннинг ранги,
кўк йўнғичқанинг бўйи, шеърдан кайфлари чоғ бўлди.

— Қара, яна бир шеър ўқиб бераман.

Шеър ғамза билан ўқилди. Хаёллари, ўйлари қўйни-
даги бобомиз, хушвақтликлари, руҳий ҳайитлари қўйни-
даги бобомиз шеърни эшитмадилар. Адирга, қоп-қора
ёнғоққа термилди. Юксакланиб кетган Вахшивор қирла-
рига, Керагатоғ чўққилари бағрида элас-элас оқариб
кўринаётган оппоқ қорга тикилдилар. Шеърнинг сўнги
мисрасини эшитдилар.

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,
Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер.

Юзларида, кўнгилларида ёруғ табассум ўйнади. Ҳай-
ҳай, дея пичирлади.

— Бундай бемаҳалда қолиб кетмасдилар-ку?

— Кетгилари келмаяпти шекилли.

— Кўнгиллари бузилиб ўтиргандир.

— Кечроқ энам, бовангнинг мол-ҳолларига қарайин
деб даричадан қайтиб келди. Ўзлари қараётган эканлар,
вайрон кўнгилларини баттар вайрон қилмайин деб борма-
дим, деди.

— Отам, ҳар оқшом момонгникига бориб мол-ҳолига қара, деди.

— Оқшомлари борсак, бир-биримизга гап қўшмаймиз, майлими? Бўлмаса билиб қоладилар.

— Майли.

— Қоронғилатиб адир айланамиз.

— Момомиз қазо қилганидан буён телевизор, радио қўймаймиз.

— Биз ҳам.

— Энам қора кийиб юрибди.

— Менинг энам ҳам. Отам бир кун янгироқ кийимини кийиб шаҳарга бормоқчи бўлиб эди, энам уришди, одам-мисиз ўзи, деди. Отам фаросатсизлигидан ўзини койиб, яна қора кийди.

— Биз ҳам қора кийимларимизни кийиб юрибмиз.

— Энам тақинчоқлариниям сандиққа солиб қўйди, укаларим оқшомлари ашула айтиб ўйнарди, энам уришди. Азалимиз, бованг эшитиб қолса нима деган одам бўламиз, деди.

— Энди момомизнинг қирқи ўтгунча шундай бўлади.

— Бовамиз буёқларга келиб юришимизниям билармикинлар?

— Билмасалар керак.

— Момомизнинг вафоти кун сен ҳам йиғладингми?

— Бўлмасам-чи. Уйни айланиб, момомлаб йиғладим.

— Мен энамлаб йиғладим.

— Қара, кетибдилар.

— Юринг, Сайрак адирга энди биз чиқамиз.

Қоралар қўзғалди. Ариқ ёқалаб кетди. Бобомизнинг кўнгли ёришди. Тўлқинланди. Утиришлариниям, туришлариниям билмадилар. Орқасига бир оз чайқалиб, кўзларини юмди. Нафаслари тезлаб, кийимлари торлик қилаётгандай бўлди. Айниқса кўкраги ости исиди. Ёқасини кўтариб-тушириб, кўкрагини шамоллатди. Авайлаб туриб, этакларини қоқдилар. Утирабериб қотиб қолган қаддини тикломай букчайиб, белига қўлини тирадилар. Адирлаётган қоралардан кўз узмадилар. Суқланиб-суқланиб қараб, беихтиёр қадам босдилар. Қишлоққа борадиган сўқмоқдан йўл олдилар.

— Можоси, мен уларни кўрдим. Сенга айтиб эдим-ку, бобомиз юзимиздан ўтолмайди деб!

Бобомиз тўхтаб, умр бўйи юрган сўқмоқларига ўғирилдилар. Адирга қарадилар.

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,
Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер.

Бошларини эгганларича туриб қолдилар.

— Момоси, юр кетамиз.

Йўлларида имиллаб, бир-бир босиб давом этдилар. Адирда таёғи қолиб кетганини эсладилар. Майли, уларга қолсин, дея қўл силтади. Боши ғувиллаб, ўзини мажолсиз ҳис қилдилар. Кўз ўнглари ғимирлаб, ойдинлар тўлқиндай чайқалди, мавжланди, хаста қалблари, ғариб қалблари ўртаниб кетди. Кўзлари ёшга тўлиб, ойдаи оппоқ соқолларига сизиб тушиди.

— Момоси, мен уларни кўрдим. Улар байт айтди, эшитяпсанми, байт!

Кўз олдлари ойдинланди. Яна ўгирилиб, адирга қарадилар. Адирда икки қора бор. Улар ёнма-ён, гоҳида битта бўлиб қолади. Бобомиз жилмайдилар:

— Ана, бизнинг болаларимиз!

Бобомизнинг жилмайган ёноқларидан тинмай ёш сизди. Момомиз вафотидан кейин кўз ёшлари қуриб қолгандай бўлиб эди. Қайларда экан мунча ёш? Кўнгиел буюрса ёшнинг адоғи йўқ экан.

Ёшлар лабларига сизди. Енги билан артиб, адирдан кўз узмадилар.

— Ана, бизнинг невараларимиз!

Кўнгиеллари тўлиб, ич-ичларидан нимадир тошиб келаберди. Уни қайғу десак-да бўлади, хушвақтлик десак-да бўлади.

Кўнгиелдан қайғули хушвақтлик ўксиб-ўксиб келаберди.

— Юр кетдик, момоси, энди биз келмаймиз.

Кўзлари, юзлари кулаётган бобомиз, ёноқлари, лаблари кулаётган бобомиз тантана қилди:

— Бу адирлар бизники!

Ўксиклар зарбидан елкалари силкинаберди.

— Бу ойдинлар бизники!

Кўнгиеллари тинмайин ўксиётган бобомиз, елкалари тинмайин силкинаётган бобомиз сўнги бор, сўнги бор тўхтаб, қоматини ғоз тутиб, адирга, ундаги невараларига тантанали қарадилар.

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,

Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер.

Бобомиз сўқмоқдаги сўнги қадамларини боса-боса, ойдиндаги сўнги сўзларини айта-айта йўлларида давом этди:

— Энди кетсак майли!

ҲИКОЯЛАР

КУ-КУ-КУ...

I

У жуда орик, ўзи сариқ бўлгани учун сийраклашиб қолган сочлариям сарғиш. Қачонлардир яхшигина шеърлар ёзиб, энди расмий ишлар гирдобига тушиб, назмий туйғулари сўниб қолган. Сал энгашиб, оҳиста-оҳиста, нималарнидир ўйлаб, хафақон касали билан оғриб юради. Хафақон касалига йўликқандан буён ичмайди, чекмайди. Сўзлаганда овози оғир касалларникидай нимжон, хаста чиқиб, диққат қилмаган одам яқинида бўлсаям эшитмайди. Кулганда тишлари кўринмаслиги учун лабларини лабларига шундай қаттиқ босадикки, қўй кўзлари юмилай-юмилай деб, юзлари кизариб кетади...

У журналларга обуна бўлишни яхши кўради. Ҳар йили кўплаб хорижий ва ўзимизнинг журналларга обуна бўлади. Уйда журналлардаги расмларни, Рембрант, Рафаэль, Боттичеллининг нодир асарларини томоша қилиб ўтиради. У яна қушлар, уларнинг сайрашиниям яхши кўради. Ишлаб чарчаганда ўзи директор ўринбосари бўлиб ишлаётган шаҳар истирохат боғининг хилват жойига ўтириб, Шишкиннинг расмларини томоша қилади, қушларнинг сайрашини кутади. Айниқса, Шишкиннинг «Бугдойзор»ига узоқ тикилиб қолади. У ўзича икки тоифадаги одамларга ачинади. Бири — Шишкиннинг расмлари олдидан бепарво ўтган одамга, иккинчиси — қушлар сайраётганда сўзлашган одамга. Шу одамларни тўхтатиб, дегиси келади:

«Биродар, тўхтанг, кўряпсизми Шишкиннинг қайинларини: ҳаёт гўзал, шунақа...»

«Биродар, эшитяпсизми, тоғ чумчуғи сайраяпти. Бу оҳангнў Бетховен ҳам билмаса керак. Афсус, бу оҳангларнинг номи йўқ. Эшитинг, қушларни эшитинг...»

Шу пайт дарахт шохларида кўниб турган қушларнинг турли нағмадаги сайрашлари эшитилади. У «Муножот»ни тинглаётгандай бошини маъюс эгиб, эшитади. Юзларига табассум югуради. Ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўяди-да, қушларга таъзим қилади:

— Офарин, биродар, офарин. Қуллук!..

Хаёлан қушлар овози қанотида узоқларга — оппоқ булутлар оламинга учиб кетади...

У:

«Ай биродарлар, сизлар учун ёғочдан уя ясадим, шунақа. Тоғлардаги биродарларимизгаям айтинг, боғимизга келсинлар. Мен уларгаям уя қуриб бераман, шунақа...»

У хушвақт жилмаяди...

II

У кекса ота-онасини кўриш учун қишлоққа бориб, тез қайтди. Машина баланд довондан сойга тушиб, шовуллаб оқаётган кўм-кўк сувдан ўтди. Чапга бурилиб, сув ёқасида тўхтади. У машинадан тушиб, костюмининг тугмаларини ўтказди. Теваракка қаради: йўлни икки томонидан ҳайбатли тоғ чўққилари ўраб турибди. Ботаётган қуёш тоғ чўққиси учида осилиб қолгандай... Тоғдан оқиб тушаётган сувнинг шовуллаши эшитилиб, сув оқаётган сойдан салқинлик уфуриб турибди. Тоғ қушларининг нағмалари... Бир гала ёввойи каптарлар чўққилар узра учиб юрибди. Каптарлар кўнганда, чап кўлини пешонаси устига соябон қилиб қаради. Кўрмади. Сайр учун каптарлар кўнган тарафга юрди. Қатта тош остида бир нарсанинг питирлаётганини кўрди. Тўхтаб, ўша ёққа қараб юрди. Икки тош орасидаги қизил тупроқ устида турган инни кўрди. Яқинроқ борди. Хас-хашакдан усталик билан ясалган инда қуш боласи, юмшоқ тупроқда эса яна бири... Ердагиси типирчилаб инга чикмоқчи бўлар, аммо чиколмас, индагиси эса бўйинларини қисиб, пусиб ётарди. У ин яқинидаги сариқ тошга ўтириб, уларни узоқ томоша қилди. Мусича болаларининг онаси йўк... Ё улар онасизмикин?

Қуёш ботиб тоғларга оқшом чўкди. Мусичаларнинг онаси ҳамон йўк. У кетмоқчи бўлди. Шунда, мусичалар бўйинларини чўзиб бирам ғалати чийилладики... Унинг юраги увушиб кетди. Мусичаларни олиб уларнинг ҳўл баданини тўлиқ ёпмаган жунларини силай-силаё пастга тушди. «Энг беозор қуш. Булар одамларга фақат яхшилик тилайди. Қу-қулашлари, таъзимлари... шунақа», деди у ўзича. Рўмолчасини машина ўтирғичига ёйиб, устига мусича болаларини қўйди. Идорага келганларида у мусича болаларини диванга қўйиб, жунини силади. Уларни ҳовлига — дарахтлар остига қўйиб юбормоқчим бўлди. Тоғдагидай бу ерда ҳам ўз тирикчилигини ўзи қилар, деб ўйлади. Авайлаб, ҳовлига олиб чикди. Кўм-кўк ўтлар устига қўйиб бирпас кузатиб турди. Улар жойидан қимирлайвермагач, мендан ҳайиқяпти, деб ўйлаб,

хонасига қайтиб кирди. Бирпас янги журналларни титкилаб ўтириб, деразадан қаради. Мусича болалари дарахт ёнида бошларини бир-бирига тегизиб, мудраб, мунгайиб турардилар!.. У шошиб бориб, уларни олиб келди. Ҳеч қаёққа чиқармасликка аҳд қилди. Уларга жой кидира бошлади. Қоровулхона қулайдай. Айниқса бурчақда турган шкаф тепаси. У ховлидан ранги кўчиб кетган эски мис товоқча топиб, унда сув олиб келди. Ер, емаса турар, деган хаёлда бозордан ярим кило тарик олиб келди-да, бир сикимини мусичалар олдига сешиб, уйига кетди.

Мусичалар ўз умри билан туғилган экан. Катта бўлиб қолишди.

III

Совет — Япон шартномаси имзоланиб, алоҳида моддаси бир давлатдан иккинчи давлатга учиб ўтган қушларга озор бермаслик, уларни авайлаш ҳақида эди. У газетадаги шу моддага тикилиб тўймайди. Қувончини боғ қоровулига изҳор этади:

— Эшитдиларми, отахон. Совет ҳукумати кўп танти ҳукумат, қушлар тўғрисидаям гамхўрлик қиляпти, шунақа. Раҳмат, ҳукумат, раҳмат. Айтгандай, қушларга уя ясанг деб эдим, тайёр бўп қолдимми?

— Энди иккита бўлди.

— Э, тезлатинг-да, отахон, мен қушларга ваъда берганман, биродарларимизни олиб келинглар деб. Ҳали-замон келадилар, шунақа...

У қоровулхонага кирди. Мусичалар энди учадиган, хонада йўрғалаб юрадиган, бир-бирларини қувалаб столлар остига кириб кетадиган бўлган эдилар. Сарғиш жунлари қорайиб, тумшуклари бигиздай... Чиройли! Узун қанотларининг усти сал қорайган, ости эса оппоқ. Бирининг қанотлари худди каптарларникидай ола. У пойандоз устида йўрғалаб юрган мусичаларга қараб завқланиб:

— Э-э, жуда гўзал бўпсилар-ку, биродарлар. Яхши эмас, кўз тегиши мумкин, шунақа,— деди.

Тарик олиб келгани бозорга борди. Сотувчи чолга:

— Илтимос, яхшироғидан беринг, яқинда мусичаларим ку-қулайди, шунақа,— деди.

Чиндан ҳам мусичалар окшомда илк бор... илк бор

ёнма-ён туриб вазмин, самимий таъзимлар билан салом қилдилар:

— Ку-ку-ку-ку...

IV

У, мусичалар кетиб қолмаслиги учун деразаларни ёпиб қўйди. Хонада мусичалар қўниб-учиб турадиган жой қилмоқчи бўлди. Ҳовлидаги ўрикнинг кичкина шохчасини синдириб олди-да, деворга суяб қўйди. Мусичалар қўнишига бу нокулайдай туюлди. Идора супуриш учун ишлатиладиган пақирларнинг бирига пича лой олиб келди-да, ўрик шохчасини лойга суқиб қўйди. Пақир атрофига дон сочиб, кичкина мис идишда сув олиб келди. Мусичалар хона ичида айланиб учиб, стол устига қўндилар-да, бараварига бошларини эгиб, таъзим қилдилар:

— Ку-ку-ку-ку...

У ўзида йўк қувониб, бош ирғади:

— Бали, бали...

V

У эрталаб ўзини ёмон сезиб, валерьянка ичди. Ён-бошлаб ётганида қоровул телефон қилиб, директор курортдан қайтиб, идорага келганини айтди. У кийиниб, уйдан зўрға чикди. Сочсиз боши юзларидай кип-қизил, коп-қора кўзлари чиройли, лаблари гўдакларникидай жуда юпка, қошлари сийрак директор бир сохта табассум қилди-да, яна аслига қайтди.

— Жа, янгилик кўпу. Бизнинг аклимиз етмабди-да шуларга. Буни қаранг-а...

Кутилмаганда директор кўзларининг оқи кўпайиб, қорачиқлари каёкқадир йўқолиб қолгандай бўлди.

— Бу маданият боғи! Бу ерда паррандалар эмас, халқ хордик чиқариши керак! Тавба, ҳамма дарахтларга уя қўндириб чиқибди-я. Ҳаммаёк мусича тезаги... Ни-ма, бу зоопаркми?..

— Ўртоқ директор, қушлар ҳам халқ...

— Сиз раҳбарми ё каптарбоз октябратми? Марҳамат, ёзинг ариза. Ақли кириб қолар, болалигини ташлар деб, шунча сабр қилдим, етар...

У директор суриб қўйган қоғозни олди-да, ўз хонасига чиқиб, ариза ёзди. Ариза ёзганида юраги ёмонлашди.

Шунда... зўр соғиниш билан мусичаларини кўргиси, улар билан мулоқотда бўлгиси келди. Қоровулхонага бориб аланглаб, туриб қолди. Мусичалар йўк. У стол, шкаф тағларини, дераза пардалари орқасини қаради. Йўк. Қоровул ҳам йўк. Директорнинг эшиги олдига келиб энтикиб:

— Мусичаларимни кўрмадингизми? — деди.

— Ана ҳовлида. Ўзларидан кўрсин, ҳайдадим, кетмади... — деди директор бошини кўтармай.

У шошиб ҳовлига чиқди. Чикиндилар қутисида мусичалар бошлари орқасига қайрилиб ётарди... Унинг юзлари оқариб, лаблари пирпиради. Боши ғувиллаб, бутун фикру хаёллари тумандай хиралашиб, кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолди. Энтикиб, чуқур нафас олмоқчи бўлди-ю, аммо нафаси етмади. Юрагини худди бир махлук панжалари тирноқларини ботириб чангаллагандай, кейин эса бирдан... ғижимлагандай бўлди. Кўкрагини ушлаб инграб, синиқ овоз билан: а-а-а-а-а... деди-да, скамейкага ўтириб қолди.

У ўзига келиб, бошида унга термулиб турган қоровул билан директорни кўрди. Директор жилмайди:

— Айёрлик қилманг-е, кўрқитвордингиз. Ариза ёз, деб шунчаки айтдим-да...

У ёруғ оламга қаради... Худди Шишкиннинг расмларини томоша қилаётгандай ҳаётга суқланиб-суқланиб термилди. Шунда, олча шохиди кўниб турган мусичага кўзлари тушди. Унинг мусичаларига жуда ўхшаркан. Мусича бир нағмада ку-кулади:

— Ку-ку-ку...

Табассум! Унинг оппоқ юзларида маъюс табассум...

1970 й.

БОБОСИ БИЛАН НЕВАРАСИ

Оёқларига қизил ботинка, устига кўк иштон-қўйлақ бошига эски ола дўппи кийиб олган уч яшар неvara, ҳаммадан олдин ўрнидан туриб, айвонга чиқади. Дастурхон атрофида ўтирганлар унга парво ҳам қилмайдилар. У даҳлизда бирпас тик туради. Тўғридан караганда худди вақтинча ўрнатиб қўйилгандек кўринадиган катта-катта кулокларини кўрганлар неварани тоғасига ўхшатадилар. Куралай кўзларини, бир оз япаскидан келган бурнини, кенг ва дўнг, ҳали ғам нималигини билмаган ялтироқ пешонасини кўрганлар эса уни отасига ўхшатадилар.

Неvara зинапоядан авайлаб тушади. Орқасига бир қараб кўяди. Майда-майда қадамлар билан ҳовли эшиги олдидаги мотоциклнинг ёнига бориб туради. Эсида бор, отаси билан мана шу мулойим ўриндиққа ўтирган, ўшанда бу мотоцикл дегани қаттиқ овоз чиқариб юриб кетган, неvara кўрққанидан отасини маҳкам кучоқлаб, кўзларини юмиб олган эди. Мана, у бугун ҳам мотоциклга минади, ўзининг минмоқчи эканлигини билдириш учун орқа ўриндиққа кўлини теккизиб туради. Ҳадемай отаси ҳам келади, сўрайди:

— Йўл бўлсин?

— Мен ҳам бораман.

— Қаёққа?

— Ишга.

— Ҳа-а. Директоримиз кеча педсоветда сени сўраётган эди, нега ишга келмаяпти деб, — дейди отаси ҳазиллашиб.

Неvara отаси айтган сўзларга деярли тушунмайди. Ҳатто айрим сўзларни биринчи эшитиши. Аммо шундай бир нарсани пайқаб қоладики, кимдир: холасими, аммасими уни келсин дебди. Боради, боради.

Шу пайт отаси бир нарсани тепади, пат-патлаган товуш чиқади. Неvara бир чўчиб туриб, киприкларини пирпира-тади.

Агар олиб кетмасангиз, йиғлайман, дегандек, лабларини буради, елкасини силкиб, бораман, дейди. Отаси парво қилмай кетади. Пат-патнинг орқасидан тутун чиқади, не-вара тутун ичида қолади. Ана энди, у ерга ағанаб, алами-дан чиққунча йиғламоқчи бўлади. Аммо... бобоси ёмон. Юмшок тупроққа ағанаб, мацца қилиб йиғлаб олишга қўй-майди. Неварасини кўлидан етаклаб ичкари олиб кириб кетади. Ҳар қалай ёмон бўлса ҳам ўзи билган одамлар ичида бобосини яхши кўради. Шу дақиқадан бошлаб бобосини аввалгига қараганда ҳам кўпроқ яхши кўради. Сабабки, бобоси ҳозиргина унга токчадан шоколад олиб берди.

Неварасининг кўнгли ниманидир истайди. Бир куни бобоси уни қаергадир олиб борган, у ерда катта-катта уйлар бор, одамлар кўп экан, кўчаларда олма, бодрингларни одамлар ҳаммага кўрсатиб ўтирар экан. Ўшанда бобоси унга ширин сув олиб берган эди. Невараси ҳали-ҳали эслаб лабларини ялаб қўяди. У ҳозир, яна шу ерга олиб боринг, дегиси келади, лекин айтолмайди, қаерга борганини ўзи ҳам билмайди. Бобосининг тиззасига ўтириб олиб хар-хаша қилади.

— Жим ўтир, жим. Қара, анавуни қара. Эҳ-хе, болаларни қара,— дейди бобоси бурчакда турган телевизорга ишора қилиб.

Невараси бу ярми шиша катта қутининг телевизор деб аталишини яқиндагина билди. Аммо ҳалигача унинг номи-ни айтолмайди. Бобоси телевизорда қизиқ томоша кўриб, кулиб юборади. Невараси нима гаплигини пайқаса-да, бобосига қўшилиб кулади. У томошага қараб ўтириб, хайрон бўлади: бунча кўп одамлар қандай қилиб шу кичкина қутининг ичига сиғади?..

- Бова, бу одамлар қаерда?
- Телевизорнинг ичида-да, улим.
- Шунинг ичида уйи ҳам борми?
- Бор, улим, бор. Ҳаммаси бор.
- Уларнинг шоколадиям борми?

Миттигина невараси ўзича, кишилар учун энг ширин ва керакли нарса шоколад деб билади. Шунинг учун ҳамма нарсани аввало шоколадга таққослаб кўради. Неварасининг саводи жавобсиз қолади, телевизорда ҳеч нарса кўринмай қолгани учун бобоси уни ўчириб қўйиб, ҳовлига чиқиб кетади. Невараси кўли билан деворга суяниб ўрнидан туради. Кўрсаткич бармоғини оғзига тикиб, бошини чапга сал қийшайтириб, телевизорга бирпас қараб туради. Сўнг аста-аста келиб телевизорнинг орқасидан ичига қа-

райди — йўк. Чаккасини телевизор ёнига теккизиб кулок солади — йўк. Халиги одамлар йўк. Хозиргина шунинг ичида эди... Қаёққа кетди улар?..

У хайрон бўлиб уй ичига назар солади. Печка олдида турган кичкина машинасини кўриб қолади. Машина олди-га боради. Шу ерда турган синглицининг кўғирчок кизини оёғидан судраб келиб машинаси устига ўтиргизади. Машинанинг узун ипларидан судраб ҳовлига чиқади, чекка-рокда бир нималар қилиб ўтирган бобосига қарайди. Бобоси дераза ясапти. Олдида усталар учун керакли асбоблар, ҳар хил ҳажмдаги ёғочлар сочилиб ётибди. Вақт-вақти билан ёғочга чизади-да, сўнгра кичкина қаламини кулоғи устига кистириб қўяди. Бунга кўрган невараси завқ билан кулади ва ўзи ҳам шундай қилиш учун қалам кидиради, бироқ тополмайди. Машинасини судраб дарахтлар орасига қараб кетади.

Бобоси кўз остидан неварасига қараб қўяди. Яна ишини давом эттиради. Бобоси пенсияга чиққанига икки ойча бўлди. Хукумат уни тақдирлади. У пенсияга чиқмасдан олдин қачон пенсияга чиқиб мундоқ дам оларканман, деб ўйларди. Иш деганлари жонимгаям тегди, деб қўярди. Мана, орзусига етди. Аммо ўзини кўярга жой тополмай қолди. Нима иш қилишини билмайди. Ишлаб ўрганган одам — ҳадеб ётавергиси келмайди. Ҳовлини кузатиб, кўзига ёмон кўринган нарсаларни — деворнинг кўчган жойларини, бузилган деразаларни, эшикларни тузатади. Токларнинг учини кесади. Хуллас, ҳовлидаги беўхшов нарсаларни ўхшатмаса кўнгли ором олмайди. Бобоси, «Манави Исмоил... Э тавба-е, қирқ йил Совет ҳукуматида хизмат қилиб, минглаб одамлар билан тил топишдим-у, икки ойдан буён шу тирмизак билан келиша олмайман-а!...»

Бугун икки кундирки, бобоси товук катагига эшик тайёрлайди. У қўлидаги ёғочни қаричлаб кўради, адашиб кетади. Яна қаричлаб, бу сафар қалам билан боплаб белгилаб қўяди. Кесмоқ учун аррани олади. Бобоси: «Бекор пенсияга чиқибман. Ишдалигимда кунига камида ўн киши мени сўраб турарди. Энди эса ҳеч кимнинг мен билан иши йўк». Бобоси яна кўп нарсаларни ўйлайди... Неварасининг дарахтлар тарафга ўтиб кетганини эслайди, хабар олади. Хотиржам бўлиб ишини давом эттиради. Неварасига ачинади: «Бунга қийин. Бирга ўйнайдиган болалар йўк. Уйдагилар мениям ташлаб кетади, унияям ташлаб кетади. Ё иккаланг бирга ўйнайвер, деганларимикан бу... Йўғ-е...»

Дўмбоққина невараси ўйиндан зерикади. Машинасини судраб келаётиб, товук катагига қараб, ичида товук бор-

лигини кўради. Чап оёғини ерга тап этиб уриб «кишт» дейди. Товук шунда ҳам индамай ётаверади. Невараси: «Хамма товуклар ҳовлида ўйнаб юрибди, бу товук нега бир ўзи ўтирибди экан?...»

Кўғирчок кизнинг кўлини суғуриб олиб товукка отмоқчи бўлади, лекин ололмайди. Ердан майда тош олиб отади, товук коқоқлаб катакдан чиқиб кетади. Невараси товук ётган жойда оппок тухум турганини кўради. Кўлини узатади, етмайди. Ўрмалаб катакнинг ичига кириб кетади. Тухумни машинасига солиб, бобосининг олдига оборади.

— Бова, товук туғди, мана.

— Яхши бўпти.

— Тухуми иссиқ экан.

Бобоси ва невараси кўл ушлашиб ток вайиши остига борадилар. Жажжигина невараси токда осилиб турган узумларга қарайди. Ўз кўллари билан олиб емоқчи бўлади. Худди бобосидек кўлини узумларга чўзади. Эҳ-хе, ҳали жуда узок, жуда...

Бобоси неварасига боқиб, беихтиёр ўзининг болалигини эслайди... Кўнглида неварасига нимадир... нимадир пайдо бўлди... Неварасининг беғубор пешонаси ва тиник юзларига узок боқиб қолади...

1966 й.

ТОҒАЙ МУРОД ҚИССАЛАРИ

Қадимий бир байтда шундай дейилади:

Ҳиди йўк гулга чаман хайф,
Меҳри йўк дилга бадан хайф.

Ҳар бир гулнинг ўзига хос ҳиди ва ҳар бир дилнинг такрорланмас меҳри айниқса адабиёт учун кадрлидир. Чунки адабиёт — сараланган ғоявийлик ва бадийлик чаманидир. Инсон дилга йўл топган асарларгина бу чамандан ўрни ола билади. Қитобхонлар қалбига «жиз» этиб тегмаган, унга завқ бермаган сўхтаси совуқ асарларга бу чаман чиндан хайфдир. Шу сабабли адабиётга китобхон қалби орқали йўл топиб келмаган асар унда яшаб кета олмайди. Истеъдодли қалбнинг меҳри билан йўғрилган ғоявий мазмун ва янгича бир гўзаллик хуш бўйини таратадиган бадий шаклларгина адабиёт чаманига мос тушади, унинг бойлигига бойлик, ҳуснига ҳусн қўшади.

Тоғай Мурод қиссалари адабиётимизга Сурхон водийсининг ўзига хос нафасини олиб кирди, меҳнатсевар, камтар ва танти чорвадорлар, боғбонларга нисбатан дилимизда самимий меҳр уйғотди. «От кишнаган оқшом» қиссаси «Алпомиш» дostonи анъаналарини эслатадиган халқчил руҳ билан суғорилган. Тоғай Муроднинг ўзи ҳам Алпомиш ва Барчинларни берган гўзал водийлар, бепоён яйловларда ўсганлиги унинг сўз бойликларидан, ёзувчилик услуби ва ўзига хос овозидан сезилиб туради. Насрий асарга шеърини жаранг ва кўтаринки руҳ бағишлай олиш қобилияти ёш адибнинг каламига хос энг яхши фазилатлардандир.

Қисса қаҳрамони Зиёдулла оддий бир чўпон. Унинг ўз оти Тарлонга бўлган меҳри — инсоннинг табиатга қўйган меҳридай соф. Тарлон табиат тимсоли бўлгани учун ҳам ёзувчи уни ёрқин бир образ даражасига кўтариб тасвирлайди.

Биринчи қиссанинг қаҳрамони Зиёдулла ўзи яшаётган жойдаги қаллоб ва ризкор одамларга қарши дадил курашади. У ҳатто ўзидаги жисмоний нуқсонга қарши исён кўтаради, «қал» деган маломатни маънавий устунлик — мохир чавандозлик шухрати билан енгиб ўтади.

«Ойдинда юрган одамлар» қиссасида ёш адибнинг ижодий изланишлари бошқачароқ йўлдан боради. Қоплон ҳам Зиёдулла каби меҳнатсевар, бир сўзлик одам, у ҳам табиатга ихлос қўйган, Оймомо деган

қизни севиб қолган. Икки қалбнинг туганмас муҳаббатига фарзандсизлик балоси қарши туради. Умр бўйи улар шу дардга даво излайдилар, баъзи одамларнинг маломатларидан азоб тортадилар, бир қанча вақт ўксик ва тили қисик бўлиб юрадилар. Фарзандсизлик балоси боши берк кўча каби ёзувчининг ўзини ҳам қийнаб қўйганлиги қиссадан сезилиб туради. Шу қийинчилик билан боғлиқ ҳолда қиссанинг «Шарк юлдузи» журналида чиққан илк вариантга эскирган диний урф-одатлар тасвири ҳам илашади. Ҳозир ғоявий софлик учун кураш кучайган пайтда совет ёзувчисининг бидъат ва хурофот саркитларига муросасиз муносабатда бўлиши талаб қилинади.

«Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг нуксонлари юксак партиявийлик ва ёш ёзувчига ғамхўрлик нуқтан назаридан жиддий танқид қилинди. Хайрхоҳлик билан айтилган танқидий фикрлар Тоғай Мурод учун катта бир ҳаётий сабоқ бўлди. Ёш адиб бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини қайта ишлади, ғоявий акцентларни ўз ўрнига қўйиб чиқди, эскирган урф-одатлар нотанқидий тасвирланган жойларни қисқартирди, янги замонга ҳос деталлар ва чизгиларни кўпайтирди. «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг журнал вариантыда давр, замон ноаниқ тасвирланган эди. Қоплон Оймомога уйланганда ҳали кишлоқда колхозлар тузилмаган, демак, тўй йигирманчи йилларда бўлиб ўтган эди. Лекин тўй кунларида Оймомо ҳадинчак учганда аргамчини Тарзан лақаблик Чори номли бола баланд бир дарахтга боғлаб беради. Биз биламизки, Тарзан фильми эллигинчи йилларнинг охирида машҳур бўлган, Тарзан лақабли болалар ҳам ўша эллигинчи йилларда учар эди. Қиссада эллигинчи йиллар билан йигирманчи йиллар қоришиб кетганини муаллиф ҳам танқидий мулоҳазалар натижасида сезди ва бу нуксонни тузатиб чиқди.

Қайта ишланган вариантда Қоплоннинг қайнағаси Эсон кишлоққа биринчи бўлиб трактор миниб келган фирма бўлади, Ленин вафотининг ўн йиллигида маъруза қилади. Журнал вариантыда Қоплон фарзандсизлиги туфайли тили қисик бўлиб, мудом катта курашлардан четда турар, ҳатто Улуғ Ватан уруши даврида ҳам панада қолар эди. Соғлом одам ҳеч бўлмаса ишчи батальонига бориб ишламаса дезертирга ўхшаб кўриниши мумкин эди. Муаллиф шуни ҳисобга олиб, Қоплоннинг япон босқинчиларига қарши урушга қатнашгани ва халқимиз Узоқ Шарқда эришган ғалабага ўз ҳиссасини қўшганини қиссага янгитдан киритди. Мана шу тарзда қиссадаги ғоявий мазмун анча кучайди, ундаги муҳаббат тасвири, ёрқин ҳаётий манзаралар, боғбонлар меҳнати, халқимизнинг манший турмушидаги гўзал удумлар — ҳаммаси улкан тарихий давр фонида кўзга яққолроқ ташланадиган бўлди.

Фарзандсизлик муаммосига ҳам Тоғай Мурод ўз қиссасида янгича талқин берганини алоҳида айтиш керак. Қиссанинг бошида, ўрталарида, охирида муаллиф «бобомиз, момомиз», деб эъозлаб қаламга оладиган Қоплон ва Оймомо дилларидаги инсоний муҳаббатнинг юксаклиги

туфайли китобхонлар қалбида фарзандларча меҳр уйғотдилар. Шу билан улар маънавий жиҳатдан кўп фарзанд кўрган муҳтарам боболар ва момолар қаторидан ўрин оладилар.

Тоғай Муроднинг қалбида меҳнаткаш халқимизга атагган яхши туйғулар кўп экани унинг киссаларидан сезилиб турибди. Фақат ҳали бу асарлар — адибнинг илк қадамларидир. Биз унинг ижоди ҳам, маҳорати ҳам янги-янги юксакликларга кўтарилади, деб умид қиламиз. Чунки унда туғма бир истеъдод бор. Истеъдод эса асл эътибори билан меҳру оқибатдан таркиб топади. Мана шу меҳру оқибатнинг бирор зарраси зое кетмаслиги учун адиб ўз истеъдодига «Бу фақат меники эмас, халқники, адабиётники!» деб қараш керак. Ана ўшандагина истеъдод ўсган сари уни умрбоқий қиладиган масъулият хисси ҳам ўсиб, илк муваффақиятлардан эсанкирашга йўл қўймайди.

Чинакам катта адиб ўз халқига катта бир қўшин келтиргандан ҳам улканроқ зафар ва шуҳрат келтириши мумкин. Фақат бунинг учун адиб ўзидаги истеъдодни худди қўшин байроғини авайлаб кўриқлайдиган яловбардор каби асраши керак, бу байроқни олдириб қўймаслиги, унга ғубор юктирмаслиги, доғ туширмаслиги керак.

Тоғай Муродга чин қалбдан айтадиган тилагим ана шу

Пиримкул ҚОДИРОВ

МУНДАРИЖА

Қиссалар

3.

ОТ КИШНАГАН ОҚШОМ

78

ОЙДИНДА ЮРГАН ОДАМЛАР

Ҳикоялар

147

КУ-КУ-КУ...

152

БОБОСИ БИЛАН НЕВАРАСИ

156

П. Қодиров

ТОҒАЙ МУРОД ҚИССАЛАРИ

На узбекском языке

ТАГАЙМУРАД МИНГНАРОВ

ЛЮДИ В ЛУННОЙ НОЧИ

Повести, рассказы

Такризчи:

Мухтор Худойкулов,
тарих фанлари кандидати

Редактор М. Тошпўлатов

Рассом Р. Камолиддинов

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 2910

Босмахонага берилди 17.05.84 Босишга рухсат этилди 30.01.85 Р—13023 Формати 84×108¹/32 Босмахона қоғози № 3 Адабий гарнитура Юкори босма Шартли босма л 8,4 Шартли кр.-оттиси 8,82 Нашр л 8,49, Тиражи 60000 Заказ № 1680 Баҳоси 50 т

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси, Тошкент 700129, Навоий кўчаси, 30

**Яқин кунлар ичида қуйидаги
асарлар босмадан чиқади:**

МИРМУҲСИН.
«Темур Малик».
Роман.

ИБРОҲИМ РАҲИМ.
«Генерал Равшанов».
Роман

МАҚСУД ҚОРИЕВ.
«Спитамен».
Роман.

МУРОДЖОН МАНСУРОВ.
«Мангу жанг».
Роман.

ЛОЛА ТОҶИЕВА.
«Меҳрим сизга, одамлар...»
Қисса ва ҳикоялар.

ТОҲИР МАЛИК.
«Чорраҳада қолган одамлар».
Қисса.